БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ ВА КАРТОГРАФИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ ВА КАРТОГРАФИЯСИ

Тошкент
«TURON-IQBOL»
2019

УЎК 94 (3)
КБК 63.3
Б 92

Бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг географияси ва картографияси [Матн]: ўқув қўлланма / масъул муҳаррир А.С. Сагдуллаев. – Тошкент: "TURON-IQBOL", 2019. - 112 б.

Масъул муҳаррир:
А.С.Сагдуллаев – тарих фанлари доктори, академик.

Тақризчилар:
Р.Ҳ.Сулаймонов – тарих фанлари доктори;
Ў.М.Мавлонов – тарих фанлари доктори.

Мазкур китобда Марказий Осиёнинг бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг географияси ва картографияси айрим масалалари кўриб чиқилган, шунингдек, тарихнинг қадимги босқичларида минтақа ҳудудларини ўзлаштириш жараёнлари, хўжалик-маданий типлар тараққиёти ва миграция муаммолари таҳлил қилинган.

Китоб мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Муаллифлар:
А.С.Сагдуллаев, Ў.И.Абдуллаев, Х.Х.Матяқубов,
А.Ш.Шайдуллаев, Ж.Э.Тоғаев

ОТ-Ф1-91 "Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари" номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилди.

ISBN 978-9943-14-627-3

© «TURON-IQBOL», 2019.

КИРИШ

Марказий Осиёда амалга оширилган кенг археологик тадқиқотлар минтақанинг тарихий географияси ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб, мавзуга доир турли долзарб масалаларни янги асосларда ўрганишга замин яратди.

Қадимий аҳолининг ҳудудий жойлашиши хусусиятларини аниқлашда археологик материаллар катта аҳамиятга эга, чунки бу борада илк ёзма манбаларда мавжуд ахборот доираси чекланган. Мисол тариқасида, юнон-рим тарихчиларининг асарларида (Гекатей, Геродот, Ктесий, Страбон, Курций Руф ва бошқ.) Ўрта Осиё қабила-элатларининг ҳудудий жойлашиши, тарихий вилоятларнинг чегаралари ҳақида умумий маълумотлар ёритилган. Қадимги форс битикларида минтақа мамлакатлари ва элатлари санаб ўтилган холос. "Авесто"да ҳам маҳаллий мамлакатларнинг фақат номлари ва рўйхати келтирилган. Бронза асри ва янада қадимги даврлар тарихига оид ёзма манбалар топилмаган.

Тарихий картография муаммоси этнос ва ҳудудлар ўзаро муносабатлари билан ҳамиша боғлиқ бўлган[1]. Ёзма манбалар асосида тузилган хариталар, юқорида қайд этиб ўтилган сабабларга кўра, тарихий воқеликдан йироқ бўлиши табиийдир. Шу сабабли, археологик ва ёзма манбаларни қадимги ҳудудий жойлашувнинг картографиясида ажралмас бирлик сифатида таърифлаш лозим.

Картография жараёнида сифат ва миқдорий жиҳатдан турли кўрсаткичлар ўрганилади, шу жумладан этнографияда ишлаб чиқилган услубий-назарий кўрсатмалар ҳам[2]. Бу борада археология фанига этнологларнинг назарий ва амалий изланишлари натижаларини механик тарзда кўчириб

---

[1] Козлов В.И. Этнос и территория // СЭ. 1971. № 6. – С. 89-100.

[2] Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и проблемы их картографии // СЭ. 1972. № 2. – С. 3-25.

олиш эмас, балки фанлараро усуллардан фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан, палеогеография ва антропоген ландшафтнинг ривожланиши, манбашунослик, тарихий ва этник географияси масалаларига оид тўпланган билимларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Фанлараро йўналишларни ривожлантириш ва бойитиш ўз долзарблиги билан ажралиб туради. Масалан, географиянинг йирик бўлимлари – мамлакатшунослик, аҳолининг географияси, тарихий география ва картографияси ҳамда этнографиянинг туташган жойида этник географияси ва картографияси ривож топган[1].

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, этнография ва география асосида шаклланган этногеография фанининг вазифалари халқлар (этник бирликларнинг) географик жойлашиши, унинг хусусиятлари ва бошқа халқлар билан ҳудудий ўзаро муносабатлари, ҳудудий жойлашишнинг ўтроқ ва кўчманчи шакллари, ҳудуднинг ўзлаштирилиши даражаси, аҳолининг зичлиги ва бошқа масалаларни ўрганишдан иборатдир[2].

Мазкур мавзулар билан боғланган ҳолда археология фанида инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатлари, палеогеография ва антропоген ландшафтнинг тараққиёти омиллари, инсон томонидан қуроллар ва меҳнат объектларини танлаб олиши ҳамда кишининг фаолияти ва турмуш тарзига табиий-географик шароитнинг таъсири каби муаммоларни аниқлаш муҳимдир.

Шунингдек, “хўжалик-маданий типлар”, “тарихий-этнографик” ёки “тарихий-маданий” вилоятлар тушунчаларига эътибор қаратиш лозим.

Энг қадимги даврлардан бошлаб, қабилаларнинг турлича табиий-географик шароитида жойлашганлиги маълум.

---

[1] Козлов В.И., Покшишевский В.В. Этнография и география // СЭ. 1973. № 1. – С. 3-13; Андрианов Б.В., Брук С.И., Козлов В.И. Этническая география и ее место в системе этнографической и географической наук // Проблемы этнической географии и картографии. – М.: Наука, 1978. – С. 7.

[2] Андрианов Б.В., Брук С.И., Козлов В.И. Этническая география ... С. 9.

Табиий муҳит жамоа ишлаб чиқариши, моддий ҳамда маънавий маданияти ривожланишининг асоси бўлиб, турли шакллардаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди (термачилар, балиқчилар, овчилар, деҳқонлар ва чорвадорлар маданиятлари). Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги яқин табиий-географик муҳит билан боғлиқ бўлган ҳолда, бир хил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланган[1].

Тарихий-маданий вилоятлар – бу узоқ тарихий давр ичида аҳоли тарихий тақдирининг бирлиги шароитидаги ўзаро муносабатлари натижасида муайян маданий умумийлик шаклланган ҳудудлардир[2]. Тарихий-маданий вилоятларда турлича хўжаликлар етакчи бўлиши мумкин эди (деҳқончилик ва аксинча чорвачилик ёки тоғ-кон ишлаб чиқариш), бироқ этник ва маданий хусусиятлари жиҳатидан аҳоли умумий белгиларга эга бўлган.

Аҳоли ҳудудий жойлашишининг археологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзи, ҳудудларнинг ўзлаштириши даражаси ва ҳудудий жойлашувнинг хусусиятларини, аҳоли ва географик муҳитнинг ўзаро таъсири каби масалаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Асосий вазифалардан бири картографияга мўлжалланган манбаларни мукаммал ўрганиш; турлича мазмунга эга материаллардан кенг фойдаланиш; тарихий воқеликка яқин натижалар берувчи картография қоидасини танлаб олишдан иборатдир. Археологик тадқиқотларнинг бошланиши илк текшириш ишлари билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда қадимги ёдгорликлар (манзилгоҳлар, уй-қўрғонлар, қалъалар, шаҳар харобалари ва бошқ.) миқдори,

---

[1] Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-географические области // СЭ. 1955. № 4; Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и проблемы их картографии // СЭ. 1972. № 2. – С. 3-25.

[2] Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Историко-этнографические области (проблемы историко-этнографического районирования) // СЭ. 1975. № 3. – С. 15-25.

воҳа-туманларнинг ўзлаштириш микёси, суньий суғориш ерлар, ўтмишда ишлов берилган қадимий далалар ва атрофдаги чорва боқиш мақсадида фойдаланилган яйловлар ҳақида маълумотларни йиғиб олиш катта аҳамият касб этади.

Турли давр ҳудудий жойлашишининг чегаралари бир-бирига мос келмаган. Шу боис хронологик жиҳатдан турлича тарихий босқичларга оид хариталарни тузиш – долзарб вазифа. Уларни қиёслаган ҳолда ўрганиб, ҳудудларни ўзлаштириш хусусиятлари, аҳоли истиқомат қилган жойларнинг зичлиги ва ҳудудий жойлашиши чегараларнинг ўзгариши динамикасини аниқлаб, воҳа-туманлар ва тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари ҳақида маълумотларни қўлга киритиш мумкин.

Ўрта Осиё археологиясида қадимий ёдгорликларнинг районлаштириш масалалари кўп йиллар мобайнида тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этган[1]. Тўпланган материаллардан ёдгорликларни рўйхатга олиш, уларнинг географик ёйилишини аниқлаш, савдо ва маданий алоқалар йўллари бўйлаб жойлашишини қайд этиб ўтиш ҳамда тарихий географиянинг айрим масалаларини ўрганишда фойдаланилган. Бироқ археологик картографияси маълумотларининг хўжалик-маданий типлар, тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммоларини тадқиқ этишда ҳам ўрни ниҳоятда катта.

Палеолит даврида инсон томонидан Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларини ўзлаштириш жараёни бошланган. Мезолит даврида ўзлаштирувчи хўжаликлар билан шуғулланган

---

[1] Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. № 73. – М. – Л., 1959; Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХЭ. – М., 1968. Вып 8; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба // СА. 1979. № 1; Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение бактрийских памятников на юге Узбекистана // Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зеравшана. – Ташкент: Фан, 1991 ва бошқ.

қабилаларнинг маконлари дарё воҳалари ва уларга туташ даштларда, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган.

Мазкур даврда Шарқий Каспийбўйи қирғоқлари ўзлаштирилади, овчилар ва термачилар Устюрт, Қорақум ва Қизилқум чўлларида пайдо бўлади, уларнинг маконлари Сурхондарё, Жанубий Тожикистон, Зарафшон ва Тошкент воҳаларида, ҳатто Помир ва Тян-Шаннинг баланд тоғли жойларида тарқалади[1].

Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларини жадал ўзлаштирилиши жараёни одамларнинг хўжалик эҳтиёжларини қониқтириш, озиқ-овқат ва сув манбалари, ҳайвонот ва ўсимлик олами бой ҳудудларни эгаллаб олиш, меҳнат қуроллари ясаш учун тош конларидан фойдаланиш зарурати билан белгиланган. Қабилалар ўртасида иқтисодий алоқалар кенгайиб бориши натижасида алоқа йўллари ривожланган ва янги ҳудудларни ўзлаштириш жараёни тобора ўсиб борган[2]. Овчилар – термачилар жамоаларининг муайян ҳудудда ўтроқлашиб яшаш, яъни бир жойдаги истиқомат муддати атрофдаги ов қилинадиган ҳайвонлар миқдори, истеъмолга яроқли мевалар ва ўсимликларнинг сероблиги билан боғлиқ бўлган. Овчилик мақсадида мезолит даври жамоалари яшаш жойларини ўзгартириб, узоқ масофаларга кўчиб юрганлар, шунингдек, аввал ўзлаштирилган ҳудудларга қайтиб келиш имкониятлари мавжуд бўлган. Мавсумий кўчиб юриш турмуш тарзи овчилар-балиқчилар жамоаларига ҳам хос эди. Бу овчилик, балиқчилик ва термачиликни ривожлантириш зарурияти, аҳоли сони ўсиб бораётган шароитда уруғ-қабила аъзоларининг хўжалик эҳтиёжларини қониқтириш вазифаларидан келиб чиққан.

Мезолит даврида хўжалик-маданий типларнинг ривожи аҳолининг ҳаётида муайян хўжалик шаклининг устунлик

---

[1] Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. –Л.: Наука, 1966. – С. 59-75.

[2] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: Akademiya, 2008. – Б. 8-16.

қилиши (термачилик ва овчилик, балиқчилик ва овчилик ёки комплекс тарзда буларнинг барчаси) табиий шароит, қурук ва иссиқ, аксинча нисбатан салқин ва нам иқлимга эга вилоятларда яшаш омиллари билан белгиланган. Бироқ бу даврда Ўрта Осиёнинг барча жамоалари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бир хил, умумий даражада тараққий этган.

"Неолит инқилоби" натижасида ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжалик турлари – деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш хўжалик-маданий типлар қиёфасини ўзгартириб, минтақада тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланишига замин яратилган.

Туркманистоннинг жануби-ғарбидаги Копетдоғ шимолий ёнбағирларида истиқомат қилган аҳоли гуруҳлари 8–7 минг йил аввал деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлар. Илк неолит даврида ўтроқ манзилгоҳлар ва гувалақдан қурилган бир хонали уй-жойлар пайдо бўлади (Жойтун, Чағалли, Чўпонтепа). Дон қолдиқлари (арпа, буғдой) тошдан ишланган ўроқлар, пичоқлар ва ёрғучоқлар деҳқончилик кашф этилганлигидан далолат беради[1].

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида Калтаминор, Хисор, Устюрт, Сазағон, Марказий Фарғона маданиятлари ривожланган[2]. Улар Жойтун маданиятидан нафақат хўжалик юритиш шакллари, уй-жойлар бунёд этиш усуллари, турмуш тарзи ва моддий маданияти билан фарқланади. Бу неолит даврида Ўрта Осиё қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаганлигидан гувоҳлик беради. Деҳқончиликни билмаган, асосан, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган жамоалар иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган.

---

[1] Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. № 180. – Л.: Наука, 1971.

[2] Холматов Н.У. Происхождение и судьба неолитических культур Средней Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Тошкент, 2018. – С. 138-142

Неолит даври қабилалари орасида вужудга келган иқтисодий ва маданий ҳаётдаги нотекис ривожланиши жараёни энеолит – мистош даврида анча кучайиб борган. Шу боис минтақанинг турли географик вилоятларида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари турлича тараққий этган.

Металлургия ривожи ва меҳнат қуроллари ясаш услуби ўзгариши билан одамлар мис, қалай ва қўрғошин конларини кашф этадилар. Бронза даврида (мил.авв. III мингйилликнинг ўрталари – II мингйиллик) ўзлаштирилган ерлар ва яшаш ҳудудлар тобора кенгайиб борган. Аҳоли сонининг ўсиши, қабилаларнинг ўзлаштирилган ҳудудларда зич жойлашиши, доимо ўсиб бораётган хўжалик ва ҳунармандчилик эҳтиёжлари, табиий қазилма бойликлар – полиметаллар руда конлари, бўз ерлар, сув манбалари ва кенг яйловларни ўзлаштириш заруратини вужудга келтирган. Мазкур омиллар деҳқончилик ва урбанизация жараёнларининг ривожланиши ҳамда мил.авв. II мингйилликда яйловларда боқиладиган чорвачилик ажралиб, махсус хўжалик шаклига айланиши билан белгиланган. Шу тариқа Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мурғоб, Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб, чўллар ва тоғ довонларини кесиб ўтган янги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлган. Бу йўллар орқали ички ва ташқи миграциялар амалга оширилган, савдо-айирбошлаш ва маданий-иқтисодий алоқалар тараққий этиб, этномаданий жараёнлар рўй берган. Бу борада бронза даври этник географияси, унинг муҳим қисми этник ҳудудлар, аҳоли жойлашиши чегаралари, миграциялар ва этномаданий жараёнларнинг картографияси алоҳида долзарб мавзу бўлиб хизмат қилади.

1977 йили Марказий Осиёнинг этник муаммолари тарихига бағишланган халқаро симпозиумидаги кўриб чиқилган масалалари орасида минтақа халқларининг этногенезида мил.авв. II мингйиллик муҳим босқич бўлганлиги ва хусусан, шу даврда замонавий халқларнинг шаклланишига асос солинган деган фикр илк бор илгари

сурилган[1]. Анжуман иштирокчилари маърузаларида ҳинд-эрон қабилаларининг ёйилиш масалалари, бронза асрида Андроново маданияти дашт чорвадорларнинг Марказий Осиёга миграцияси билан боғлиқ "орийлар муаммоси"нинг лингвистик (тилшунослик), археологик ва тарихий-маданий жиҳатлари кўриб чиқилган. Бошқа мукобил қарашларга кўра, ҳинд-эронийлар ватани Олд Осиёда жойлашган.

XX аср тарихшунослигида кўпчилик олимлар томонидан орийларнинг эроний тилли қабилаларига мансублик ҳолати эътироф этилган эди. XXI аср бошларида мавзуга доир баҳс-мунозараларида "орийлар муаммоси" лингвистика нуқтаи назаридан нафақат эроний тилли назарияси билан боғланди, шунингдек, янгича қарашларга кўра, Андроново маданияти вакиллари "прототурк" тилида сўзлашувчи қабилаларга айланди (юнонча "протос" атамаси "илк", "биринчи" деб таржима қилинади, яъни прототурк тили – илк туркий тили сифатида изоҳланади). Мазкур баҳс-мунозарада бронза даври этник тарихининг бошқа масалаларига нисбатан тил муаммосини аниқлаш бироз устунлик қилди.

Қадимий халқларнинг этногенези ва тарихи борасида хўжалик-маданий типларнинг шаклланиши, тарихий-маданий вилоятларнинг ривожланиши ҳамда Марказий Осиёнинг этник география ва картографияси масалаларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Минтақада намоён бўлган этник ва маданий жараёнларнинг хилма-хиллиги, кўп босқичли маданий интеграция сифатида туб жойли ва келгинди ўтроқ ҳамда кўчманчи қабила элатларнинг қоришиб кетишини инобатга олиш лозим. Маълумки, тўғри чизиқли йўналишдаги таъсирсиз ривожланиш, ташқи оламдан узилган, ўзлари томонидан қулфлаб қўйилган чегараланган турмуш тарзи билан ажралиб турган жамоаларга хос бўлган.

---

[1] Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности (II тысячелетие до н.э.). – М.: Наука, 1981. – С. 5.

Марказий Осиё географик жиҳатдан маданий алоқалар йўллари чорраҳасида жойлашиб, ўзаро таъсир ва турли маданиятлар учрашув жойи, мулоқот марказига айланган. Минтақанинг қадимги тарихида вужудга келган янги маданият кўринишлари, яъни янгиланиш жараёни, маҳаллий ва миграциялар натижасидаги анъаналарнинг ўзаро муносабатлари ва уйғунлиги ҳамда кенг миқёсдаги алоқалар белгилаб берган. Буларнинг барчаси этномаданий тараққиётнинг асосий омиллари бўлиб, унинг ҳаракатлантирувчи кучи вазифасини бажарган.

Мазкур китобда археологик ёдгорликларнинг географияси ва картографияси, хўжалик-маданий типларнинг ривожланиши масалаларига доир тадқиқотларнинг айрим натижалари ўз аксини топган. Китобнинг кириш ва хулоса қисми – А.Сагдуллаев, 1,2-банди – Ў.Абдуллаев, 3-банди – А.Сагдуллаев, А.Шайдуллаев, Ж.Тоғаев, 4-банди – А.Шайдуллаев, 5-банди – А.Сагдуллаев, Ж.Тоғаев, 6-банди – А.Шайдуллаев, 7-банди – Х.Матякубов томонидан ёзилди.

1. ТОШ ДАВРИДА ҲУДУДЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ВА ХЎЖАЛИК-МАДАНИЙ ТИПЛАР

Энг қадимги даврлардан бошлаб, жаҳоннинг бошқа минтақалари сингари, Марказий Осиёда ёйилган қабилалар муайян ҳудудларда жойлашган. Мазкур ҳудудларнинг географик хусусиятлари ва табиий шароити жамоаларнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятига таъсир қилган. Ҳудуд уруғ-қабила тизимидаги маданий, хўжалик ва ижтимоий алоқаларнинг тадрижий равишда ривож топиши ва мустаҳкамланишига замин яратган[1].

Ибтидоий (уруғчилик) жамоаларнинг жойлашувидаги қон-қариндошлик алоқалари, маълум ҳудудда қариндош-уруғ аъзоларининг жойлашуви тамойиллари устунлик қилган. Мазкур ҳудуднинг катта-кичиклиги, у ёки бу жамоалар томонидан хўжалик мақсадларда улар истиқомат қилган ердаги табиий маҳсулотларни ўзлаштириш иложи ва шу ҳудудларни бошқа (қўшни) жамоалардан ҳимоя қилиш имкониятлари билан белгиланган[2]. Шу боис инсоният тарихида нафақат қон-қариндошлик туйғуси, шунингдек, ҳудудий бирлик тушунчаси жуда эрта шаклланди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ибтидоий жамият даврида аҳоли гуруҳлари орасидаги алоқаларнинг зичлиги уларнинг ўртасида масофа ва табиий тўсиқлар мавжудлиги (тоғ тизмалари, кенг дарёлар, чўллар) билан бевосита боғлиқ бўлган[3]. Бироқ алоқа йўлларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда улов-транспорт воситаларининг вужудга келиши натижасида табиий тўсиқлар ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотди[4].

---

[1] Козлов В.И. Этнос и территория // СЭ, 1971. №6. – С. 94.

[2] Берзина М.Я. Этнические территории, этнические границы и проблемы их картографирования // Проблемы этнической географии и картографии. – М.: Наука, 1978. – С. 50.

[3] Берзина М.Я. Этнические территории... – С. 49-50.

[4] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 251-253.

Аҳоли сонининг босқичма-босқич ўсиб бориши, ҳудудий жойлашишнинг зичлиги, атрофдаги ҳаётий манба – табиий ресурсларнинг чекланиши, алоҳида жамоаларнинг ўзлаштирилган ҳудудлар доирасидан чиқиб кетишига сабаб бўлган. Аввал муайян уруғ-қабилаларга тегишли бўлмаган бўз ерлардаги озиқ-овқат ва сув манбалари, овчилик ва термачилик хўжалигига қулай ҳайвонот ва ўсимлик оламига бой ҳудудларни эгаллаш жараёни жадал кенгайиб боради. Бундай шароитда катта қабилалар гуруҳлари вужудга келиб, кейинчалик улар қабилалар иттифоқига бирлашди. Худди ўша қабилалар гуруҳлари энг қадимги этнослар ёки элатларга айланган[1].

"Этнос" сўзи юнонча атама бўлиб, дастлаб "халқ", "уруғ", "қабила" ва "одамлар" маъноларини англатган[2]. Хозирги кунда ишлатилган "этнография", "субэтнос", "этнология", "этногеография" ва бошқа тушунчалар, хусусан, шу сўз билан боғланган. Шу тариқа тарихий этнография фанида "этник жараёнлар", "этник ҳудудлар" ва "этник чегаралар" каби тушунчалардан халқлар вужудга келмаган ибтидоий жамият тарихининг турли даврларини ўрганишда ҳам фойдаланилади.

Илк палеолит даврида инсон томонидан Ўрта Осиёда икки географик ҳудуд – шарқий, тоғли ва ғарбий ерлар – Копетдоғ этаклари ҳамда Шарқий Каспийбўйи ўзлаштирила бошланади. Шарқий вилоятлардаги ибтидоий маконлар (Селенгур, Сўх, Чашма ва бошқ.) тоғ даралари ва сой бўйларида ёйилган. Уларга ўхшаш жой-маконларнинг баъзилари денгиз сатҳидан 1800–2000 метр баландликда жойлашган. Мисол тариқасида, Жанубий Тожикистонда топилган Қоратоғ 1 ва Ҳаволанг маконлари, шулар жумласидандир[3]. Туркманистоннинг жануби-ғарбида аниқланган қадимги

---

[1] Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М.: Наука, 1973. – С. 126.

[2] Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М.: Наука, 1983. – С. 7-8.

[3] Лазаренко А.А., Ранов В.А. Новая палеолитическая стоянка Каратау 1 в Южном Таджикистане // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. Вып. 3. – С. 69-71.

тош даври ёдгорликлари тоғолди ва пасттекисликларда жойлашган. Мазкур давр минтақада термачилик-овчилик хўжалиги шаклланиши ва ривожланиши босқичига тўғри келади.

Ўрта палеолит даврида ўзлаштирилган ҳудудлар кенгайиб боради. Бундан Сурхондарё, Зарафшон ва Тошкент воҳаларида топиб текширилган археологик ёдгорликлар далолат беради. Бу даврда сой бўйларидаги қирғоқларда жойлашган маконлар қаторида ғор-маконлар (Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент) вужудга келади[1]. Мазкур ҳудудларда яшаган ибтидоий одамларнинг ҳаётида тоғ эчкисини ов қилиш устунлик қилган. Мисол учун, Тешиктош ғорида топилган ёввойи ҳайвонларнинг суяклари орасида буғу, от, айиқ ва қуён суякларига нисбатан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари мутлақ устунлик қилади[2].

Сўнгги палеолит даврида уруғ жамоалари вужудга келади. Бу даврда ҳам инсоннинг турмуш тарзига табиий-географик муҳит таъсир қилиб, жамоалар хўжалик эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда тараққий топган.

Ўрта Осиё тарихида сўнгги палеолитнинг хусусияти шундан иборатки, эндиликда одамлар, асосан, тоғолди ва тоғларда яшамай, текисликлар, даштлар ва дарё воҳаларида (Устюрт, Қизилқум, Зарафшон ва Тошкент воҳалари) истиқомат қила бошлаганлар[3].

Бу давр хўжалик-маданий типига оид масала бевосита табиий-хўжаликлар вилоятлари муаммоси билан боғлиқдир. Негаки, палеолит даврининг сўнгги босқичида минтақа миқёсида ибтидоий уруғ жамоалари турли табиий-

---

[1] Окладников А.П. Средний палеолит-мустьерское время в Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 25-33.

[2] Окладников А.П. Средний палеолит... – С. 25.

[3] Виноградов А.В., Бижанов Е.Б. Первые палеолитические находки с юго-восточного Устюрта // АО 1977. – М.: Наука,1978. – С. 522; Мамедов Э.Д., Виноградов А.В. Разведки палеолита в Юго-Западных Кызылкумах // АО 1981. – М.: Наука, 1983. – С. 461.

географик ҳудудларда жойлашади. Денгиз ва кўллар атрофида истиқомат қилувчиларда кўпроқ балиқчилик билан шуғулланиш имкониятлари пайдо бўлган, воҳа текисликлари ва даштлар туёқли ҳайвонларга бой эди, уларнинг изидан овчилар бориб, бир ҳудуддан бошқасига кўчиб юрган. Шунингдек, тоғли ўлкалар ёввойи меваларга бой бўлган. Шу тариқа, мазкур табиий шароитда термачилик муҳим аҳамият касб этган эди.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, табиий шароитнинг умумийлиги, жамоаларнинг турмуш тарзи ва моддий маданиятига, айниқса ўхшаш хўжаликларга мос тошдан ва суякдан ишланган бир хил меҳнат қуролларининг шакллари пайдо бўлишига таъсир қилган. Ҳар бир табиий-хўжалик вилоятида умумий белгиларга эга бир неча маданиятлар ривож топиши мумкин эди. Бироқ турли маданиятларнинг бирлиги, уларнинг келиб чиқиши атроф-муҳит, турмуш тарзи ва хўжаликларнинг умумийлиги билан белгиланган[1].

Бунга ўхшаш ҳолатлар, яъни ибтидоий одамларнинг яшаши, асосан, табиий муҳит билан боғлиқ бўлганлиги, алоҳида вилоятлар мисолида қадимги тош даври ёдгорликларининг ўрганилиши натижасидан ҳам маълум[2].

Мезолит даври (мил.авв. XII–VII мингйилликлар) тарихда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Улкан музликнинг чекиниши, иқлимнинг ўзгариши ва ҳароратнинг кўтарилиши натижасида, Ўрта Осиёнинг ҳайвонот ва ўсимлик оламида кескин ўзгаришлар юз берган[3].

Мазкур даврда минтақа доирасидаги аҳоли гуруҳларининг тоғ даралари, даштлар ва дарё воҳалари бўйлаб кенг

---

[1] Борисковский П.И. Проблемы палеолитических культур, хозяйства и социального строя // Археология СССР. – М.: Наука, 1984. – С. 350.

[2] Тошкенбоев Н. Самарқанд вилоятининг юқори палеолит ёдгорликларини ўрганиш муаммолари // Ўзбекистон моддий маданияти. – Самарқанд, 1999. 30-нашр. – Б. 15-18.

[3] Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б. 15-18.

ҳудудий жойлашиши намоён бўлган. Археология фанида мезолит даври ёдгорликлари турли географик ҳудудларда ўрганилган. Шарқий Каспийбўйи (Дамдамчашма, Қайли, Жебел маконлари), Устюрт (Айдабол, Чурук, Оқтойлоқ), Қизилқум (Лавлакон, Дарёсой), Зарафшон воҳаси (Сазағон, Чорбақти), Жанубий Тожикистон (Чилчорчашма, Дағана), Помир тоғлари (Ошхона, Қоратумшуқ), Тошкент воҳаси (Бўзсув, Қўшилиш), Фарғона водийси (Обишир, Тошкўмир), Сурхондарё (Мачой) каби ва бошқа ёдгорликлар, шулар жумласидандир[1].

Мезолит даврида ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши овчиликнинг аҳамиятини оширишга хизмат қилди. Ов учун қулай янги ҳудудларнинг ўзлаштирилишидан баланд Помир тоғларида топилган маконлар далолат беради. Шунингдек, даштларда кўчиб юрган жамоалар пайдо бўлган. Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Сурхондарё тоғлари ва бошқа жойларда овчилик одамларнинг асосий машғулотига айланиб, улар истеъмолга яроқли мевалар ва ўсимликлардан ҳам фойдаланишган[2].

Бу борада Шарқий Каспий бўйида археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар ўзлаштирувчи хўжаликнинг комплекс тарзда ривожланишидан дарак беради. Бу ерда Дамдамчашма ва Жебел ғор-маконларида дашт ҳайвонларининг суяклари қаторида оқиб турадиган чучук сувда яшовчи сазан ва шуртон балиқларнинг суяклари топилган[3]. Мезолит даврида Амударё Қорақумни ёриб ўтган

---

[1] Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 59-68; Исламов У. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита Узбекистана // ИМКУ. – Ташкент, 1974. Вып.11. – С. 29-31; Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта // Археология Приаралья. – Ташкент, 1982. Вып.1. – С. 14-37; Холматов Н.У. Мезолит низовьев Зарафшана // ИМКУ. – Самарканд, 2000. Вып. 31. – С. 25-34.

[2] Исламов У. К вопросу о локальных вариантах... – С. 31.

[3] Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое... – С. 62-63.

Узбой ўзани орқали мазкур маконлар жойлашган Балхон паст тоғлари бўйлаб, Каспий денгизига қуйилган. Шунингдек, Каспийбўйи маконларида тош қирғичларнинг топиб текширилиши термачиликдан дарак беради. Термачилик машғулотига нам иқлим шароитида турли ўсимликларнинг мавжудлиги хизмат қилган. Бундан кўриниб турибдики, Шарқий Каспийбўйидаги мезолит даври хўжалик-маданий шакли балиқ ови, ҳайвонлар ва қушларни ов қилиш ҳамда термачиликдан иборат бўлган.

Мезолит даврида илиқ ва нам иқлимнинг вужудга келиши натижасида,[1] Устюрт ва Қизилқум сарҳадларида кўпсонли кўллар ва кичик сув ҳавзалари, даштларда шўрланмаган серунум тупроқ бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси пайдо бўлишига замин яратган. Бундай шароитда ўзлаштирувчи табиий озуқа маҳсулотларининг сероблиги одамлар эҳтиёжларини қондирган. Шу боис Устюрт ва Қизилқум ҳудудларида ҳам овчилик ва термачилик катта аҳамиятга эга бўлган[2].

Инсон томонидан бунёд этилган сўнгги палеолит даврига оид кулба шаклидаги уй-жойларнинг излари Самарқанд маконида аниқланган. Бу тўғрибурчак шаклдаги, майдони 100 кв. метрга тенг уй-жойнинг қолдиқларидир. Қурилиш материаллар сифатида қамиш, дарахт бутоқлари ва поялари ишлатилган. Кулбанинг бурчакларида ёғоч устунлар ўрнатилган. Уй-жойнинг ичида тўртта ўчоқ қолдиқлари топилган[3]. Кўп вақт давомида фойдаланишга мўлжалланган

---

[1] Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Ландшафтно-климатические условия среднеазиатских пустынь в голоцене // ИМКУ. – Ташкент, 1974. Вып. 11. – С. 32-44.

[2] Бижанов Е.Б. Проблемы культурогенеза мезолита Устюрта // Историко-культурное наследие Арало-Каспийского региона. Часть II. – Актау, 2010. – С. 5-6.

[3] Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. Палеоэкология древнего человека Зарафшанского бассейна и проблема жилища // Палеоэкология и проблемы первобытной археологии Центральной Азии. – Самарканд, 1992. – С. 13-16.

сунъий турар жойларнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз, сўнгги палеолит даври одамнинг энг катта ютуқларидан бири эди. Маконлар ғорлар ичида ёки гулхан излари мавжуд очиқ майдонларда жойлашган. Кўчиб юрган овчилар мавсумий маконларда яшаганлар.

Археологик материаллар мезолит даври турмуш тарзи, хўжалиги ва маданиятини тиклашга асос бўлади. Улар шундан гувоҳлик берадики, бу даврда яшаган уруғчилик жамоаларини қон-қариндошлик алоқалари, умумий мулк ва меҳнат қуроллари, умумий меҳнат ва турмуш тарзи бирлаштирган. Уруғ жамоаси вакилларининг сони, ўртача, 30–40 кишидан иборат бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Жамоа фаровонлиги учун улар алоҳида гуруҳларга ажралиб, ҳаётий зарур вазифаларни бажариши шарт эди. Булар ичида меҳнат ва ов қуроллари ясаш учун чақмоқтошни конлардан қазиб олиш, ўтин йиғиш, истеъмолга яроқли мевалар териш ҳамда ўсимликлар илдизларини ковлаб олиш, тош ва суякдан қуроллар ясаш кундалик меҳнат фаолиятига айланган.

Бироқ жамоани юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб, ибтидоий жамиятнинг иқтисодий тизимида бош, яъни марказий мақсадни ташкил этган. Буни инобатга олган ҳолда, ўзлаштирувчи хўжаликлар тартибини тиклаш жараёнида муҳим ахборотни ўзида акс эттирган турли тарихий манбалардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга[1].

Мисол учун, Устюртдаги мезолит даври ёдгорликларида топилган чақмоқтош қуролларини ўрганиш натижасида, уларнинг орасида ов қуроллари 36-46-61 фоизни ташкил этиши аниқланди[2]. Улар найза ва ўқ учлари, тош қирғичлар ҳамда ов ўлжаси – сўйилган туёқли ҳайвонларнинг нимталанмаган гўштини бўлиш учун мўлжалланган тош

---

[1] Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 21.

[2] Авизова А.К. Трасологический анализ орудий труда стоянок юго-восточного Устюрта // Археология Приаралья. – Нукус, 2003. Вып.VI. – С. 17-20.

пичоқларнинг қадамаларидан иборатдир. Бошқа кесгич ва тешгич тош қуроллари ёғоч, тери, суяк, тош ва чиғаноқларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган[1].

Ов қилиш жамоатчилик асосида ҳамда ўқ-ёй ёрдамида якка тартибда амалга оширилган. Ов усуллари турлича бўлишини тахмин қилиш мумкин. Туёқли ёввойи ҳайвонларнинг йўлида чуқур ўралар ковлаш, уларнинг тўдаларини жар ёқасига ҳайдаш, ўткир тош ва суяк учларига эга найзаларни ишлатиш шулар жумласидандир. Баъзан, ўлжа излаб, овчилар катта масофаларни босиб ўтишган. Бундай ҳолатларда жамоалар асосий маконларини бир жойдан бошқасига кўчирган.

Шу сабабли, турли жамоаларнинг эҳтиёжлари доирасига кирувчи ҳудудлар кенгайиб борди. Мазкур жараён шундан дарак берадики, мезолит даврида инсон ҳаёти, унинг эҳтиёжларига хизмат қилган сув манбалари ва хом ашё конлари, ҳайвонлар ва ўсимликлар кенг тарқалган ҳудудлар билан чамбарчас боғланган. Уруғ жамоалари ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадида шу ҳудудлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиб, яшаш учун қулай ва табиий озиқ-овқат маҳсулотларига бой янги ерларни эгаллашга интилганлар.

Шундай қилиб, мезолит даврида Ўрта Осиёда ҳудудий жиҳатдан ва табиий географик шароитга мос иккита хўжалик – маданий тип шаклланган. Биринчиси – текисликлар ва дарё воҳаларида овчилик, балиқчилик ва термачилик асосида ривож топган. Иккинчиси – тоғли ўлкалардаги овчилик ва мумкин қадар термачилик хўжалик-маданий шаклидир.

Уруғ-қабила жамияти тизимида этник ҳудуднинг кенгайиши ва яшаш жойларини алмаштириш жараёни демографик омиллар оқибати, аҳоли сонининг ортиб бориши шароитида табиий ресурслардан чексиз фойдаланишдан келиб чиққан. Бу жамоатчилик меҳнат унумдорлиги

[1] Авизова А.К. Трасологический анализ... – С. 20.

ошмаган ҳолда, кўп даврлар мобайнида табиий ресурсларни бирёқлама ўзлаштириш, уларнинг турли жойларда камайиб қолиши ва тугашига ҳам олиб келди.

Ўзлаштирувчи хўжаликлар овчилик – термачилик шароитида, жамоа гуруҳлари бир жойдан иккинчисига кўчиб юриб, худди шундай кўчманчи гуруҳларга дуч келганлар. Уларнинг ўртасида аниқ алоқалар мунтазам равишда ривож топган. Турли жамоалар орасида ҳудудий масофалар камайиб, алоқа йўллари ва воситалари такомиллашиб борган. Буларнинг барчаси нафақат яқин қўшни жамоаларнинг ўзаро хўжалик ва айирбошлаш муносабатлари мустаҳкамланиб боришига, аксинча, чегара ҳудудларни эгаллаш учун тўқнашувларга ҳам олиб келди[1].

Неолит даври, мил.авв. VI мингйилликнинг бошларида, турли табиий шароит ва географик ҳудудларда жойлашган қабилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Ўрта Осиёнинг жанубида, Копетдоғ шимолий ёнбағирларидаги кичик сойлар атрофларида яшовчи аҳоли гуруҳлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар – деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлар[2].

Шу сабабли, минтақа миқёсида қабилалар орасида нотекис ривожланиш вужудга келган. Ўрта Осиёнинг жануби илғор хўжалик шакллари, ўтроқ ҳаёт, лой гувалаклардан узоқ муддат давомида яшаш учун мўлжалланган уй-жойлар қуриш ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти оқибатида янги хўжалик ва техник ютуқлар ёйилишида транзит ҳудуд сифатида катта аҳамиятга эга бўла бошлайди[3].

Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларида Шарқий Каспийбўйи, Амударёнинг Узбой ўзани қирғоқлари, Устюрт, Жанубий Оролбўйи, Қизилқум, Зарафшон воҳаси, Кофирнигон ва Вахш дарёлари тоғолди ерлари ва Фарғона водийсида анъанавий

---

[1] Берзина М.Я. Этнические территории, этнические границы... – С. 52.

[2] Массон В.М. Поселение Джейтун (проблема становления производящей экономики) // МИА. – Л.: Наука, 1971. №180. – 208 с. ил.

[3] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари... – Б. 21

балиқчилик, овчилик ва термачилик, яъни ўзлаштирувчи хўжаликлар устунлик қилган. Археология фанида мазкур ҳудудларда ўрганилган маконлар ва моддий манбалар, улар ёйилган жойларга кўра, Калтаминор, Устюрт, Сазағон, Ҳисор, Марказий Фарғона каби маданиятларга бирлаштирилган[1].

Минтақанинг ғарби, маркази ва шимоли-шарқидаги ривожланган маданиятларда ўзига хослик, қабилаларнинг хўжалик юритиш усуллари ва турмуш тарзида бир қанча фарқланувчи белгилар бўлса ҳам, уларнинг ҳаётида табиий-географик муҳитга кўра, балиқчилик ёки овчилик, балиқчилик-овчилик ва термачилик-овчилик, яъни ўзлаштирувчи хўжаликларнинг муайян шакли устунлик қилган.

Мазкур маданиятларнинг келиб чиқиши ҳақида турли илмий қарашлар мавжуд. Мисол тариқасида, Калтаминор моддий ашёлари ва Шарқий Каспийбўйи археологик материалларида ўхшашлик мавжуд, Устюрт неолити маҳаллий мезолит даври маданияти билан боғланади. Худди шундай, Ҳисор маданияти Вахш дарёси воҳасидаги мезолит даври маданиятининг давом эттирувчи сифатида талқин қилинади, Зарафшон тизмасининг шимолий ёнбағридаги Сазағон маданияти ҳам маҳаллий илдизларга эга деб хулоса чиқарилган[2].

Бу фикрларга қўшилиш мумкин. Тилга олинган деярли барча жойларда нафақат мезолит, шунингдек, сўнгги палеолит даври маконлари топиб текширилган. Уларнинг

---

[1] Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта. – Нукус, 1966; Исламов У.И. Обиширская культура. – Ташкент: Фан, 1980. – 178 с.; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского Междуречья // Тр. ХАЭ. 1981. Т. XIII. – 172 с.; Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зеравшана. – Ташкент: Фан, 1991. – 124 с.; Виноградова Н.М., Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Памятники Кангуртута в Юго-Западном Таджикистане (эпоха неолита и бронзового века). – М.: Наука, 2008. – 472 с.

[2] Холматов Н.У. Происхождение и судьба неолитических культур Средней Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – С. 138-142.

даврий жиҳатдан, сўнгги палеолит – мезолит – неолит йўналишида ўрганиш натижасида этник ҳудудлар ва этник чегараларнинг ўзгариши жараёнини кузатиш мумкин.

Бу борада палеогеография масалалари, маданий ландшафтнинг ривожланиши, инсон томонидан атроф-муҳитга таъсири, яъни антропоген омил таъсирида табиий муҳит, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг ўзгариб туриши муаммоларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Хусусан, шу мавзу Калтаминор маданиятининг машҳур макони Жонбос 4 неолит даври кулбаси уй-жойининг қолдиқларини ўрганишда олимларнинг диққатини тортган. Натижада Жанубий Оролбўйи палеогеографиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда табиати ва иқлими замонавий табиий-географик шароитга мос келмаганлиги ҳолатлари аниқланган.

Неолит даврида қуйи Амударё ўзани, Оқчадарё воҳаси "қамиш ва чакалак ўрмонлар ўсиб ётган, жуда кўп дарё ирмоқлари ва кўллари бўлган сернам, ботқоқли бир ўлка эди. Иқлим ҳозиргидан кўра қуруқроқ бўлган, жанубдан тез-тез қуруқ шамол эсиб турган"[1]. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Жанубий Оролбўйи уруғ жамоалари, асосан, балиқ, кўпроқ чўртон, сазан ва лаққабалиқни истеъмол қилишган, чунки Жонбос 4 маконида ўрганилган маданий қатламда кўпдан-кўп балиқ суяклари топилган, улар орасида тилга олинган балиқлар қолдиқлари 86 фоизни ташкил этади[2]. Шунингдек, ёввойи чўчқа (тўнғиз), буғу, сувда яшовчи қушларнинг суяклари аниқланган. Овқат қўлда ясалган, таги ўткир учли сопол идишларда пиширилган.

Устюрт даштларида яшовчи жамоалар ҳаётида қулон, сайғоқ ва жайрон ови катта аҳамиятга эга бўлган. Шу боис мавсумий кўп вактли яшаш мақсадида мўлжалланган турар

---

[1] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 73-75.

[2] Никольский Г.В., Радаков Д.В., Лебедев Д. Остатки рыб из неолитической стоянки Джанбас-кала №4 // Тр. ХАЭ. – М., 1951. Т. I. – С. 205.

жойлар қаторида қисқа муддат мобайнида фойдаланилган оралиқ маконлар ҳам аниқланган[1]. Улар ҳайвонлар тўдалари изидан кўчиб юрган овчиларнинг маконлари бўлиб, бундай жойларда овчилар дам олишган, янги ов қуролларини ясаб, қўлга киритилган ўлжани тақсимлашган.

Қуйи Зарафшон ҳудудларида яшовчи неолит даври жамоалари ҳам овчилар-балиқчилар бўлган. Бу ерларда аниқланган маконлар дарё ирмоқлари ва кўллар бўйларида жойлашган. Одамлар жайрон, буғу, тўнғиз ва ёввойи отни ов қилишган[2].

Бундан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудлари – пасттекисликлар, даштлар ва тоғолди жойларида уруғчилик жамоалари табиатда мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишган ва ўзлаштирувчи хўжаликларни ривожлантириб, кун кечирганлар. Шунингдек, улар томонидан ёввойи ҳайвон (қўй, эчки) ларни хонакилаштириш бошланган деган фикрлар ҳам мавжуд. Кўп даврлар давомида термачилик машғулотининг ривожланиши оқибатида, одамлар ўсимликлар олами ҳақида муайян маълумотларга эга бўлганлар, бироқ овчиликдан чорвачиликка ва термачиликдан деҳқончиликка ўтиш, табиий-географик шароитга кўра, баъзи жойларда нисбатан эрта, бошқа жойларда бирмунча кеч бошланган[3].

Сўнгги маълумотларга кўра, Қизилқумдаги Оёқакетма неолит даври ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Калтаминор маданиятини мил.авв. VI мингйилликка қадар қадимийлаштириш таклиф қилинди ҳамда Қизилқум чўлларида истиқомат қилган овчилар

---

[1] Қдырниязов М.Ш., Ягодин В.Н., Мамбетуллаев М.М., Сагдуллаев А.С., Кдырниязов О.Ш. История цивилизации Хорезма. – Нукус: Qaraqalpaqstan, 2017. – С. 48.

[2] Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 87-88.

[3] Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи... – Б. 15-16.

томонидан ҳайвонларнинг (ҳўкиз, туя) хонакилаштирилиши ҳақида масала илгари сурилди[1].

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, археологик маълумотлар, аниқланган ёдгорликларнинг турли географик ҳудудларда ёйилиши, ибтидоий жамоаларнинг ҳудудий жойлашиш хусусиятлари ҳақида ахборот беради. Бу масалага тегишли нафақат атроф-муҳитнинг инсон томонидан ўзлаштириш жараёнларини, шунингдек, маданий ландшафтнинг шаклланиши ва унинг динамикасини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Бундай ёндашув инсон ва теварак-атрофдаги муҳитнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этишни талаб қилади.

Сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даврларида Ўрта Осиёнинг бир-бирига яқин табиий-географик жойларида умумий белгиларга эга хўжалик-маданий типлар вужудга келган. Улар ибтидоий жамоалар ҳаётидаги устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган.

Калтаминор маданияти тарқалган ҳудуд доирасида, археологик белгиларга кўра (меҳнат қуроллари, сопол идишлар, уй-жойлар) турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданият жиҳатдан, бир-бирига анча яқин қабилалар истиқомат қилган. Эҳтимол, улар этник бирликка ҳам мансуб бўлган.

---

[1] Бердимуродов А.Э. Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг тараққиёти // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон археологияси: ютуқлар ва истиқболлар. – Самарқанд, 2016. – Б. 5; Сайфуллаев Б.К., Эргашев О.Т. Основные итоги изучения палеолита за 25 лет независимости Узбекистана // Археология Узбекистана в годы независимости: достижения и перспективы. – Самарканд, 2016. – С.33.

2. ИЛК ЗИРОАТЧИ-ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА МАДАНИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ДАРАЖАСИ

Ўзлаштирувчи хўжаликлар – термачилик, овчилик ва балиқчиликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликларга – деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш, инсоният тарихининг энг муҳим босқичларидан бири бўлди. Мазкур воқеа тарихнинг истиқболи ва қадимги жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларидаги туб бурилишни белгилаб берди.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг дастлабки ўчоқлари сифатида Фаластин, Иордания, Кичик Осиёнинг жануби-шарқи ва Ироқ ҳудудлари кўрсатилади. Бу ерлардаги манзилгоҳлар – Иерихон, Чатал Гуюк, Жармо ва бошқаларнинг ўрганилиши натижасида, мил.авв.VIII–VII мингйилликларга оид деҳқончилик билан боғлиқ бўлган меҳнат қуроллари – ёрғучоқлар, ховончалар, тош ўроқларнинг қадамалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган ўралар топилган[1].

Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи хўжаликлар тарихи дастлаб Туркманистоннинг жануби-ғарбида бошланган. Мил.авв.VI–V мингйилликларга оид деҳқончилик Жойтун маданиятининг манзилгоҳлари (Жойтун, Чўпонтепа, Чағалли ва бошқалар) Копетдоғ ёнбағирлари ва шимолда Қорақум тепаликлари билан чекланган тор текисликда жойлашган[2].

Археология фанида Жойтун маданияти ёдгорликлари, Шимолий Эрон неолит даври манзилгоҳлари (Шоҳтепа, Турангтепа, Тепа-Ҳиссор) билан бирга Каспийбўйи илк деҳқончилик марказига бирлаштирилган. У Қадимги Шарқнинг Жанубий Анатолия (Кичик Осиё), Шарқий Ўртаер денгизи, Шарқий Анатолия, Загрос ва Месопотамия каби

---

[1] Мелларт Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока / Пер. с англ. Е.В. Антоновой. – М.: Наука, 1982. – С. 21; Ллойд С. Археология Месопотамии / Пер. с англ. Я.В. Василькова. – М.: Наука, 1984. – С. 26-39.

[2] Массон В.М. Джейтун и Кара-Депе. Предварительные сообщения о работах 1955 г. // СА, 1957. №1. – С. 144-146.

ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ёйилган ҳудудларга нисбатан бироз кейин пайдо бўлган[1].

Тадқиқотчилар Туркманистоннинг жануби-ғарбида ва Шимолий Эрон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши масаласини ўрганишда жануби-шарқий Каспий бўйларида неолит давридан илгари ривож топган ихтисослашган термачилик ва овчилик хўжалиги хусусиятларини инобатга оладилар.

Мезолит даври маконларида топилган ёввойи ҳайвонлар суякларининг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, Каспийбўйи ҳудудларида кўп асрлар мобайнида жайрон, қўй-эчки, қулон ва хўкизларга ов қилинган. Бироқ Шимолий Эрондаги Қамарбанд ғорида мил.авв. VII мингйилликка оид ёввойи совлиқ қўйлар суяклари ичида кўпдан-кўп қўзилар суякларининг мавжудлиги, мазкур даврда хонаки чорвачилик хўжалигига ўтиш сифатида талқин қилинади[2].

Шимолий Эроннинг Элбрус тоғлари ва Каспий денгизининг оралиғидаги ерларда ҳамда жануби-ғарбий Туркманистон текисликларида серунум тупроқ қатламлари, йил мобайнида етарли даражадаги ёғингарчилик миқдори, камёб совуқ ва қор, ёввойи мевали дарахтлар ва ҳайвонлар олами бу ҳудудларда жуда эрта чорвачилик ва деҳқончилик яратилишига қулай шароит бўлганлиги, эҳтимолдан холи эмас[3].

Илк деҳқонлар ва чорвадорлар ўсимлик озуқа ва айниқса бошоқли ўсимликлар ҳамда сув манбаларига бой тоғолди воҳаларини ўзлаштирганлар. Мисол тариқасида, Туркман-Хуросон тоғлари ёнбағирларида 40 та ёввойи ғалла (буғдой, арпа) ўсимликларининг турлари аниқланган. Шунинг учун, жойтунликларнинг буғдой ва арпа уруғларини

---

[1] Лисицына Г.Н. Становление и развитие орошаемого земледелия в Южной Туркмении. – М.: Наука, 1978. – С. 9.

[2] Лисицына Г.Н. Становление и развитие... – С. 36.

[3] Букинич Д.Д. История первобытного орошаемого земледелия в Закаспийской области в связи с вопросом о происхождении земледелия и скотоводства // Хлопковое дело, 1924. №3-4.

тоғлардан олиб келганлар, тоғлардаги қўй-эчкиларни ов қилиш анъаналаридан уларни хонакилаштириш асосида чорвачилик вужудга келган деб тахмин қилинади[1].

Жойтун маданияти ёдгорликлари жойлашган ерлар қуруқ чўл иқлими билан ажралиб туради. Копетдоғдан Қорақум саҳросига қараб оқувчи Калтачинор, Феруза, Олтиёб, Арваз ва бошқа тоғсойларининг қуйи оқимидаги текисликларда, баҳор мавсумида тошқин сувлар кичик кўлларни ҳосил қилган. Улар вақтинча бор бўлиб, кейин қуриб қолган. Бу кўлларнинг тубидаги нам лой тупроқли ерлардан илк деҳқонлар бошоқли ўсимликлар уруғини ўтказиш учун фойдаланишган[2].

Ҳудудий жойлашиш белгиларига кўра, Жанубий Туркманистон неолит даври манзилгоҳлари, жануби-шарқий Каспийбўйидаги мезолит даври ёдгорликларидан фарқ қилади. Жойтун маданиятига оид ёдгорликлар фақат Копетдоғнинг шимолий ёнбағирларида, Қорақум чегарасидаги тор текисликда ёйилган.

Улар алоҳида уруғ жамоалари истиқомат қилган майдони нисбатан кичик (0,5–1 гектар) манзилгоҳлардан иборатдир. Бир қатор ёдгорликларда, жумладан, Жойтун, Чўпонтепа, Мунчоқли, Бами ва бошқаларда археологик тадқиқотлар амалга оширилган[3]. Натижада, баъзи бир манзилгоҳларда, лой гувалакларидан қурилган 20–30 та бир хонали қадимги уй-жойларнинг қолдиқлари топиб текширилган. Бундай

---

[1] Массон В.М. Земледельческий неолит юго-запада Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 90-91.

[2] Массон В.М. Земледельческий неолит... – С. 76.

[3] Ершов С.А. Холм Чопан-Депе // Тр. Института истории, археологии и этнографии АН Туркменской ССР. – Ашхабад, 1956. Т. II. – С. 13-22; Массон В.М. Джейтунская культура // Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад, 1960. Т. X. – С. 37-109; Бердыев О.К. Стратиграфия Бамийского поселения // СА. 1963. №4. – С. 188-194; ўша муаллиф. Стратиграфия Тоголок-Депе в связи с расселением племен джейтунской культуры // СА. 1964. №3. – С. 275-276.

турар жойларнинг мавжудлиги, ўтроқ турмуш тарзи ва хўжалик шакллари вужудга келишидан дарак беради[1].

Илк зироатчиларнинг кичик сойлар қуйи қисмидаги ерларда жойлашиши тасодиф эмас, деб фараз қилиш мумкин. Биринчидан, бундай жойлар деҳқончилик учун қулай бўлган, иккинчидан, яқин тоғ адирларидаги ва сойлар воҳаларидаги яйловлардан қўй-эчкиларни боқиш мақсадида фойдаланилган. Ўз пайтида тоғ дараларидан чиқиб, текисликларда ўрнашган одамларда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг суст ривожланиши туфайли, сойларга нисбатан катта дарёларнинг қирғоқларини ўзлаштириб, деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятлари бўлмаган.

Жойтун маданияти манзилгоҳлари мудофаа деворлари билан ўралмаган. Эҳтимол, сув манбалари, ўзлаштирилмаган ҳудудлар ва бўз ерларнинг сероблиги шароитида ташқи босқинлардан ҳимояланиш зарурияти вужудга келмаган. Жойтун уй-жойлари, ўртача 20–30 м^2 майдонга тенг бўлган. В.М.Массоннинг ёзишича, бундай турар жойлар алоҳида жуфт оилаларга тегишли бўлган, ҳар бир оила 5–6 кишидан иборат бўлиб, Жойтун аҳолисининг сони 150–180 кишини ташкил этган, шунингдек, нисбатан кичик манзилгоҳ – Чағаллитепада 60–70 та киши яшаган[2].

Г.Н.Лисицина Жанубий Туркманистоннинг неолит ва энеолит даври аҳолисининг палеодемографияси масалаларини таҳлил қилган. Бу борада Қадимги Шарқ демографияси бўйича илмий адабиётларда мавжуд тадқиқотлар натижалари инобатга олинди (Г.Франкфорт, И.М. Дьяконов, К.Ренфрю)[3].

Г.Н.Лисицинанинг ёзишича, умумий майдони 6000 квадрат километрдан иборат Копетдоғ ёнбағирларидаги текисликда, неолит даврида 6 минг киши истиқомат қилган. Аҳолининг ҳудудий жойлашишидаги зичлиги: 1 км^2 га 1

---

[1] Массон В.М. Поселение Джейтун // МИА. – Л.: Наука, 1971. №180. – С. 78-79.

[2] Массон В.М. Поселение Джейтун... – С. 105.

[3] Лисицына Г.Н. Становление и развитие... – С. 65-70.

киши тўғри келган[1]. Бундай ҳисоблаш ва аҳоли сонининг кўрсаткичлари натижалари нисбий бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Бироқ ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг вужудга келиши босқичида деҳқончилик-чорвачилик билан шуғулланган аҳоли кам сонли бўлиши табиийдир.

Ўрта Осиёнинг катта географик ҳудудлар (даштлар, текисликлар, дарё воҳалари ва тоғлар)ни эгаллаган уруғ-қабила аъзолари бу даврда ўзлаштирувчи хўжалик турлари – овчилик, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланишда давом этдилар. Тадқиқотчиларнинг таъкидлаб ўтишича, қадимий овчилар ва термачилар яшаган даврда, уларнинг ҳудудий жойлашуви зичлиги 100 км^2 га 1–5 киши тақсимланиши кўрсаткичини ташкил қилган. Шу жумладан, қуйи кўрсаткич –1 киши 100 км^2 га, бу кўчиб юрган термачилар билан боғлиқ бўлса, 5 ва ундан ортиқ киши 100 км^2 га тўғри келиши ҳақидаги маълумот ихтисослашган ва юқори даражада ривожланган овчилар жамоаларининг ҳудудий жойлашиш зичлиги сифатида белгиланади[2].

Турли табиий-географик вилоятларда ибтидоий давр аҳолисининг ёйилиши ва хўжалик-маданий типларнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган жамоалар озиқ-овқат маҳсулотларини қўлга киритиш усуллари, турмуш тарзи ва моддий маданият жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилган. Лекин у ёки бу ижтимоий тизимнинг умумий мақсади жамоа аъзоларининг яшаш шароитини таъминлаш билан белгиланган эди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини топиш, уларни табиатда ўзлаштириш ёки ишлаб чиқариш доирасидан йироқ ижтимоий омиллар таъсирида жамият ҳаётида ўсиб бораётган бошқа кундалик эҳтиёжларни қондириш вазифалари катта аҳамият касб этган.

---

[1] Кўрсатилган асар. – С. 69.

[2] Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 102.

Жойтун маданияти манзилгоҳларининг катта-кичиклигига кўра, уларнинг аҳолиси 2–4 уруғ жамоаларидан иборат бўлган. Ҳар бир жуфт оилага алоҳида турар жой тегишли бўлса ҳам, бундай уй-жойлар умумий манзилгоҳ ҳудудида жойлашиб, уруғ аъзоларини умумий турмуш тарзи, меҳнат қуроллари ва озиқ-овқат захиралари бирлаштирган. Ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган кичик оила вужудга келмаган, бундай оилалар неолит даврида уруғ таркибида кун кечирган. Жойтунда уруғ жамоаларига тегишли ғалла омборхоналари аниқланган[1]. Алоҳида уруғ жамоалари ўз чорва подаларига эгалик қилиб, томорқа ерларга ишлов беришган, озиқ-овқат маҳсулотлари уруғ аъзолари орасида баравар тақсимланган, ишлаб чиқариш қуроллари ҳам умумий бўлган. Бу ҳақда тўпланган археологик маълумотлар далолат беради.

Шу боис ҳудудий миқёсдаги иқтисодий тизимнинг тараққиётида янги хусусиятлар вужудга келишини кузатиш мумкин. Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар шакли, ортиқча маҳсулот, ўтроқ турмуш тарзи ва узоқ муддат давомида фойдаланишга мўлжалланган турар жойларни бунёд этиш, хонаки ва жамоа ҳунармандчилигининг ҳамда айирбошлашнинг мунтазам равишда ибтидоий савдо-сотиқ тизимига айланиши каби иқтисодий-маданий белгилар, шулар жумласидандир. Мил. авв. IV минг йилликда Ўрта Осиёда энеолит-мистош даври бошланиб, у тарихда ўзига хос ўрин тутади. Жанубий Туркманистондаги энеолит босқичи илгари ўтган Жойтун маданияти давридан қуйидаги белгилар билан ажралиб туради:

1. Шаклланган зироатчи-чорвачилик хўжалиги асосидаги мустаҳкам ўтроқ ҳаёт ва суғорма деҳқончиликнинг вужудга келиши.

2. Катта ҳудудларнинг жадал ўзлаштирилиши ва ҳудудий жойлашуви зичлигининг ўсиб бориши.

---

[1] Массон В.М. Поселение Джейтун... – С. 107.

3. Металлургиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққий этиши.

4. Ҳунармандчилик ва бинокорлик соҳаларида янгиликлар, ихтироларнинг пайдо бўлиши (мис қуроллари ва буюмлари, хумдонлар, кўпхонали уйлар, мудофаа деворлар, қурилишда хом ғиштдан фойдаланиш ва меъморий режалаштиришга амал қилиш)[1].

Ўрта Осиёнинг жанубида энеолит даври ёдгорликларини ўрганишда бир қатор олим (А.А. Марущенко, Б.А. Куфтин, Б.А. Литвинский, В.М. Массон, В.И. Сарианиди, В.И. Хлопин, О.К. Бердиев)ларнинг хизматини қайд этиб ўтиш лозим[2]. Туркманистоннинг жануби-ғарбида 32 та қадимги манзилгоҳлар топиб текширилган. Улар Копетдоғ шимолий ёнбағирлари бўйлаб, тоғдан бошланган Қорақум саҳросига қараб оқувчи кичик дарёлар қуйи оқимидаги эни 10–20 км текисликда жойлашган. Бу манзилгоҳлар шу жойларда 1500 йил давомида мавжуд бўлган. Аҳоли сойлардан узунлиги 2–3 км ни ташкил этган илк ирригация иншоотлари – каналларни чиқариб, атрофдаги ерларни сунъий суғоришган ва энеолит даври учун нисбатан юқори ҳосил етиштиришга эришганлар[3].

Г.Н. Лисицинанинг маълумотларига кўра, Жойтун атрофидаги далалар 7,5-15 гектар майдондан иборат бўлган, энеолит даври Геоксур воҳасида далалар 50–75

---

[1] Хлопин И.Н. Энеолит юго-запада Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. – М. – Л.: Наука, 1966. – С. 93; Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б. 23-26.

[2] Тадқиқотлар натижалари турли нашрларда ўз аксини топган, қаранг: Куфтин Б.А. Работы ЮТАКЭ в 1952 г. по изучению «культуры Анау» // Известия АН Туркменской ССР. Серия общественных наук. №1. – Ашхабад, 1954; Литвинский Б.А. Намазгадепе (по данным раскопок 1949-1950 гг.) // СЭ, 1954. №4; Лисицына Г.Н., Массон В.М., Сарианиди В.И., Хлопин И.Н. Итоги археологического и палеографического изучения Геоксюрского оазиса // СА, 1965. №1; Бердыев О.К. Новые раскопки на поселениях Песеджикдепе и Чакмаклыдепе // Каракумские древности. – Ашхабад, 1968 Вып. II. ва бошқ.

[3] Массон В.М. Энеолит Средней Азии // Археология СССР. – М.: Наука, 1982. – С. 10-11.

гектар ерни ташкил этган, арпа ва буғдой экилган.[1] Аҳоли ҳаётида чорвачилик ҳам муҳим аҳамият касб этиб, воҳа атрофларидаги яйловларда майда чорва ва қорамол боқилган. Овчилик (жайрон ва қулонлар ови) фақат қўшимча гўшт озиқ-овқат маҳсулотини қўлга киритиш мақсадида ривожланган. Манзилгоҳларда топилган ҳайвонлар суяклари орасида ёввойи ҳайвонларнинг суяклари 10 фоизни ташкил этади[2].

Ўрта Осиёда қадимги зироатчилар қабилаларнинг географик ёйилиши хусусиятлари нафақат янги ҳосилдор ерларни ва сув манбаларни ўзлаштириш зарурати билан белгиланган. Энеолит давридан бошлаб, Қадимги Шарқ ҳудудларидаги ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларида катта ўзгаришлар намоён бўлди. Жадал тараққий топган деҳқончилик хўжалиги, бинокорлик ва ҳунармандчилик соҳалари, мис маъдан ва нодир металлар (олтин, кумуш) ҳамда қимматбаҳо тошлар – феруза, сардолик ва ложуварддан фойдаланишни ўзлаштиришга замин яратди. Бу кескин ўзгаришлар ва турли маданий янгиликлар алоқа йўллари йўналишларига, маҳаллий ва минтақалараро айирбошлаш ҳамда босқичма-босқич кўп тармоқли савдо-алоқа йўллари тизими ривожига таъсир кўрсатди[3].

Ўрта Осиёнинг ўзида этник ҳудудлар ва аҳоли жойлашиш чегараларининг кенгайиб бориши кузатилади. Бу мисолда, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда жойлашган Саразм манзилгоҳи дарак беради[4]. Унинг пайдо бўлишида, Зарафшон тоғ тизмасидаги мавжуд мис маъдан конларини ўзлаштириш мақсадида Жанубий Туркманистон ва Ҳинд водийсидан кўчиб келган аҳоли гуруҳлари катта ўрин тутган бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Негаки, энеолит даврида нафақат мис металлургияси билан

---

[1] Лисицына Г.Н. Становление и развитие орошаемого земледелия... – С. 211.

[2] Хлопин В.Н. Энеолит юго-запада... – С. 112-113.

[3] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари... – Б. 32.

[4] Исаков А.И. Саразм-новый земледельческий памятник Средней Азии // СА., 1986, №1.

шуғулланадиган махсус касб-ҳунар эгалари, шунингдек, хом ашёни қазиб, етказиб берадиган кишилар гуруҳи пайдо бўлган. Мазкур фаолият, ҳунармандчилик соҳаларини хом ашёга эҳтиёжини қондириш зарурати, узоқ масофадаги айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг тараққиётига хизмат қилди.

Юқори Зарафшондаги Саразм билан тахминан бир вақтда (мил.авв. IV мингйилликнинг ўрталари) Афғонистоннинг шимоли-шарқида Кўкча-Панж дарёларининг ҳавзалари Ҳинд водийсидан келган аҳоли гуруҳлари томонидан ўзлаштирилади[1]. Бундай узоқ миграцияларнинг сабаблари Тоғли Бадахшонда жойлашган ложувард, кумуш ва олтин конларидан нодир хом ашё олиш заруратидан келиб чиққан.

Мис конлари Юқори Зарафшон, Марказий Қизилқум, Фарғона ва Марказий Қозоғистонда жойлашган[2]. Бундан кўриниб турибдики, хом ашё ресурслари турли географик ҳудудларда ёйилган. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, қадимий аҳолининг иқтисодий эҳтиёжлари ҳудудий доирасининг кенгайишига олиб келди.

Неолит даврида вужудга келган қабилалар орасидаги нотекис иқтисодий ва маданий ривожланиш энеолит даврида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келган. Минтақанинг айрим тоғли жойларида, Зарафшоннинг қуйи қисми, Қизилқум ва Устюрт даштларида ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган уруғчилик жамоа аъзоларининг кундалик ҳаётида овчилик ва балиқчилик катта аҳамиятга эга бўлган. Турли маданий-хўжалик типларга эга қабилалар бир-бирига дуч келганлар. Улар ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Турли вилоятлардаги географик шароит, табиий ресурсларнинг турли-туманлиги ўзаро маҳсулот айирбошлашни тақозо

---

[1] Сагдуллаев А.С., Тогаев Ж.Э. Миграции эпохи бронзы в Центральной Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – С. 88.

[2] Буряков Ю.Ф. Металлургическая база древней государственности Согда и Хорезма // Сўғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида. – Самарқанд, 1999. – Б. 28-32.

этар эди. Шу сабабли, қадимги даврлардан бошлаб, хом ашё, зеб-зийнат буюмлари ва меҳнат қуроллари айирбошлаш маҳсулотларига айланган[1]. Энеолит даврида уларни махсус ишлаб чиқариш жараёни бошланди (деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари).

Бронза даврининг бошларига келиб (мил.авв. III минг йиллик ўрталари) Марказий Осиёда иккита асосий хўжалик-маданий типларнинг тараққиёти кузатилади. Минтақанинг марказий ва шимоли-шарқий ҳудудларида балиқчилик, овчилик ва чорвачилик хўжаликлари, жанубий вилоятларда деҳқончилик ва хонаки чорвачилик ривожланди. Қадимги қабилаларнинг турлича географик-табиий шароитда жойлашиши уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятларини белгилаб берган. Табиий географик муҳит ва инсон ўзаро таъсирида антропоген, яъни маданий ландшафт шаклланиб, ривож топди.

Маълумки, тарихнинг қадимги босқичларидан бошлаб моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар, ибтидоий жамоалар ҳаёти, тирикчилик йўллари ва фаолиятида энг муҳим омиллар сифатида намоён бўлди. Шу боис термачилик, овчилик, балиқчилик ва кейинчалик деҳқончилик ҳамда чорвачилик илк хўжаликлар тизимининг асосий шаклларига айланди.

Мазкур ишнинг олдинги қисмида, Ўрта Осиё ҳудудларидаги сўнгги палеолит ва мезолит даврига оид маконларнинг тоғлар, тоғолди ерлар, воҳа ва даштларда ёйилиши қайд этиб ўтилди. Бундай географик ҳудудий жойлашиш озиқ-овқат, сув манбалари ва хом ашё конлари мавжуд жойларни ўзлаштириш зарурияти дан келиб чиққан. Бу жараёнда табиатда тайёр маҳсулотни ўзлаштириб, қўлга киритиш энг муҳим мақсад эди. Бу борада озиқ-овқат топиб олиш машғулотлари тизимидаги услублар ичида тўртта асосий таркибий элементлар ажратиб кўрсатилади: меҳнат қуроллари (меҳнат воситалари, улар ёрдамида мувофиқ

[1] Массон В.М. Экономика и социальный строй... – С. 74.

озиқланиш маҳсулотлари ўзлаштирилади ва уларга ишлов берилади); муайян хўжалик ишлар амалга оширилган табиий муҳит; ишлаб чиқарувчи кучнинг асоси сифатида инсоннинг ўзи, юқорида тилга олинган барча элементларни бирлаштирган унинг фаолияти, ақлий ва касбий ривожланиш даражаси[1]. Шу тариқа қадимги хўжаликлар тизимини ўрганиш ва тиклаш пайтида турли тарихий манбалардан фойдаланиш долзарб вазифа касб этади.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини қўлга киритишнинг янги усули – ишлаб чиқариш хўжалиги ривож топди. У меҳнат унумдорлигини оширди ва ортиқча маҳсулотнинг кенг яратилиши ҳамда кўпайишига хизмат қилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши оқибатида уруғ-қабила тузумидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва маданият янги асосларда тараққий этди. Аҳолининг бир жойдан бошқа ҳудудларга кўчиши, янги ерларни ўзлаштириши, миграция жараёнлари изчил давом этиб, этник ҳудудлар ва аҳоли жойлашиши чегаралари ўзгариб борди. Натижада ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқалар жадал амалга оширилди.

[1] Массон В.М. Экономика и социальный строй... – С. 21.

3. АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ ВА КАРТОГРАФИЯСИ

Ўрта Осиёда олиб борилган кенг кўламли археологик изланишлар ҳудуднинг тарихий географиясига оид муҳим маълумотлар беради.

Мавжуд муаммо хусусида ёзма манбаларга қараганда қадимги ёдгорликлардан аниқланган археологик манбалар кўпроқ маълумотни ўз ичига олади. Македониялик Александрнинг юришлари ҳақидаги антик даври тарихчилар ҳамда географлар берган хабарлари минтақа халқларининг ҳудудий жойлашуви хусусида юнон тарихчилари Геродот ва Ктесий хабарларига нисбатан аниқроқ тасаввур уйғотади. Қадимги форс битиклари ва "Авесто"да келтирилган маълумотлар асосида Ўрта Осиё қадимги халқларининг ҳудудий жойлашиш чегараларини белгилашда бироз қийинчиликларга дуч келамиз. Бронза даври маҳаллий қабилаларининг ҳудудий жойлашуви хусусида эса ёзма манбалар мавжуд эмас.

Тарихий картография муаммоси доимо этнос ва ҳудуд ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида ўрганилган. Картосхемалар ёзма манбалар маълумотлари асосида тузилган. Шунга кўра қадимги манзилгоҳлар ва ҳудудий жойлашуви картографиясини ўрганишда ёзма ва археологик манбалар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан солиштириб замонавий географик хариталарда аҳолининг ҳудудий жойлашув чегараларини, қадимги шаҳарларни, дарёларни кечиб ўтиш жойларини, қадимги маданий ва савдо алоқа йўлларини ҳамда тарихий-маданий вилоятларни аниқлаб жойлаштириш мумкин.

Тарихий картографияни ўрганишда мавзуга оид, тарихий ҳақиқатга яқин манбаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи босқич археологик тадқиқот бўлиб, у қидирув ишларидан бошланади ва топиб текширилган археологик объектлар ҳакида умумий маълумотлар тўпланади (ўтроқ

манзилгоҳлар сонини аниқлаш, уларнинг умумий майдонини ҳисоблаш, воҳалар структураси, қадимда суғориладиган ерлар қисмини аниқлаш) сўнгра ёдгорликлар картосхемаси тузилади.

Ўтроқ манзилгоҳлар жойлашган ҳудуд чегаралари турли тарихий даврларда (бронза даври, мил.авв. X–VIII асрлар, мил.авв. VII–IV асрлар ва ҳ.к.) бир-бирига тўғри келмайди. Шу сабабли бу ўринда турли даврларга оид археологик ёдгорликлар хариталарини яратиш долзарб аҳамиятга эга. Аниқ бир даврни ўзида ифода этган алоҳида хариталарни яратиш мақсадга мувофиқ.

Турли хронологик даврларга оид хариталарни ўрганиш, уларни қиёслаш орқали ҳудудларни ўзлаштириш жараёнини, яъни ўтроқ аҳоли жойлашган ҳудудларнинг кенгайиши ёки қисқариши, ҳамда ўтроқ деҳқончилик воҳа-туманлар ва тарихий-маданий ўлкаларнинг чегараларини аниқ тасаввур этиш мумкин.

Ёдгорликларни районлаштириш археологик тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида жойлашган бир қанча ёдгорликлар картографияси гувоҳлик беради[1].

Тадқиқот жараёнида Амударё ҳавзасида Ўрта Осиё жанубидаги Панж, Вахш, Кофирнихон, Сурхон, Балхоб, Қашқадарё, Зарафшон ва Мурғоб ҳудудларида ёдгорликлар ҳамда ўтроқ ҳудудларини районлаштириш масаласини таҳлил қилиш назарда тутилади.

---

[1] Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. – 1959. -№73. – 216 с.; Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени // СА. – 1975. -№ 2. – С. 262-266.; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – 170 с.; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовях Мургаба // СА. 1979. №1. – С. 111-131.; Gardin J.-C., Lyonnet B. La prospection arhéologique de la Basriane orientale (1974-1978): premiers résultats // Mesopotamia. 1978-1979, XIII-XIV. – P. 99-154; Rtveladze E.V., Sagdullaev A.S. Les particularites du peuplement du Surkhandar'ja a L'Age du Bronze et au debut de l'Age du Fer // L'Archeologie de la Bactriane Ancienne. – Paris, 1985. – P. 187-193.

АМУДАРЁ ВА ПАНЖ ҲАВЗАСИДАГИ ЁДГОРЛИКЛАРНИ РАЙОНЛАШТИРИШ

Сурхон воҳаси. Сурхон ҳавзасидаги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари тоғ олди ерларида ёйилган бўлиб, уларнинг жойлашган ўрни алоҳида дарёлар билан бевосита боғлиқ.

Деҳқончилик воҳалари ҳудудда Кўҳитанг-Бойсун тоғ ёнбағирларида аллювиал-проаллювиал текисликларида жойлашган. У жануби-ғарбдан Музрабод ва Шеробод чўллари билан, шимоли-ғарбда – Бандихон массивидаги Қизириқдара ва Халқажар дарёсигача давом этган катта пасттекисликлар билан туташган. Дарё, унумдор ер, кенг яйловларнинг мавжудлиги бронза даври деҳқончилик маданияти ривожи учун асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур давр манзилгоҳлари умумий сув манбаларидан фойдаланишларига кўра гуруҳланиши мумкин. Қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларидан Сополли ва Жарқўтонларни таъкидлаш мумкин. Бу ёдгорликлар Кўҳитанг тоғ олди ҳудудларида жойлашган[1].

Сўнгги бронза даври Миршоди ва кейинроқ Бандихонда манзилгоҳларининг вужудга келиши деҳқонларнинг шимоли-шарқий йўналишдан келиб жойлашиш жараёни билан боғлиқ[2]. Сурхон воҳаси бўйлаб 11 бронза даври манзилгоҳлари Уланбулоқсой, Шеробод, Бандихон ва Миршодида жойлашган. Мил.авв. I мингйиллик бошларида яна бир ҳудуд Ҳисор тоғ тизмалари ёнбағрида шаклланди. Бу манзилгоҳ Сартепа эди[3]. Бундан сўнг шимоли-шарқ

---

[1] Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана – Ташкент, 1977. – 231 с.

[2] Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978. С. 30-36.

[3] Ртвеладзе Э.В. Бронзовый кинжал из Южного Узбекистана // СА. 1981. № 1. – С. 285-286.

йўналиши бўйлаб Жанубий Тожикистоннинг чорвадор қабилалари маданиятини қайд этишимиз мумкин.

Илк темир даврига ўтиш босқичига мансуб (Қизил I, Кучук I) еттита воҳани – Уланбулоқсой, Шеробод, Майдон, Зарабоғ, Бандихон, Миршоди ва Вахшуворни (ёки Сангардак-Тўпаланг) қайд этиш мумкин. Мазкур даврга оид: Кучуктепа, Жарқўтон, Бургутқўрғон, Бандихон I, Қизилтепа, Бўйрачи I, Номсизтепа, Бўйрачи 2 ва Сартепа каби ёдгорликлар топиб текширилган. Бронза даврига нисбатан солиштирганда манзилгоҳлар сони ортганини кузатиш мумкин. Юқоридаги тўртта районда (Вахшувордан ташқари) илк темир даврига оид (аҳамонийларга қадар Қизил II) 14 та ёдгорлик маълум.

Аҳамонийлар даврида (Қизил III, Кучук IV) ўзлаштирилган майдонларнинг кескин кенгайиши ва янги ўтроқ деҳқончилик ҳудудларининг шаклланиши билан изоҳланади. Миршоди воҳасида мазкур даврга оид 12 та ёдгорлик қайд этилган. Мил.авв. I мингйиллик ўрталарига оид янги районлар шаклланган – Сурхон (Термез, Бандихонсойтепа, Хаитобод), Халқажар (Қоратепа, Чоргул) ва Сангардак-Тўпаланг (Обишир, Шероботепа, Дашнобод). Сурхон воҳасида аҳамонийлар даврига оид жами 8 та ўтроқ деҳқончилик воҳа-туманлари ва 30 та уй-қўрғонлар, алоҳида қалъалар ва шаҳар харобалари аниқланган.

Ёдгорликларнинг қўпчилиги Миршоди воҳа-туманида аниқланган (15 манзилгоҳ Қизил I–III даври, кейин Шеробод ва Уланбулоқсой). Бошқа ҳудудларда 1 дан 3 тагача манзилгоҳлар аниқланган. Воҳалардаги қадимги деҳқончилик маданиятининг тузилиши турлича бўлиб, бунга сабаб қилиб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омилларни кўрсатиш мумкин.

Мил.авв. I мингйиллик ўрталаригача манзилгоҳлар Сурхондарёнинг катта бўлмаган ирмоқлари асосан тоғ ёнбағридаги ҳудудларда жойлашган бўлса, мил.авв. IV–III асрларга келиб суғориладиган ҳудудлар майдони Сурхондарёнинг асосий ўзанига босқичма-босқич кўчиши жараёнини кузатиш мумкин. Бу дарёнинг ўзлаштирилиши

Юнон-Бақтрия даврига хос бўлган деҳқончилик ва суғориш иншоотлари билан боғлиқ катта муваффақиятларга эришиш имконини берди.

Илк темир даврида Сурхон ҳавзаси аҳолиси Қуйи Уланбулоқсой-Шероблддарёдан Сангардак-Тўпаланггача бўлган ҳудудда жойлашган эди. Мазкур ҳудуднинг бошқа вилоятлар билан географик чегарасини алоҳида қайд этиш мумкин. Шимолда Ҳисор тизмаси, шимоли-ғарбда Сурхонни Қашқадарё воҳасида ажратувчи Бойсун-Кўҳитанг, шарқда Боботоғ – жанубий Тожикистон, жанубда эса Амударё-шимолий Афғонистон билан чегаралланган. Аҳоли сонининг ортиши билан тарихий-маданий ўлкалар ҳудудларининг кенгайиши ва орасидаги масофалар қисқаришини қайд этиш мумкин. Археологик манбалар асосида бронза ва илк темир даври оралиғида кечган бундай жараённи янада аниқроқ тасаввур этиш этиш мумкин.

Ш.Шайдуллаев тадқикотларига кўра Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликлари қуйидаги ўн бир деҳқончилик воҳасида жойлашган:

1. Шеробод деҳқончилик воҳаси. Уланбулоқсой, Бўстон, Шероблддарё ҳудудларини эгаллаган. Маркази Жондавлаттепа. Бундан ташқари Пишактепа, Кучуктепа, Талашқонтепа I каби ёдгорликлар жойлашган.

2. Бойсун деҳқончилик воҳаси. Бандихонсой, Миршоди (Қизилсув) ҳудудларини бирлаштирган. Маркази Қизилтепа ёдгорлиги. Қизилтепа атрофидаги ёдгорликлар мажмуаси, Бандихон ёдгорликлари гуруҳи.

3. Сурхон деҳқончилик воҳаси. Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари ҳудудларини ўз ичига олган. Бу ерда Ҳаитободтепа воҳанинг маркази вазифасини бажарган. Бандихонсойтепа, Номсизтепа (Термиз шаҳри) каби ёдгорликлар жойлашган.

4. Кофирниҳон деҳқончилик воҳаси. Бу ерда Қалъаи-Мир ёдгорлиги ва Наҳри-калон канали жойлашган. Ўлканинг маркази Қалъаи Мир ёдгорлиги.

5. Вахш деҳқончилик воҳаси. Явансу (Томошотепа, Шўраисой), Вахш (Болдайтепа, Болдай канали) ҳавзалари ҳудудларини ўз ичига олган.

6. Панж деҳқончилик воҳасида Байтудашт ёдгорликлари жойлашган. Воҳанинг маркази Байтудашт IV ёдгорлиги ҳисобланади.

7. Қизилсу деҳқончилик воҳасида Маконимор ёдгорлиги жойлашган[1].

Жанубий Бақтрия ҳудудида шу давр ёдгорликлари тўртта деҳқончилик воҳасида жойлашган бўлиб, булар Даштли, Фарухобод, Олтиндилёр ва Наибобод воҳаларидир.

Ҳар бир деҳқончилик воҳа Қадимги Бақтрия таркибидаги кичик маъмурий ҳудуд бўлиб ҳисобланган. Бу фикрга келишимизга сабаб, айрим деҳқончилик воҳалар бош шаҳар ва унинг атрофида уюшган уй-қўрғонлар типидаги ёдгорликларнинг жамланганлигидир.

Қадимги Бақтрия ёдгорликлари қуйидаги типларга ажралади:

1. Шаҳарлар. Улар ҳар бир деҳқончилик ўлкада биттадан жойлашган бўлиб, икки қисмдан (қалъа ва шаҳар) иборат. Умумий майдони 22 гектаргача боради. Қалъа ва шаҳар мудофаа деворлари билан муҳофаза қилинган. Улар 5–8 метр қалинликда бўлиб, Ҳаитободтепада мудофаа девор платформа устида қурилганлиги кузатилган. Мудофаа деворлар шинакли буржлар билан мустаҳкамланган.

2. Мудофаа деворлар билан ўралмаган манзилгоҳлар. Тарқоқ ҳолда жойлашган тепаликлар мажмуасидан иборат бўлган ёдгорликлар (Бандихон II ёдгорлиги атрофида жойлашган ёдгорликлар мажмуаси).

3. Ҳарбий истеҳкомлар. Улар доира ва квадрат шаклида (Талашқонтепа I, Бандихон II). Қалъаларнинг марказий

---

[1] Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Тарих фан. докт... дисс. автореф.: – Самарқанд: ЎзР ФА Археология институти, 2009.

қисми очиқ ҳовлидан иборат бўлиб, яшаш уйлари мудофаа деворлари бўйлаб қурилганлиги кузатилган.

4. Уй-қўрғонлар. Шаҳарлар ва қишлоқлар атрофида жойлашган, кичик ёдгорликлар (Қизилча I, VI).

Қадимги Бақтрия маданияти даврида ҳарбий ишлар ва ҳарбий қурилишларга алоҳида эътибор берилган. Шаҳарлар ривожланган фортификация ёрдамида мудофаа қилинган, алоҳида мудофаа истеҳкомлари – қалъалар шаклланади (Талашқонтепа I). Бу даврга келиб баланд платформа устига уй қурилишига барҳам берилса-да, Кучук I даврида қурилган шундай иншоотлардан фойдаланиб келинади ва улар қўшимча мудофаа деворлари билан ўралади (Кучуктепа). Олтиндилёр ёдгорлиги кенг ҳудудни мудофаа қилишга мўлжалланган мудофаа иншоотига эга бўлиб, бир неча қатор мудофаа деворига эга, деворлар ярим айлана шаклидаги бурчлар билан мустаҳкамланган.

Шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўраб олиниши билан бирга чуқур ва кенг ҳандакларнинг ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўламиз (Ҳаитободтепа, Қизилтепа). Мудофаа иншоотларининг такомиллашуви жанг қуролларининг ўсиши билан мутаносиб ривожланган.

Сурхон воҳасининг илк темир даври ёдгорликларини районлаштириш орқали деҳқончилик ҳудудларининг ўзлаштирилишига ва хронологик эволюциясига оид мураккаб жараённи кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 90-йиллари ва XX аср бошларида Сурхон воҳасидаги бронза ва илк темир даври ёдгорликларида Ўзбекистон, Германия, Франция, Чехия археологлари ҳамкорлигида тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, фанга номаълум янги ёдгорликлар кашф этилган.

Ўзбекистон ва Германия олимлари Кўҳитанг ёнбағрида, Пошхурд қишлоғида жойлашган Тиллабулоқ ёдгорлигини тўлиқ очиб ўргандилар. Тиллабулоқ учта қурилиш даври давомида фаолият этган, сўнгги Сополли ва Жарқўтон даврига оид ёдгорлик бўлиб, моддий маданияти

Сополлитепа ва Жарқўтондан умуман фарқ қилмайди. Ушбу ёдгорликнинг тоғли ҳудудда жойлашганлигини инобатга олиб Э.В.Ртвеладзе металлургия билан боғлиқлиги хусусида ёзган. Бироқ, олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра бу ёдгорликдан металлургия билан боғлиқ бўлган материаллар топилмаган.

2014 йилда Н.Двуреченская бошлиқ Ўзбекистон–Россия археологик экспедицияси Шеробод туманидаги Ғоз қишлоғидан Сополли маданиятига тегишли Ғозқалъа ёдгорлигини топишди. Бу ердан топилган сополларнинг хусусиятларига кўра Ғозқалъа Сополли маданиятининг илк даврига тегишли бўлиб, бинокорликда тошдан фойдаланилган, аммо мазкур ёдгорликда маданий қатлам ниҳоятда кам.

Сополли маданияти ёдгорликлари бўйича амалга оширилган ишларга хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, бу маданият соҳиблари хўжаликнинг турли соҳасини ривожлантирган ва илк цивилизацияга эришган жамоадир.

Халқаро экспедицияларнинг ютуқларидан бири Ўзбекистон – Чехия археологлари ҳамкорлигида топилган Бургут қўрғон ёдгорлигидир. У Зарабоғ ва Қорабоғ қишлоқлари оралиғида жойлашган, Ёз I (Қизил I, Кучук I) даврига оид, доира шаклидаги, тошдан қурилган мудофаа деворига эга бўлган ёдгорликдир. Унинг тоғлик ҳудудда жойлашганлиги ва сўнгги тарихий даврларга оид маданий қатламлар билан қопланмаганлиги археологик тадқиқотлар ўтказиш учун жуда қулайлигини кўрсатади. Айниқса, бу ерда 3 км дан ортиқроқ қадимги ариқлар ўзанларининг сақланиб қолганлиги сўнгги бронза ва илк темир даври Бақтриянинг ирригация тизимини ўрганиш имконини беради.

2015–2016 йиллари Кўҳитанг ёнбағрида бронза даврига оид Номсизтепа, Тулкитепа, Қўштепа, Газақўтон ҳамда илк темир даврига оид Қизилбойтепа кашф этилди[1]. Натижада,

[1] Augustinova A. Settlement changes in the oases – Non-destructive survey in the eastern Kugitang Piedmont (Uzbekistan) // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – P. 41-45.

тоғолди ҳудудларида Пашҳурд, Зарабоғ, Қорабоғ – Майдон каби воҳа-туманларнинг мавжудлиги аниқланди[1]. Бронза давридан бошлаб Кўҳитанг ёнбағирларида жойлашган аҳоли гуруҳлари деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ-кончилик ишлари билан шуғулланишган.

КОФИРНИХОН ВА ВАХШ ВОҲАСИ, ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН

Бронза давридаёқ Жанубий Тожикистон ҳудудлари зироатчи ва чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштирилган[2]. Қадимги ёдгорликлар асосан Вахш ва Кофирнихон ҳавзаларига яқин ҳамда тоғ олди водийларида жойлашган. Шунингдек, Қизилсув воҳасида бронза даврига оид Тегузак ва Кангурттут ўтроқ манзилгоҳлари аниқланган[3]. Юқорида тилга олинган ҳудудни умуман қадимги қабилалар истиқомат қилган жой сифатида баҳолаш мумкин.

Турар жойлар мавсумий бўлган бўлсада, улар бронза даври чорвадор қабилаларнинг яшаган ҳудудлари, чегаралари, манзилгоҳлар ва археологик комплекслар ҳақида маълумот беради.

Жанубий Тожикистондаги чорвадорлар маданияти манзиллари жойлашган чегараларини қуйидагича қайд этиш мумкин: шимолда – Ҳисор тизмаси, шарқда – Помир,

---

[1] Станчо Л., Шайдуллаев Ш. Некоторые результаты археологических исследований в предгорьях Кугитанга в 2016 и 2017 годах // Тезисы международной научной конференции "Формирование историко-культурных областей в Центральной Азии и проблемы этнической географии". – Ташкент, 2018. – С. 13-14.

[2] Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в южном Таджикистане // МИА. 1968. № 145. – 184 с., Литвинский Б.А., Соловьев В.С. Стоянка степной бронзы в Южном Таджикистане // Успехи среднеазиатской археологии. – Л., 1972. Вып. 1. – С. 41-47; Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Бактрии (о вахшской и бишкентской культурах) // Культура первобытной эпохи Таджикистана. – Душанбе, 1982. – С. 41-64.

[3] Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Южного Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1989. – С. 90-100.

жанубда эса – Амударё. Хўжаликда чорвачилик устун бўлган маданият Жанубий Тожикистонда мил.авв. IX-VIII асрларга қадар сақланиб келган. Қалъаи Мир ва Болдайтепа каби ўтроқ манзилгоҳлар аҳамонийлар даври билан белгиланади. Қобадиён I маданий комплекси қуйи даврий чегараси аҳамонийларгача бўлган даврга оид деб баҳоланади. Бу даврга оид ўтроқ маданий-хўжалик районлари Кофирнихон, Вахш, Панж ҳавзасининг ўнг қирғоғида ёйилган, аммо деҳқончилик ёдгорликлари бу ерда Сурхон ва Қуйи Мурғоб ҳавзасига қараганда зич бўлмаган ҳолатда жойлашган.

Жанубий Тожикистонда илк темир даврининг (Қизил II, Қизил III) 6 та ўтроқ деҳқончилик воҳа-туманлари мавжуд бўлган. Кофирнихон воҳасида мил.авв. I мингйиллик ўрталарига оид сопол намуналари Ҳисор қалъаси ва Тупхона қуйи қатламларидан ҳамда Қалъаи Мир ва Мунчоқтепада аниқланган. Вахш ҳавзасида 3 та манзилгоҳ маълум. Панж ҳавзасида эса шу даврга оид Байтудашт ёдгорлигини қайд этиш мумкин[1]. У мил.авв. VII–IV асрларда ўзлаштирилган. Ёдгорлик сой қирғоқларида (Гурдара, Учқулсой) жойлашган.

ПАНЖ ҲАВЗАСИ (ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ АФҒОНИСТОН).

Энеолит ва бронза давриданоқ бу ҳудудда Ҳиндикушдан – Амударё – Панж йўналиши бўйлаб ерларни босқичма-босқич ўзлаштириш жараёнлари кузатилган. Ж.К. Гарден ва Б.Лионне бу ерда мил.авв. IV–II мингйилликлар оралиғида 26 та манзилгоҳ ва мил.авв. 1000–600 йиллар ва мил.авв. 600–700 йиллар каби икки даврга оид 146 та ёдгорликларни аниқланганини қайд этишган[2]. Кўплаб ёдгорликлар

---

[1] Абдуллаев А.Л. Археологические разведки и раскопки в Пянджском районе в 1977 г. // Археологические работы в Таджикистане. – Душанбе, 1983. Вып. 17. – С. 69-79.

[2] Gardin J.-C., Lyonnet B. La prospection arhéologique de la Basriane orientale (1974-1978): premiers résultats // Mesopotamia. 1978-1979, XIII-XIV. – P. 99-154.

Панжнинг чап қирғоғидан Ойхонумдан Шўртўқайгача (47 та манзилгоҳ) бўлган ҳудудда аниқланган. Уларнинг асосий гуруҳи Панжнинг чап қирғоғидан Кўкча дарёнинг қуйи оқимигача бўлган ҳудудда, шунингдек, Руд Шеровоннинг чап қирғоғида, Хонободдарёнинг ўнг соҳилида ва Қундуз дарёсининг ўрта оқимида жойлашган.

Хонобод, Кўкча-Ойхоним, Шўртўқай ва Янгиқалъа районларида ёдгорликлар зич жойлашган. Барча манзилгоҳлар умумий сув манбаларига эга бўлган. Тўртта деҳқончилик районида (Қундуз, Таликан, Кўкча-Ойхонум ва Рустак) мустаҳкамланган воҳа марказлари ажратилган бўлса, Хонобод, Имом Соҳиб ва Арча воҳаларида мудофаа деворлари билан ўралган 2–3 та марказлар мавжуд.

БАЛХОБ ВОҲАСИ, ШИМОЛИЙ АФҒОНИСТОН

Археологик экспедиция бу ҳудудда мил.авв. I мингйилликнинг биринчи ярмига оид 45 та ёдгорликни аниқлаган. В.И.Сарианиди уларнинг кўпчилигини аҳамонийлар даври билан белгилаб, бешта деҳқончилик воҳасини ажратиб кўрсатган – Шибирғон, Даштли, Фарухобод, Қумли ва Наибобод. Булар орасида каттароғи Даштли воҳаси ҳисобланади[1].

Шимолий Афғонистонда яна иккита қадимги деҳқончилик райони – Балх ва Олтиндилёр мавжуд. Ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари Дарёи Сафед, Балхоб ва Саманганнинг қуйи оқимида аниқланган.

Балхобнинг қуйи оқимидаги ерларнинг аксарияти бронза давридаёқ ўзлаштирилган; районлаштириш нуқтаи назаридан 5 та ўтроқ деҳқончилик воҳасини кўрсатиш мумкин: Балх, Даштли, Олтин, Фарухобод ва Олтиндилёр.

Аҳамонийларгача бўлган даврда бештадан кам бўлмаган деҳқончилик воҳалари ўзлаштирилган – Балх, Олтиндилёр,

---

[1] Сарианиди В.И. Изучение памятников эпохи бронзы и раннего железа в Северном Афганистане // КСИА. 1972. Вып. 132.

Наибобод, Даштли ва Шибирғон. Тиллатепадан аниқланган археологик манбалар ҳам бу фикрни асослайди.

ҚУЙИ МУРҒОБ ДЕҲҚОНЧИЛИК ВОҲАЛАРИ

Қуйи Мурғоб ҳудудлари деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилалар томонидан дастлаб энеолит давридаёқ ўзлаштирила бошлаган[1]. Бронза даври ўтроқ манзилгоҳлари Мурғоб дельтаси билан чегараланган бўлиб, улар 8 та деҳқончилик воҳасида жойлашган[2]. Фақатгина бу воҳаларнинг 4 тасида 40 дан ортиқ манзилгоҳлар аниқланган[3].

Ёз I, II,III даври ёдгорликлари Мурғоб дельтасининг жанубий қадимги воҳаларида жойлашган. В.М.Массон бу ерда 3 та қадимги Марғиёна ёдгорликлар гуруҳини ажратган: шарқий – Тохирбой, марказий – Ёзтепа ва ғарбий – Арвалитепа. Марказий (Ёзтепа) гуруҳ ёдгорликлари 4 та воҳада жойлашган (Ёзтепа, Жанубий Учтепа, Шимолий Учтепа ва Адамбасан)[4].

Ёзтепа райони сув манбаи Гати Акар бўлиб, В.М.Массон фикрича 7 та илк темир даври манзилгоҳларини бирлаштирган. Жанубий Учтепа гуруҳи Ёзтепадан 8–9 км ғарбда жойлашган 11 та ёдгорлик аниқланган. Шимолий Учтепа воҳаси жанубий Учтепадан 8–9 км шимолда жойлашган. Адамбасан райони ёдгорликлари Сулужитепа ва Отлиятан 2 дан Адамбасангача бўлган кенгликларда жойлашган.

Марғиёна ёдгорликларини районлаштириш шуни кўрсатадики, маҳаллий деҳқончилик воҳаларининг тузи-

---

[1] Масимов И.С. К вопросу об освоении низовий Мургаба древнеземледельческими племенами // Известия АН ТуркмССР. – Ашхабад, 1979. Вып. 2. – С. 72-77.

[2] Сарианиди В.И. Новые открытия в низовьях Мургаба // Археологические открытия 1974 г. – М.: Наука, 1975. – С. 528-530.

[3] Масимов И.С. К вопросу об освоении низовий Мургаба ... С. 73.

[4] Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... С. 63.

лиши ва майдони Сурхон ва Қашқадарё ҳавзасидаги маданий-хўжалик районларидан анчайин фарқ қилади. В.М.Массон томонидан нашр қилинган картосхемага кўра, Арвалитепадан Гюмиштепа ва Койнетепагача бўлган масофа 7 км дан ортиқ, Дашлитепа ва Қушбегитепадан шимолгача 2.5–7.5 км. Арвалитепа воҳасида ҳаммаси бўлиб, В.М.Массон 9 та манзилгоҳни қайд этган.

Кейинги археологик тадқиқотлар Ёзтепа гуруҳи ёдгорликлари 3 та алоҳида воҳада жойлашганлигини кўрсатади: Ёзтепа, Жанубий Учтепа ва Шимолий Учтепа. Уларнинг ҳаммаси Ёзтепа, Учтепа I (Шимолий Учтепа) ва Учтепа 10 каби марказий манзилгоҳларга эга бўлган.

Қадимги Марғиёнанинг мил.авв. I мингйилликка оид ёдгорликларини районлаштиришга кўра, шимолий чегарада Таип ва Адамбасан, жанубида Ёзтепа, ғарбдан Арвалитепа, шарқдан Тоҳирбой воҳаларини қайд этиш мумкин. Мил.авв. IV асрда Қуйи Мурғоб ҳудудларининг жанубий чегаралари Говурқалъагача кенгайди. Мавжуд маълумотлар турли тарихий даврларда қадимги Мурғоб вилояти (Марғиёна) чегаралари турлича бўлганлигини кўрсатади.

Мил.авв. I мингйилликда Қуйи Мурғобда 5 та катта гуруҳ манзилгоҳлари, 10 та маданий-хўжалик воҳалари мавжуд бўлган. Мил.авв. I мингйиллик бошларида Таип, Адамбасан, Шимолий ва Жанубий Учтепа, Ёзтепа ва Арвалитепа ҳудудлари кенг ўзлаштирилган. Аҳамонийларгача бўлган даврда қадимги Марғиёна деҳқончилик воҳалари жадал ривожланган. Аҳоли зич жойлашган ҳудудлар Арвалитепадан Ёзтепагача бўлган ҳудудлар ҳисобланади.

Мил.авв. V–IV асрлар Қуйи Мурғоб воҳасида бир қатор манзилгоҳларнинг қаровсиз қолиши суғорма деҳқончилик воҳаларининг ҳудуди ўзгариши билан изоҳлаш мумкин. Эркқалъада – Ёзтепадан жанубда жойлашган йирик марказнинг тузилиши Қуйи Мурғобдаги қадимги манзилгоҳларни чегарасининг ўзгарганлигини кўрсатади.

В.И. Сарианидининг фикрига кўра мил.авв. III мингйиллик охирлари – II мингйиллик бошларига келиб Жанубий

Туркманистоннинг Келели, Ажикуй, Аучин, Таип, Гонур, Тоголок, Адам-Басан, Тоҳирбой каби деҳқончилик ўлкалари илк шаҳар маданиятига эга бўлган, ҳунармандчиликнинг деярли барча соҳалари ривожланган маданият соҳиблари томонидан, экспанцион миграция натижасида эгалланган. Бир вақтнинг ўзида Келели деҳқончилик воҳасида 13 та, Ажикуйи воҳасида 7 та, Аучин воҳасида 14 та, Таип воҳасида 8 та, Гонур воҳасида 15 та, Тоголок воҳасида 30 дан ортиқ, Адам-Басан воҳасида 10 та, Тоҳирбой воҳасида 12 та, умуман Қуйи Мурғоб ҳавзасида жами 100 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари пайдо бўлган[1]. Тадқиқотчилар томонидан ёдгорликларнинг хронологик даврлари ҳам аниқланган. Бу аҳоли ўзига хос юқори моддий маданият яратишлари билан бирга Месопотамия ва Ҳиндистон билан яқин маданий алоқада бўлишган ва бронза даврида аҳолининг миграцияси жараёнида фаол иштирок этган.

Мурғоб воҳасида пайдо бўлган бу маданият соҳибларининг иккинчи миграция тўлқини, яъни Бақтрия колониялаштириш даври бошланади. В.И. Сарианидининг тадқиқотларига кўра илк цивилизация вакиллари Жанубий Бақтриянинг тўртта суғорилиш районига – дарёлар бўйларига жойлашган. Булар Давлатобод, Фарухобод, Даштли ва Нички ҳудудий деҳқончилик воҳалари бўлиб, кўчиб келган аҳоли сунъий суғоришга қулай бўлган жойларга ўрнашган. Давлатобод деҳқончилик воҳасида 4 та, Даштли деҳқончилик воҳасида 40 дан ортиқ бронза даври ёдгорликларининг мавжудлиги аниқланган.

Нички ва Фарухобод деҳқончилик воҳаларида ҳам моддий маданияти Даштли маданиятига хос бўлган бронза даври ёдгорликлари борлиги хусусида маълумотлар келтирилган, аммо илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Шимолий Бақтрия, Сурхон воҳасида ҳам бронза даври Сополли, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Арабулоқ каби ёдгорликлар

---

[1] Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990. – С. 4, рис. 1.

деярли бир вақтда пайдо бўлган ва эволюцион тарихий тараққиёт натижасида Молали ва Бўстон ёдгорликлари шаклланган. Янги пайдо бўлган маданият соҳиблари миграция, янги ерларни ўзлаштириш жараёнларини давом эттирган. Навбатдаги миграция ҳудуди Жанубий Тожикистоннинг Вахш ва Кофирнихон бўйлари бўлиб, мазкур ҳудудларда ҳам янги манзиллар бунёд этилади. Археология фанида бу маданиятларга нисбатан Бақтрия-Марғиёна археологик комплекси (БМАК) ёки Окс-Амударё цивилизацияси номлари қўлланмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ

Ҳозирги даврга қадар воҳада топилган айрим археологик материаллар – мисдан ишланган болта ва ханжар (Шаҳрисабз атрофлари), бронза найза учи (Чироқчи тумани) воҳа ҳудудлари бронза ва эҳтимол, энеолит даврларида ўзлаштира бошланганидан далолат беради. Мил.авв. II мингйиллик охирлари I мингйилликнинг бошларида Қашқадарёнинг шарқий ва қуйи қисмларида деҳқончилик қабилалари ёйилади.

Мазкур даврда тўртта ўтроқ деҳқончилик хўжалик-маданий туманлари Шўробсой, Танхосдарё, Қизилдарё ва Еркўрғон воҳалари шаклланади. Улар Сурхондарё ва Амударёга олиб борувчи йўллари бўйлаб жойлашган[1].

Мил.авв. VII–VI асрларда Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларининг ёнбағирларидаги ерлар кенг ўзлаштирилади. Тоғлардан бошланган дарёлардан асосий сув манбаи сифатида фойдаланилган. Ўтроқ аҳоли сойларнинг қуйи қисмларидаги деҳқончилик ва чорвачилик учун

---

[1] Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи // Тр. Института истории и археологии АН УзССР. 1957. Вып. 7. – С. 77-114; Дуке Х. Чиракчинское поселение // ИМКУ. 1982. Вып. 17. – С. 19-29; Крашенинникова Н.И. Древнеземледельческий оазис Южного Согда // АО. 1984. – М.: Наука, 1986. – С. 461; Сагдуллаев А.С. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА. 1984. №3. – С.154-161.

қулай ерларда алоҳида уй-қўрғонлар ва воҳа-туманлар марказларида яшаган. Яқин тоғ адирлар яйловларида чорва боқилган. Шунингдек, қуйи Қашқадарёнинг текисликларида сунъий суғориш мақсадларида дарёнинг асосий ўзани сувларидан фойдаланилган. Мил.авв. I мингйилликнинг ўрталарига келиб, аҳоли Ерқўрғон, Нишон, Қизилдарё, Танхосдарё, Қайрағоч, Гулдара ва Шўробсой каби воҳа-туманларда жойлашган. Топиб текширилган ёдгорликларни, майдони 0,2–0,3 гектарга тенг уй-қўрғонлар (Жартепа, Сарой, Шўроб) ва нисбатан йирик марказлар – Узунқир (70 га), Ерқўрғон (34 га), Даратепа (10 га) ташкил қилган.

Ёдгорликларнинг миқдорига кўра, энг йирик Шўробсой воҳасида 8 та манзилгоҳ, Қайрағоч воҳасида – 7та, Танхосдарё – 6 та, бошқа воҳаларда эса 1 – 2 та ёдгорлик аниқланган. Археологик маълумотлар дарак беришича, хусусан сўнгги бронза ва илк темир даврида, Қашқадарёнинг (Жанубий Суғд) шарқий ва қуйи қисмларида аҳоли жойлашувининг иккита ҳудуди шаклланади. Улар ўртасида ўзлаштирилмаган кенг ерлар мавжуд бўлган. Қашқадарё воҳасида деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши, Ўрта Осиёда зироатчи ва чорвадор қабилаларнинг янги ҳудудларда ёйилиши ҳодисасини ўзида акс этган.

4. БАҚТРИЯ ВА "ХАРАЛИ" ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР

Археологик ва ёзма манбалар маълумотларини қиёслаш асосида тарихий географиянинг (Бақтрия мисолида) айрим масалалари ўрганиш жиҳатларини, мисол тариқасида илгари сурилади.

Бронза даври Сополли маданияти ва унга замондош бўлган Даштли (Шимолий Афғонистон), Номозгоҳ (Жанубий Туркманистон, Мурғоб) маданиятлари билан бирга Окс цивилизацияси номи билан Қадимги дунё тарихи фанига кирди ва Қадимги Шарқ цивилизациясининг Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Мисрдан кейинги, янги – бешинчи ўчоғи сифатида эътироф этилмоқда[1].

Окс-Амударё цивилизацияси ҳудудининг катта қисмини Бақтрия ташкил этади. Аммо, Месопотамия ёзма манбаларида Бақтрия ҳақида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тадқиқотчиларнинг сўнгги йилларда Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври ёдгорликларида олиб борган тадқиқотлари натижасида Қадимги Шарқ шаҳарларига хос бўлган кўплаб

[1] У истоков цицилизации. Сборник статей к 75-летию В.И. Сарианиди. - М., 2004. – С. 466; Массон В.М. Адтындепе. – Л., 1981. С. 91, 130-131; Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана – Ташкент, 1977. – С. 248. Филанович М.И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – С. 22-32; Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С. 187. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002. – С. 279 С. Avanesova N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT. 29,1997, - P.147-178; Массон В.М. Протобактрийский блок древневосточных цивилизаций (К выходу книгу: Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986) // Информационный бюллетень МАИКЦА Вып.14, – М.: 1988. – С. 56.

Сурхондарё тош даври ёдгорликлари
(ўрта палеолит, мезолит, неолит 100 - 7 минг йил аввал)

Сурхондарё бронза даври ёдгорликлари
(мил. авв. III минг йилликнинг охири - II минг йиллик)
Туман марказлари
Йўллар
Дарё
Ёдгорликлар 1 : 500 000
0 5 10 20 30 40 км
Денов
Бойсун
Муллали
Шўрчи
Кумқўрғон
Таллабулоқ
Шерабод
Ғозкалъа
Жарқўтон
Сополлитепа
ТЕРМИЗ
Амударё
20 км
N

Сурхондарё сўнгги бронза
ва илк темир даври ёдгорликлари
(мил. авв. X - V асрлар)
Туман марказлари
Йўллар
Дарё
Ёдгорликлар 1 : 500 000
0 5 10 20 30 40 км
Денов
Бойсун
Кизилча
Кизилтепа
Шўрчи
Бандихон
Кумқўрғон
Бургуттепа
Шерабод
Ғозкалъа
Жамбалтепа
Кучуктепа
Таллашқон
ТЕРМИЗ
Амударё
20 км
N

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ТОШ ВА БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ



ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ - ЖАНУБИЙ СЎҒД
мил. авв. X - VIII асрларга оид ёдгорликлари



ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ - ЖАНУБИЙ СЎҒД
мил. авв. VII - IV асрларга оид ёдгорликлари



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ



БУХОРО ВОҲАСИ БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

(Я. Ғуломов, У. Исломов, А. Аскаров бўйича)

Хоразм воҳаси бронза даври ёдгорликлари

(С.П. Толстов, М.И. Итина бўйича)

Хоразм воҳаси илк темир даври ёдгорликлари
(С.П. Толстов, Б.И. Вайнберг бўйича)

Бронза даври воҳа-туманлари



Бронза ва илк темир даври Бактрия вилоятлари



Мил. авв. VII-VI асрларга оид шаҳар харобалари ва воҳа-туманлари (Марғиёна, Бактрия, Сўғд)

Мил. авв. VI-IV асрларга оид воҳа-туманлари



Қуйи Мурғоб ҳудудидаги илк темир даври воҳалари ва ёдгорликлари
(В.М. Массон бўйича)



Шимолий-шарқий Афғонистон ёдгорликлари (Ж.К. Гарден ва Б. Люнне бўйича)



Ҳинд вохаси, Олд Осиё ва Ўрта Осиёни боғловчи қадимий йўллар

Харали ва Мархаши тарихий географияси

моддий маданият намуналари кашф этилди. Олимлар Окс цивилизацияси маданиятининг Қадимги Шарқ маданиятига хослиги, унинг ажралмас бир бўлаги эканлиги ҳақида умумий фикрга келдилар[1].

Бақтриядан олиб борилган Бадахшон ложувард-лазурити Қадимги Шарқ дунёсида энг машҳур минераллардан бири бўлсада, Месопотамиянинг қадимги халқлар билан олиб борган сиёсий алоқалари орасида Бақтрия номи тилга олинмайди. Г.Херманнинг ўтган асрнинг 60-йиллардаги фикрига кўра, Бадахшон лали ягоналиги билан изоҳланади ва Буюк Хуросон йўли орқали Месопотамия шаҳарларига тарқалган[2]. Бадахшон лалининг Қадимги Шарқ шаҳарларига тарқалиш йўли жаҳондаги энг қадимги савдо йўли сифатида фанга кирган ва "Лал йўли", "Лазурит йўли", "Хуросон йўли", "Бадахшон йўли" каби номлар билан аталиб келинмоқда.

Қадимги Шарқ мамлакатлари тарихий географиясини аниқлашда, шаҳарларнинг локализацияси масаласида, қадимги лал йўли йўналишларини белгилашда лал асосий манба эканлиги тадқиқотчилар томонидан қайта-қайта таъкидланган. Аммо, сўнгги йилларда Қадимги Шарқ ёдгорликларидан топилаётган лал тошлари химиявий

---

[1] Аванесова Н.А. Бустон VI – некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. – Самарканд: Изд. МИЦАИ, 2013. – С. 640; Аскаров А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Ташкент, 1984. – С. 87-97; Диалог Центральная Азия – Индия. Построение партнерства на основе богатого культурного и исторического наследия (Ташкент, 14-15 март, 2008). – Т., 2008. – 314 С. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989; Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская култура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дис. на соиск. д.и.н. –М., 1992; Ширинов Т.Ш. Связи Средней Азии и Индийского субконтинента во II тысячелетия до н.э. // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. С.118; Lamberg-Korlovskiy C. The Bronze Age of Bactria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. –Roma-Venezia, 1989.

[2] Herrmann G. Lapis Lazuli the Early Phaze of Trade // – Iraq, V. 30, 1968.

анализ қилинмоқда. Масалан, Шаҳри Сўҳта ёдгорлигидан топилган ложувард тошлар коллекциясининг химик таркиби уч хил эканлиги маълум бўлди. Демак, бу ерга ложувардлар энг камида учта маъдан конларидан келтирилган. Минерология фанида аниқланган сўнгги маълумотлар бўйича айтадиган бўлсак, ложувард маъдани кони Покистон худудидаги Чағай, Тожикистондаги Помир ва Бадахшонда жойлашган[1]. Шаҳри Сўҳта ёдгорлигига масофа жиҳатидан энг яқини Чағай тоғидир. Демак, ложувард кони фақат Бадахшонда бўлмаган. Шундай бўлгандан кейин Бадахшондан бошланадиган ложувард йўллари йўналишларини ўйлаб кўриш, ложувардларнинг химик таркибини аниқлагандан кейингина йўналишлар, йўллар тўғрисида гапириш лозим бўлади. Бу маълумотлар Бақтриядан бошланадиган қадимги ложувард йўлларнинг аҳамиятини зинҳор туширмайди, балки қадимги йўлларнинг йўналишларини тўғри аниқлашда ёрдам беради.

Бақтрия иборасининг, Бақтрия ложувардларининг Месопотамия ёзма манбаларида учрамаслиги табиий ҳол, негаки бу ибора анча кеч шаклланган. Бақтрия тўғрисидаги энг қадимги ёзма маълумотлар қадимги ҳинд манбаларида келтирилган бўлиб, уларда «Báhlika» шаклида ёзилган. Э.А. Грантовский «Báhlika» атамасини «Авесто»даги «Baxtis», қадимги форс манбаларидаги «Baxtriš» ёки «Balx»-«Baxl» сўзлари билан таққослайди ва ушбу географик ҳамда этник тушунчани қатъий тарзда Бақтрия билан боғлайди[2] . Демак, Бақтрия номи қадимги Оссурия ва Аҳамонийлар давлати даврига оид форс манбаларидан аввал ҳам учрайди. Сўнгги йилларда фан оламига кириб келган ушбу манба Аҳамонийлар даврига қадар ҳам Бақтрия подшолиги "кавийлиги"нинг

[1] Delmas A.B, Cazanova M. The Lapis Lazuli Sources in the Ancient East // – South Asian Archaeology 1987. P 1. Rome, 1990.

[2] Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. Основные проблемы. Вопросы хронологии. – М., 1998. - С. 106-107.

мавжуд бўлганлигини кўрсатди[1]. Аммо, қачондан бошлаб Бақтриянинг шу ном билан аталиб келинаётганлиги ва у қандай маънони англатиши ўз ечимини топган масала эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Окс цивилизацияси вакилларининг Қадимги Шарқ маданият марказлари билан яқиндан маданий алоқада бўлганлиги табиий ҳол ва бу моддий маданият ашёлари асосида жуда яхши[2]. Тадқиқотлар якунларига кўра, бу цивилизация вакиллари нафақат яқин маданий ва иқтисодий алоқада бўлган, балки Окс цивилизацияси икки илдизли эканлиги эътироф этилмоқда. Биринчиси маҳаллий, иккинчиси – Қадимги Шарқ цивилизацияси вакилларининг Амударё бўйларига миграцияси ва халқларнинг қоришуви натижасида Окс цивилизацияси шаклланган деган фикр тарих фанида устуворлик қилади[3].

"Бақтрия" номи хронологик жиҳатдан кеч пайдо бўлган бўлса[4], Қадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий варианти бўлган Окс цивилизацияси ҳудуди қадимда қандай аталган? Шумер, Ур, Урук ва Лагаш каби илк шаҳар-давлатлар билан қайси номда маданий ва иқтисодий алоқалар қилган? Бу борада бизга Месопотамия ёзма манбалари ва мазкур

---

[1] Шайдуллаев Ш.Б., Икромов Н.М. Бақтрия подшоҳликми ёки кавийликми? // "O'zbekiston tarixi". 2010. 2-сон. 74-80 бетлар.

[2] Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. –Ашгабат, 2002; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дис. на соиск. д.и.н. –М., 1992; Lamberg-Korlovskiy C. The Bronze Age of Bactria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma-Venezia, 1989; Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. –М.-Л., 1962; У истоков цицилизации/ Сборник статей к 75-летию В.И. Сарианиди. - М., 2004. – 466 с.

[3] У истоков цивилизации / Сборник статей к 75-летию В.И. Сарианиди. – М., 2004. – 466 с.; Массон В.М. Адтындепе. – Л., 1981. – С. 91, 130-131; Филанович М.И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – С. 22-32.

[4] Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции) // ВДИ. – М., 1996. №3. - С. 3-23.

манбалар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ёрдам бериши мумкин, холос.

Қадимги Эрон тарихи бўйича етук мутахассисларнинг умумий фикрлари ҳамда Эрон ҳудудида мил.авв. III мингйиллик ва унинг иккинчи ярмида кечган этносиёсий воқеаларга қараганда, Эроннинг ғарбида Элам, марказий ҳудудларда Аратти, шимолида Каспий, Загрос тоғи атрофларида Кути ва Луллибей, жануби-шарқий қисмида эса Варахша мамлакати жойлашган[1].

Мил.авв. III мингйилликда Месопотамиянинг шарқий мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқалари бўйича тадқиқотлар олиб бораётган Е.В. Антонованинг фикрига қараганда Эроннинг шимоли-шарқий томонида Харали мамлакати жойлашганлигини англаш мумкин[2].

Бизнинг фикримиз бўйича, "Харали"ни ишонч билан Анов, Номозгоҳ ва Сополли маданиятлари тарқалган ҳудудлар билан қиёслаш мумкин. Негаки, Эроннинг шимоли-шарқий томонида мил.авв. III мингйилликнинг иккинчи ярми ва ҳаттоки II мингйилликларда Қадимги Шарқ марказлари билан тенглаша оладиган ва маданий алоқалар қилган бошқа маданиятни археология фани билмайди.

Мил.авв. IV мингйиллик охири III мингйиллик давомида цивилизация жараёнлари асосан Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон ва Эрон ҳудудларида кечган бўлса, III мингйилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб Оксда (Харали) ҳам бу жараёнлар бошланган.

Тадқиқотчилар Окс цивилизациясининг шаклланишидаги икки илдиз ҳақида умумий фикрга келдилар[3]. Унинг

---

[1] Грантовский Э. А. Ранняя история иранских племен Средней Азии. – М., 1970; Массон В. М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.; Л., 1966; Herzfeld E. The Persian Empire: Studies in Geography and Ethnography of the Ancient Near East. – Wiesbaden, 1968.

[2] Антонова Е.В. Контакты Месопотамии с восточными землями в IV-III тыс.до н.э. // Азия: диалог цивилизаций. – С. Петербург, 1996. - С. 197-240.

[3] Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. – Тошкент, 2015. - 171 бет.

маҳаллий илдизлари Жанубий Туркманистоннинг Анов, Номозгоҳ, Олтинтепа ёдгорликлари билан, иккинчи илдизи эса Қадимги Шарқ халқларининг миграцияси билан боғланади. Тадқиқотчилар, Қадимги Шарқ халқларининг миграцияси сабабларини тушунтириб бера олганлари йўқ. Кўплаб тадқиқотчилар буни Қадимги Шарқда кечган ксеротермик ҳолатлар билан боғлайдилар. Биз ҳам халқлар миграциясини инкор этмаган ҳолда унинг асосий сабабини этносиёсий жараёнлар билан боғлашни тўғри йўл деб биламиз.

Мил.авв. XXIII асрдан бошлаб Эрон ҳудудидаги Загрос, Элам, Варахша ва Аратта, Саргон давридан бошлаб Нарамсуэн ҳукмронлик давригача Аккаднинг сиёсий доирасидаги ҳудудга айланган. Мил.авв. XXI асрда эса Эроннинг кўплаб ҳудудлари, жумладан Элам ҳам Урнинг III династияси таркибига киритилади. Месопотамиянинг шарқий ҳудудлар билан, яъни Эрон ҳудудида жойлашган мамлакатлар билан урушлари доимий ва умумий ҳолатга айланиб қолган[1]. Фикримизча, бу урушлар натижасида аҳолининг тинкаси қуриган бўлиши ва улар тинч ҳаёт истаб Амударё ва Мурғоб бўйларига, кенг сайҳон ҳудудларга кўчган. Маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетиши – ассимиляцияси натижасида янги, Окс цивилизациясига асос солинган. Бу ҳудуд Месопотамия ёзма манбаларида учрайдиган Харалидир.

Марказий Осиёда тохарларнинг пайдо бўлиши ва этник тарқалиши бўйича тадқиқот ўтказган Л.М. Сверчков Шумерча "Arali", аккад тилида "Arallú" шаклида учрайдиган Харалини Европа ва Осиё қитъалари чегарасида жойлашган Урал тоғи ва паст текисликлари билан таққослади ва хусусан шу жойлар билан боғлади[2]. У ўз фикрини асосан "Арали" ва "Урал" сўзларининг ўхшашлигига қаратади ва "а" ҳамда "у"

---

[1] Olmstead A.T. History of the Persian Empire. – Chicago, 1959.

[2] Potts T.F. Mesopotomia and the East. An Archeologikal and Historikal Study of Foreigt Relations ca. 3400-2000 BC. Oxford, 1994. – P. 212; Сверчков Л.М. Тохары древние индоевропейцы в Центральной Азии. – Ташкент, SMI-ASIA, 2012, - С. 106.

унли ҳарфларининг ўзгариши натижасида “Арали” “Урал”га айланган деб ҳисоблайди. Афсуски, тадқиқотчи “Урал”нинг қадимги туркий сўз эканлигига, “белбоғ”, “камар” маъносида ишлатилганлигига эътибор бермайди[1].

Харалини Окс цивилизацияси билан боғлашимизнинг биринчи сабаби Эроннинг шимоли-шарқий томонида Харали мамлакати жойлашганлиги ҳақидаги маълумот бўлса[2], иккинчиси унга қадимги Месопотамия манбаларида “дунёнинг чеккаси” деб таъриф берилишидир. Фикримизча, бу таъриф ниҳоятда тўғридир. Чунки, Окс цивилизацияси Месопотамиядан энг чеккада жойлашган Қадимги Шарқ цивилизацияси марказидир ва Месопотамиянинг шарқдаги маданий таъсир доирасидаги энг чекка ҳудуддир. Мумкинки, месопотамияликлар билган “дунёнинг энг чеккасидир”. Ундан шарқда жойлашган кўчманчилар дунёсини (Андроново маданиятини) бевосита эмас, балки билвосита, Окс цивилизацияси орқали билган. Окс цивилизацияси Қадимги Шарқ ва кўчманчилар дунёси ўртасидаги маданий кўприк вазифасини ҳам ўтаган[3].

Учинчидан, Қадимги Месопотамия манбаларида Харалига “худолар дунёга келган жой” деб таъриф берилиши ҳам айни ҳақиқатдир. Кейинги йилларда ўрганилган Олтинтепа зиккурати, Даштли ибодатхонаси, Жарқўтон олов ибодатхонаси, Тоголок 21, Гонур монументал ибодатхоналари бу таърифга ниҳоятда тўғри келади[4]. Окс

---

[1] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9-том. – Тошкент, 2005,109 бет.

[2] Антонова Е.В. Контакты Месопотамии с восточными землями в IV-III тыс.до н.э. // Азия: диалог цивилизаций. – С. Петербург, 1996. - С. 197-240.

[3] Аванесова Н.А. Бустон VI – некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. – Самарканд: Изд. МИЦАИ, 2013. - 640 с; Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Российские вести. №4. – С. 63-70; Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. – Тошкент, 2015. - 171 бет.

[4] Сарианиди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. – М.: «Наука», 1976; Массон

цивилизациясининг қалъасифат шаклда қурилган "худо уйлари" месопотамияликларнинг ҳам эътиборини тортганлиги табиий ҳол, албатта.

Тўртинчидан, Харалиги берилган кейинги таъриф "Олтин олинадиган мамлакат"дир[1]. А.П. Франкфорт Окс цивилизациясига умумий таъриф берар экан, "цивилизация" ибораси "маданият" тушунчасидан анча кенг маъно бериши ҳақида гапириб, унинг маҳаллий илдизлари қаторига Жанубий Туркманистоннинг Анов, Номозгоҳ, Олтинтепа ёдгорликларидан ташқари Саразмни ҳам киритади ва кенг ҳудуд бўйлаб мулоҳазалар юритади[2]. Саразмликлар Зарафшон воҳасини ўзлаштирган илк халқлардан бири бўлиб, Қадимги Шарқ халқларини энг ноёб ва қимматбаҳо металл ҳисобланган олтинга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида савдо ишларини олиб борган[3].

К. Ламберг-Корловскийнинг хулосасига кўра энеолит даврида Белужистон ҳудудидан аҳолининг кўчиб келиши натижасида Саразм маданияти пайдо бўлган ва сўнгги бронза давригача бу ерда муқим яшаб келган, доимий равишда "биринчи цивилизация" вакиллари билан, ўз "ватандошлари" билан маданий алоқада бўлган. Америкалик олим бу ғояни илгари суриш учун Саразм ва Белужистон ёдгорликларидаги моддий маданият намуналарининг ўхшашлигини асос қилиб олади. Чунки Саразмдан сопол чархида ясалган кулолчилик буюмларининг топилиши олимнинг шундай фикрга келишига асос бўлган. Маълумки,

---

В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993; Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002.

[1] Сверчков Л.М. Тохары древние индоевропейцы в Центральной Азии. – Ташкент, SMI-ASIA, 2012, 240 с; Грозный Б. Доисторические судьбы Передней Азии // ВДИ. 1940. № 3-4. С. 24-45.

[2] Франкфорт П.-П. Печати Окса: разнообразие форм и изменяемость функций // ВДИ. 1997. Вып.4. – С. 60.

[3] Исаков А.И. Саразм. Душанбе, 1991.

кулолчилик чархи Ўрта Осиёда бронза даврида пайдо бўлади[1]. Бу ерда эса анча эрта учрашининг сабабини Белужистондан келган деб тушунтириш беради[2]. Бу фикрни кўплаб Ўрта Осиёлик тадқиқотчилар ҳам қўллаб-қувватлашган[3]. Демак, Саразмни, Зарафшон олтинларини кашф этган аҳолини Қадимги Шарқда билишган ва бу юртни "Олтин олинадиган мамлакат" деб аташган. Бу юртнинг олтинга бой ўлка эканлиги антик давр муаррихлари, чунончи қадимги юнон тарихчиси Ктесий маълумотларида ҳам сақланган. У Бақтрияда олтин ва кумуш конларининг мавжудлиги тўғрисида ёзган[4].

Бешинчи сабаб, энг қадимги манба "Авесто"да Ардви Суранинг (Амударё) Хара (Харатти) тоғидан бошланиши, Харанинг энг баланд чўққилари узра, осмоний маъбудлар ичида энг биринчи Митранинг балқиб кўриниши, унинг арийлар (орийлар) ўлкасини ёритиб ва кўриб туриши ёритилади[5]. Йирик тоғлар ва дарёларнинг номи юрт номларига берилиши топонимик қоидаларга мос келади ва бу ҳолатни ҳеч ким инкор ҳам қилмайди.

Бизнинг фикримизча, Хара (Харатти) тоғи Помир ва Ҳиндиқуш тоғларига тўғри келади. Бактра шаҳри, бақтрияликлар эрта тонгда қуёшни Помир ва Ҳиндиқуш усти узра кўрадилар. Мана шу табиат манзараси Митра алқовида жуда чиройли ҳамда ишончли берилган.

---

[1] Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, ИА АН РУз. ССР 1987. – С.19.

[2] Lamberg-Korlovskiy C. The Bronze Age of Bactria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma-Venezia, 1989. - P. 49.

[3] Массон В.М. Средняя Азия и Индия: 5000 лет культурных связей и творческого взаимодействия // Индия и Центральная Азия. – Ташкент, 2000. С. 113-117.

[4] Пьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. – Душанбе, 1975.

[5] Авесто: Яшт китоби./М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: «Шарқ», 2001 — 128 б.

Еттинчидан, Харайва Яштда эсланадиган, Бақтрияда жойлашган мамлакат. Харалининг сақланган шакли.

Олтинчиси, "Харали" сўзининг лингвистик таҳлилидан келиб чиқади. Тадқиқотчилар, жумладан Ж. Харматта "Харали" сўзини дравид тилига оидлиги хусусида ёзиб, "қуёш", "олов" маъноларини беради деб ҳисоблайди, Шарқий Эрон тил гуруҳига оид "Хоразм" сўзи билан таққослайди ва жойи билан локализация қилади ҳамда "қуёшли юрт" деган маънони англатади деган фикрга келган[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, кейинги пайтда қадимги Хоразм тарихи бўйича бир қатор илмий янгиликлар қилинди. Қадимги Хоразм ва Катта Хоразм муаммолари пайдо бўлди ва йил сайин янги манбалар асосида бу муаммолар ўз ечимини топиб келмоқда[2]. А.А. Асқаровнинг шу муаммоларга бағишланган мақолалари эълон қилинган бўлиб, унда мавжуд ёзма ва археологик манбалар асосида Хоразм тарихининг муаммоли масалалари бўйича тарихчилар ўртасида давом этиб келаётган мунозараларга ойдинлик киритилди. Скилак, Гекатей, Геродот, «Авесто» маълумотлари асосида хорасмияликлар Бақтриядан жанубда, Ареядан шарқда, Герируд ва Хелменд дарёларининг юқори ҳавзасида, яъни ҳозирги Хирот водийсида яшаганлиги ишончли манбалар асосида исботлаб берилди[3] . Аҳамоний ҳукмдорларнинг Хелменд тоғ дараларига тўғонлар қурганлиги,

---

[1] Сверчков Л.М. Тохары древние индоевропейцы в Центральной Азии. – Ташкент, SMI-ASIA, 2012, - С. 106; Harmatta J. Proto-Iranians and Proto-Indians in Central Asia in the 2 Millenium B.C. // Ethnik Problems of the History of Central Asia in the Early Period. – Moscow, 1981 – P. 75-83.

[2] Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. - М.: 1979. - С. 38-42.

[3] Асқаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2004, 76-84 бетлар; Асқаров А.А. Новые подходы к изучению истории Древнего Хорезма // «Ўзбекистон тарихи». Ташкент, 2007. № 4. С. 11-21.

хорасмияликларнинг Хирот водийсидан ҳозирги Хоразм ҳудудига – массагетлар юртига кўчиши ёзма манбалар асосида, у ерда юқори ривожланган деҳқончилик маданиятига, Қўзалиқир, Қалалиқир каби илк шаҳарлар, қалъаларга асос солинганлиги археологик манбалар бўйича асосланган. Демак, хорасмияликларнинг (Хоразм) илк ватани Окс цивилизацияси, яъни Харали ҳудудида бўлган[1].

Шумерча "Aralı", аккадча "Arallu", дравидча "(H)aralı", юнонча "Horasmiya", Шарқий Эрон тил гуруҳига оид "Horazm" сўзлари шаффоф сўзлар бўлиб, "қуёшли юрт" деган маънони англатган. Шундай қилиб, Окс цивилизациясининг тарихий номи Харали ("Aralı", "Arallu", "(H)aralı") бўлиб, хорасмияликлар бу номни Қуйи Амударёга кўчганларида ўзлари билан олиб кетганлар.

[1] Э.В.Ртвеладзенинг фикрига кўра, хорасмийлар дастлаб Ғарбий Бақтрияда яшаганлар. Қаранг: Ртвеладзе Э.В. Государственное объединение «Большой Хорезм» – миф, созданный учеными или историческая реальность? // Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013. – С. 39-41. Бир қатор олимлар А.С.Сагдуллаев, В.Н.Ягодин, С.Б.Болелов, Х.Х.Матякубов хорасмийлар жанубдан келиб чиқмаган деб, Жанубий Оролбўйи ҳудудларига бақтрияликларнинг миграцияси натижасида маҳаллий ва келгинди аҳоли гуруҳларининг қоришиб кетиши туфайли хоразмликлар вужудга келиши ҳақидаги фикрни илгари сурадилар. Қаранг: Сагдуллаев А.С., Матякубов Х.Х. О некоторых дискуссионных проблемах истории древнего Хорезма // История культуры Узбекистана. – Ташкент, 2016. – С. 6-19.

5. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БРОНЗА ДАВРИ МИГРАЦИЯЛАРИ

Бронза даври Марказий Осиёнинг қадимги тарихидаги муҳим даврлардан биридир. Мазкур даврда миграциялар ва этник бирликларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳолда ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўзгаришлар ҳамда турли кўринишдаги маданий инновациялар юзага келди. Бронза даврида, этнонимлари дастлаб илк ёзма манбаларда ўз ифодасини топган қадимги халқларнинг шаклланиши учун асос вужудга келган. Миграция муаммолари, этномаданий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва муайян археологик маданиятларнинг у ёки бу этнос билан боғлаш масалалари алоҳида мавзу сифатида олимларнинг эътиборини тортди ҳамда халқаро симпозиумларда муҳокама этилди[1].

Маълумки, ривожланган бронза даврида Жанубий Туркманистоннинг Копетдоғ олди ҳудудларида "қадимги Шарқ типидаги маҳаллий маданият" ва "бутун қадимги Шарқ маданий ҳудудининг табиий таркибий қисми" дея номланган юқори даражадаги маданият (Номозгоҳтепа, Олтинтепа) шаклланган. Мил.авв. II мингйиллик бошларидан мазкур цивилизация Эроннинг Ҳисор, Турангтепа, Шаҳри Сўхта, шунингдек, Ҳинд цивилизациясининг Хараппа ва Мохенжо-Даро қадимги шаҳар марказлари каби инқирозга учрай бошлади. Босқичма-босқич манзилгоҳлар аҳолисиз қолди: "аҳоли мол-мулкини олиб уйларини ташлаб кетишган"[2]. Олтинтепанинг қаровсиз қолиши сабаблари аҳолининг

---

[1] Этнические проблемы Центральной Азии в древности. – М.: Наука, 1981; Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986; Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата: Наука, 1987.

[2] Массон В.М. Алтын-депе // Тр. ЮТАКЭ. Т. XVIII. – Л.: Наука, 1981. –С. 129-130.

Копетдоғ олди ҳудудларидан Марғиёна ва Бақтрияга кўчиши билан боғлиқ[1].

Масаланинг шундай қўйилиши тўғри. Археологик маълумотларга кўра, минтақада энеолит ва бронза даврларида миграция жараёнлари жадал равишда содир бўлган. Улар нафақат янги деҳқончилик воҳаларини ўзлаштирилиши билан, балки, металлургия ривожи учун асос бўлган хом ашё конларини (мис, қалай, қўрғошин) излаш билан боғлиқ эди. Жанубий Туркманистон ва Белужистон илк деҳқончилик жамоалари маданиятига оид инновациялар Юқори Зарафшон Саразм манзилгоҳида акс этиши кузатилади[2]. Энеолит даврида, тахминан мил. авв. IV мингйилликнинг ўрталарида, Белужистон илк деҳқончилик маданияти вакиллари ҳамда кейинчалик бронза даврида Ҳинд цивилизацияси жамоаларининг миграциялари натижасида Панж ҳавзасида янги ўтроқ манзилгоҳлар шаклланган[3]. Шимоли-шарқий Афғонистон ҳудудидаги савдо пункти (фактория) ҳисобланган Шўртўқай манзилгоҳи Ҳинд цивилизациясининг маркази бўлган Мохенжо-Дародан 1100 км дан ортиқ узоқликда жойлашган[4]. Аниқланган сопол буюмлар, муҳрлар ва бошқа археологик топилмалар Шўртўқайга Ҳинд цивилизацияси вакиллари томонидан асос солинганлигидан дарак беради[5]. У тоғ-кон қазилма маҳсулотларини ишлаб чиқариш жойларидаги

---

[1] Массон В.М. Алтын-депе... С. 131.

[2] Исаков А.П. Изучение древнеземледельческого поселения Саразм в долине Зарафшана // Древнейшие культуры Бактрии. – Душанбе: Дониш, 1982.

[3] Gardin J. -C., Lyonnet B. La prospection arhéologique de la Bactriane orientale (1974-1978): premiers résultats // Mesopotamia. 1978-1979, XIII-XIV. –P. 99-154.

[0] Frankfort H.-P. Tradition harappéene et innovation bactrienne a`Shortughai // L`archélogique de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. –P. 95-104.

[5] Frankfort H.-P., Pottier M.-H. Sondage préliminaire sur L`établissement protohistorique harappéen de Shortughai // Arts Asiatiques. 1978. XXXIV. 40. –P. 29-86.

савдо факторияси сифатида вужудга келган. Мазкур ҳудуд Бақтриянинг шарқий қисмига тегишли бўлиб, бу тоғли ерлар камёб минерал ва металл ресурслари (лазурит-ложувард, кумуш, олтин) билан машҳур. Металлургия ва ҳунармандчилик учун зарур бўлган ашёлар узоқ ҳудудлар билан олиб бориладиган савдо алоқалари ривожини таъминлади.

Миграцияларнинг кейинги босқичи мил. авв. III мингйиллик охири – II мингйилликнинг бошлари билан белгиланади. Бу давр кенг миқёсда Мурғоб (Марғиёна) дарёси қуйи ҳудудларини, Афғонистоннинг шимоли-шарқий вилоятлари ва жанубий Ўзбекистон ерлари (Бақтрия) ўзлаштирилиши билан боғланган[1]. Маданият жиҳатидан юқори даражада ривожланган аҳоли гуруҳларининг келгунига қадар қуйи Мурғоб ерларида ва Бақтриянинг тоғ олди ҳудудларида деҳқончилик у қадар ривожланмаган эди. Шу боис кўп сонли келгинди аҳоли томонидан ҳали ўзлаштирилмаган кенг ҳудудларда ўнлаб манзилгоҳлар бунёд этилди. Аҳоли ўсиши босқичма-босқич ривожланаётган бир шароитда, ер-сув ресурслари мўллиги сабаб улар учун рақобат йўқдек эди, шунга қарамай улар қалъалар (Гонур, Даштли, Сополли) ҳамда мудофаа деворлар билан ўралган саройлар ва ибодатхоналар барпо этдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Хараппа бинокорлик анъаналарига кўра манзилгоҳларнинг аксарияти квадрат тархга (режага) эга бўлган ҳамда мудофаа деворлари буржлар билан кучайтирилган, шу намунаси асосида марғиёналик қурувчилар бунёд этган қалъалар ҳам квадрат шаклда бўлиб, буржлар билан ҳимояланган[2]. Лекин, Марғиёна –

---

[1] Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977; Масимов И.С. Новые исследования памятников эпохи бронзы на Мургабе // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986.

[2] Массон В.М. Фортификация Средней Азии в бронзовом веке // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. –С. 33.

Бақтриянинг бронза даври маданиятининг келиб чиқиши борасидаги бошқа назариялар қуйида таъкидлаб ўтилади.

Қадимги миграцияларнинг асосий сабаблари экологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллардан келиб чиққан. Булар қурғоқчилик, тупроқнинг шўрланиши ва чўлланиш жараёнлари ёки аҳоли сонининг ортиши ва зич жойлашиши, ишлов беришга яроқли ерларни, сув манбалари ва яйловларнинг чегаралганлиги, металлургия ривожи учун хом ашё ресурсларининг етарли эмаслиги (ёки мавжуд бўлмаганлиги) ва ниҳоят Месопотамия цивилизацияси мисолида оладиган бўлсак, шаҳар–давлатлар ўртасидаги янги ерларни ва савдо йўлларини эгаллаш борасидаги рақобат ҳамда ўзаро урушларда намоён бўлади[1]. Тадқиқотчиларнинг Шимоли-ғарбий ва Жануби-ғарбий Эронда Шумер моддий маданиятининг ёйилишини шумерликлар миграциялари натижаси билан боғлаш борасидаги келтирган далиллари бежиз эмас[2].

Марғиёна ва Бақтриянинг кўп сонли бронза даври деҳқончилик маданияти манзилгоҳлари миграцияларнинг кенг хусусиятларидан дарак беради. Мил.авв. III мингйиллик охири – II минг йиллик бошларида Олд Осиёдаги ҳарбий таҳдид авж олиши, урушлар ва айрим жамоаларга тўсатдан ҳужумлар натижасида, шунингдек, миграциянинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларини эътиборга олган ҳолда, аҳоли ўзлари яшаган ҳудудларни ташлаб, Эроннинг шарқий ва Туркманистоннинг жануби-ғарбий ҳудудларига ўрнашдилар. Бу ердан миграциялар шарқий йўналишда давом этган[3]. Келгиндилар – деҳқонлар, ҳунармандлар ва бинокорлар, Марғиёна ва Бақтрияга ўз мол-мулклари билан кўчиб, турли иншоотлар, мураккаб мудофаа тизими,

---

[1] Йоффи Н. Сферы взаимодействия в Месопотамии // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. –С. 120.

[2] Ламберг-Карловски К.К. Контуры древнейшей истории Иранского плато // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. –С. 167-168.

[3] Сарианиди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. –С. 18-20.

шунингдек, катта бинолар (сарой ва ибодатхоналар) қуришда мураккаб геометрик тизимлардан фойдаланувчилардан иборат эди. Улар юқори даражада ривожланган ташкилий-ижтимоий ва маъмурий бошқарувга эга жамоалар бўлиб, Марғиёна ва Бақтриядаги сарой ҳамда ибодатхона хўжаликларининг мавжудлиги ҳам буни асослайди. Бундай хўжаликлар аввал Шумер шаҳар-давлатлари ва Эламда вужудга келган.

Гонур, Даштли – Сополли маданиятлари соҳиблари дастлабки ўзлаштирилган ҳудудлар билан чегараланиб қолмаганлар. Улар Кўҳитанг, Бойсун ва Жанубий Тожикистон тоғ олди воҳаларини ўзлаштирганлар. Шўртўқай манзилгоҳида Хараппа цивилизацияси Бақтрия маданий инновацияси билан ўзгартирилди[1]. Бу ердан Ҳиндикуш орқали улар Ҳинд водийсигача етиб бордилар[2]. Даштли – Сополли моддий маданият намуналари Зарафшоннинг юқори қисмидаги Зарча Халифа[3], Шарқий Фарғонада (Шагим қабристони, Қирғизистон) аниқланган[4]. Фарғона водийсидан миграция Тарим ҳавзасигача (Шарқий Туркистон) давом этган[5]. Жанубий Тожикистон, Зарафшон воҳаси ва Шарқий Фарғонадан Гонур ҳамда Жарқўтон типидаги илк шаҳарлар аниқланмаган. Меъморчилик ривожи табиий-географик шарт-шароит ҳамда хўжалик фаолиятининг асосий йўналиши билан боғлиқ бўлган.

Мисол учун, бронза даври қабристонлари тадқиқ этилган Вахш ва Қизилсу (Жанубий Тожикистон) воҳалари майда

---

[1] Frankfort H.-P., Pottier M.-H. Sondage préliminaire sur L'établissement protohistorique harappéen de Shortughai // Arts Asiatiques. 1978. XXXIV. 40.

[2] Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990. –С. 99-101.

[3] Бобомуллаев С.Б. Верховья Зарафшана во II тыс. до н.э. – Душанбе, 1998.

[4] Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Э., Мэрфи Д. Шагым – новый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. – Ташкент, 2016. –С. 256-264.

[5] Сарианиди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. –С. 117-118.

шохли чорвани боқиш учун яроқли бўлган[1]. Афтидан, яйловларни мавсумий алмаштириш усулидаги чорвачилик хўжалиги жараёнидаги тез-тез содир бўлиб турган кўчишлар турар жойларнинг характерига таъсир кўрсатган. Хўжаликнинг бундай тури, ўтроқ турмуш тарзига оид узоқ муддатли уй-жойларни қуришни талаб қилмайди. Шундай қилиб, табиий шароитнинг хусусиятлари ва хўжалик юритиш усули бу ерда илғор қурилиш-меъморчилик анъаналарини жорий этишга имкон бермаган.

Юқорида қайд этилганидек, бронза даврида савдо алоқаларининг жадал ривожланиб бориши миграция жараёнларида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу борада оссурияликлар савдо карвонлари мил.авв. II мингйиллик бошларида қалай учун узоқ масофада жойлашган конларга борганлиги ҳақидаги хулосалар диққатга сазовордир ва бу конлар Афғонистоннинг тоғли ўлкаларида жойлашган деб ҳисобланади[2]. Шўртўқайдан топилган ложуварддан ишланган қадимий топилмалар бу минералнинг Бадахшондан қазиб олингани ҳамда уларни Ҳиндистон, шунингдек, Месопотамия ва Мисргача етказиб берилганидан гувоҳлик беради[3].

Саразм металлургия хом ашёсига эҳтиёжи бўлган аҳоли томонидан ўзлаштирилган бўлиб, бир манзилгоҳда кўчиб келган қабилалар маҳаллий аҳоли билан бирга яшаганлигини истисносиз айтиш мумкин. Шу ўринда Бақтрия-Марғиёна археологик комплексининг Бухоро воҳасидаги Замонбобо маданиятига таъсирини қайд этиш мумкин. Бу ерда жанубий вилоятлар (Бақтрия-Марғиёна) аҳолиси алоҳида гуруҳлари вакилларининг жойлашиши Қизилқумда тоғ-кон хом ашёси

---

[1] Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Южного Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1989. –С. 134.

[2] Ламберг Карловски К.К. Контуры древнейшей истории Иранского плато // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. –С. 167-168.

[3] Hermann G. Lapis lazuli: the early phases of its trade // Iraq, 1968. V. 30. –P.21-57; Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА, 1968. Вып. 114. –С. 3-9.

қайта ишлашни бошланиши даврига тўғри келади. Бухоро воҳасида узоқ муддатга мўлжалланган пахса ва хом ғиштдан ишланган бронза даври турар жойларининг учрамаслиги ишлаб чиқариш фаолияти ва табиий шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Фарғонадаги Хак ва Афғонистондаги Фуллол хазиналари топилмалари узоқ мамлакатлар билан савдо алоқаларини кўрсатувчи намуна ҳисобланади. Иккинчи хазинанинг кумуш ва олтин идишларини тайёрлаш ҳамда нақш бериш усуллари Месопотамия ҳунармандчилик маҳсулотлари билан ўхшаш[1]. Маълумки, оссуриялик савдогарлар сотиб олган товарлар эвазига олтин ва кумушни айирбошлаганлар.

Шундай қилиб, мил.авв. III мингйиллик охири – II мингйиллик бошларида миграция жараёнлари Олд Осиёдан Ҳиндистон ва Марказий Осиёгача, шунингдек, Уралгача бўлган кенг ҳудудларни қамраб олган. Икки ғилдиракли жанг араваси (Синташта) ва тўрт ғилдиракли аравaнинг (Гонур) пайдо бўлиши ҳамда отларнинг қурбонлик қилиш маросимлари билан боғланган ҳолда дафн қилиниши, Синташта-Аркаим маданияти айланасимон манзилгоҳлари ва Даштли 3 доирасимон шаклдаги ибодатхонасида намоён бўлиши диққатга сазовор.

Мил.авв. II мингйиллик ўрталари ва иккинчи ярми турлича иқтисодий асосларга эга бўлган қабилаларнинг миграция ва ўзаро маданий алоқаларнинг янги босқичи сифатида тавсифланиб, бу даврда зироатчилар ва чорвадорлар катта ҳудудларни ўзлаштирганлар.

Мазкур даврда Андроново қабилаларининг Урал олди ва Марказий Қозоғистон даштларидан жанубга томон силжиши бошланган. Бу босқичма-босқич, изчил миграция жараёни ҳисобланади. Дашт чорвадорлари Еттисув, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси бўйлаб ўрнашдилар. Қолган гуруҳлар даставвал Жанубий Оролбўйи томон йўналдилар,

---

[1] Tosi M., Wardak R. The fullol Hoard: a new Find from Bronze Age Afghanistan // East and West, 1972. V. 22. –P. 17-19.

бу ердан уларнинг йўли Узбой ва Шарқий Қаспийбўйи ўзанидан токи жануби-ғарбий Туркманистон, шунингдек, Амударёнинг чап қирғоғи Марғиёна ва Бақтриягача давом этди[1]. Андроново қабилалари Зарафшон ва Сурхондарё воҳаларида, шунингдек, Жанубий Тожикистон ҳудудларида ўрнашганлар.

Даставвал Андроново маданияти қабилалари деҳқончилик воҳалари чегарасида жойлашган эди. Кейинчалик улар зироатчилар манзилгоҳларида (Гонур, Жарқўтон) аҳоли томонидан ташлаб кетилган уй-жойлар деворлари орасида ярим ертўла уйлар барпо этиб ўрнашдилар. Чорвадор қабилаларнинг деҳқончилик воҳаларини ўзлаштириши этномаданий ассимиляция жараёнлари, маънавий ва моддий маданиятнинг ўзгаришига олиб келди. Шу асосда мил.авв. II мингйиллик охири – I мингйиллик бошларида Марғиёна ва Бақтрияда турли кўринишдаги инновациялар (сопол ва бронза буюмлар) билан бир қаторда, маҳаллий маданий анъаналарни (пахса ва хом ғиштдан қурилган уйлар, кулолчилик чархининг ишлатилиши) акс эттирган Ёз I маданияти шаклланди.

Ёз I даврида Марғиёна ва Бақтрия аҳолисининг айрим гуруҳлари Амударёнинг ўрта қисмидаги ерларни, шунингдек, Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларини ўзлаштирдилар. Ушбу даврда бронза металлургиясининг жадал ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, жанубий мигрантлар металл рудаси макони ҳисобланган Қизилқум ва Сирдарё қуйи оқими ҳудудларига кириб кела бошладилар. Муаммони бундай изоҳлашни (фараз бўлса ҳам) Сирдарё қуйи оқимидаги чорвадор қабилалар йўлбошчиларига тегишли бўлган Тагискен мақбараларининг (мил.авв. IX–VII асрлар) маданий алоқадорлиги масаласи билан тушунтириш мумкин. Шубҳасиз мазкур мақбаралар пахса ва хом ғиштдан қурилиш борасидаги амалий кўникмаларига эга бўлган

[1] Сарианиди В.И. Степные племена эпохи бронзы в Маргиане // СА, 1975. №2.

ва меъморчилик – режалаштириш усулларидан яхши хабардор бўлган усталар томонидан бунёд этилган. Шарқий ва Жанубий Оролбўйи ҳудудларида яшаган қабилалар (Амиробод маданияти) оддий турар жойлар, яъни синч – устунли тузилишига мансуб ярим ертўла уйлар барпо этиш кўникмаларига эга бўлиб, улар қурилишида хом ғиштдан фойдаланишмаган. Шу боис, Тагискен мақбаралари, аввал Суғдда (Ерқўрғон, Сангиртепа, Кўктепа) бир қатор мустаҳкам турар жойларни барпо этган ва кейин Қизилқумга қараб йўналган Бақтриядан кўчиб келган аҳоли томонидан қурилган. Буларнинг барчаси кўрсатадики, Тагискен мақбараларининг пайдо бўлиши дашт чорвадорларининг қурилишда пахса – хом ғиштдан фойдаланиш тажрибасини механик тарзда қабул қилиш эмас, балки нисбатан тараққий этган тарихий-маданий вилоятлардан бўлган миграциялар натижасидир[1].

Хоразм воҳаси бинокорликда пахса ва хом ғиштдан фойдаланишнинг келиб чиқиши, Марғиёна ва Бақтриядан мил.авв. VII асрда қуйи Амударёга йўналган миграциялар билан боғлиқ. Бу узоқ масофаларга қарамай, дастлаб маданий инновациялар вужудга келган ҳудудлардан, меъморчилик – қурилиш, технологик ва иқтисодий ютуқларни бир вилоятдан бошқаларига ёйилиш кўрсаткичидир.

Демак, Марказий Осиёнинг бронза даври тарихи миграциялар, турли қабилалар ассимиляция ва ўзаро маданий алоқалари билан тавсифланади. Қадимги этник тарих ривожланишини қуйидагича йўналишда дейиш мумкин: автохтон анъаналар – миграциялар – этномаданий синтез (қоришув) – янгиланиш, қайтадан анъаналар ва этномаданий инновацияларнинг намоён бўлиши. Шу асосда Марказий Осиёнинг қадимги халқлари – бақтрияликлар, суғдийлар, хоразмийлар ва бошқалар шаклланган.

---

[1] Сагдуллаев А.С., Матякубов Х. К проблеме происхождения глинобитно – сырцовой архитектуры в Хорезме // Вестник Национального университета Узбекистана. Спец. выпуск. – Ташкент, 2013. – С. 59-60.

6. ОКС-АМУДАРЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИДА МИГРАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

XIX аср охири ва XX аср бошларида жамият тараққиётига цивилизация нуқтаи назаридан ёндашиш бошланган. М. Вебер, А. Тойнби, О. Шпенглер, Ф. Бродел ва Ж.М. Гофф каби ғарб олимлари жамиятнинг ривожланишини локал цивилизацияларнинг доиравий – спирал тарзида ривожланиш ғоясини илгари сура бошладилар[1]. О. Шпенглернинг ".. ҳар бир цивилизация ривожланиш босқичларидан ўтиш керак" деган фикрининг пайдо бўлиши ҳам цивилизация тараққиёт ғоясининг ривожланишида муҳим босқич бўлди[2].

Россия тадқиқотчилари орасида ҳам тарихни ўрганишда цивилизацион ёндашувни ёқлаб чиқувчилар сони ортиб бормоқда, жумладан Н.Я. Данилевский, К. Леонтьев, П. Сорокин ва Л.Н. Гумилевлар биринчилардан шу йўлни танлаган ва асарларида цивилизацион ривожланиш йўлидан борган. Улар мисолида тарихни даврлаштиришда марксча формацияли усулдан воз кечиш ва цивилизация тараққиёт усулини қўллаш тарафдорлари пайдо бўлди десак хато бўлмайди. Бу соҳада биринчилардан бўлиб формацияли қарашларни танқид қилган олим И.М. Дьяконов бўлиб у жаҳон халқлари тарихий тараққиётини саккизта даврга бўлиш ғояси билан чиқди ва ўзи истамаган ҳолда формацияли қарашларга яқин бўлган даврлаштиришни тақдим этди[3].

Йирик назариётчи олим Ю.В. Яковец тарихнинг тадрижий тарзда ривожланиш ғоясини илгари суради ва жамиятнинг босқичма-босқич тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлайди. У ҳам формацияли ёндашув ғоясини танқид қилади ва жамият

---

[1] Тойнби А. Дж. Постижение истории. – М., 1991. – С 86, 87.

[2] Шпенглер О. Закат Европы: очерки морфологии мировой истории. Т. I. – М., 1993. – С. 55.

[3] Дьяконов И.М. Пути истории: От древнейшего человека до наших дней. – М., 1994.

тараққиёти коммунистик формация билан тугалланиши тарихий тараққиётга зид эканлигини кўрсатиб берди[1]. У ўз тадқиқотларида жаҳон цивилизацияларнинг таркибини ва биридан иккинчисига ўтиш давридаги чегараларни кўрсатиб, уларнинг таъсирида бошқа жамоаларнинг ривожланиши динамикасини ҳам асослаб берди. Ҳар бир цивилизациянинг вужудга келиши, етилиши, инқирози ва ҳалокати тарихий жараён эканлиги ва бундан сўнг ўтиш даври бошланишининг муқаррарлигини, мазкур давр давомида эса янги мафкуравий ғоялар асосида, ривожланган моддий маданиятнинг пайдо бўлиши натижасида янги цивилизациянинг шаклланиши инновацион тарихий жараён эканлигини асослади[2].

Цивилизация тушунчаси умумжамият тизимини англашда категория бўлиб, жамиятнинг ҳар хил элементларини ўзида мужассам этади. Буларнинг энг асосийлари дин, маданият, иқтисод, сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар бўлиб, улар ҳар бир цивилизацияга ҳар хил хусусият бағишлайди.

Археология фанининг асосий предмети нуқтаи назаридан, таъкидлаш жоизки, жамият тараққиётини ўрганишда цивилизацион қараш энг мақбул вариантлардан биридир[3]. Ҳар хил археологик маданиятларга хос моддий манбаларни ўрганиш давомида цивилизацияларнинг пайдо бўлиши, уларга хос бўлган анъаналар ва инновацион жараёнлар археологик артефактларда ўз ифодасини топади. Айниқса, кўплаб маданиятларнинг қоришуви натижасида, Ўрта Осиёда кечган халқларнинг этномаданий жараёнлари тарихини ўрганишда бу усул янада мақбулдир.

Мил.авв. IV–III мингйилликларда Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд каби дарё ҳавзаларида шаклланган Миср, Шумер, Аккад, Ҳинд (Хараппа) ва Ся маданиятлари жаҳон халқлари

---

[1] Яковец Ю.В. История цивилизации. – М., 1997. – С. 44.

[2] Яковец Ю.В. История цивилизации... – С. 39-52.

[3] Массон В.М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ// Вестник российского научного гуманитарного фонда. – СПб. 1998. № 3. – С. 1-95.

тарихида бирламчи Қадимги Шарқ цивилизацияси номини олди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср давомида Ўрта Осиёда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида илгари номаълум бўлган кўплаб археологик маданиятлар кашф этилди[1].

Бу кашфиётлар тарих фани олдига янги масалаларни, яъни Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида Ўрта Осиёнинг тутган ўрнини аниқлаш вазифасини қўймоқда. Бу ҳудудда шаклланган маҳаллий ўтроқ маданиятлар илк цивилизациялар даражасигача ривожланган ва бу жараёнда ташқи таъсир масаласи ҳеч бир тадқиқотчи томонидан инкор этилмайди. Ўрта Осиё қадимий маданиятларининг шаклланишида миграция жараёнлари ниҳоятда катта аҳамият касб этган ва унинг уч хил маъносини кўрсатиш мумкин:

---

[1] Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. 1993. – С. 187. Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, Фан, 1977. – 248 С. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962. Вып. 118. 278 с; Исаков А.И. Саразм. – Душанбе, 1991. – 328 С. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. – М., 1977. – С. 217; Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. – М., 1985. – С. 43–62; Литвинский Б.А. Бронзовый век // ИТН. Том I. – М., 1963. – С. 56-68; Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». – М., 1972. – С. 269. Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – С. 324. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. № 73. – С. 239. Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. – Ташкент, 1987. – С. 127. Сарианида В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – С. 184. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – С. 279. Хиберт Ф, Мур К. Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе (север) // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып.19. 1994. – С. 109–119; Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения в эпоху поздней бронзы. – Л., 1983. – С. 259. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннега железнего века. – Ташкент, 2000. – С. 119.

биринчиси, колонизация характерида бўлиб, шаклланган маданиятларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши билан изоҳланади;

иккинчиси, ташқаридан кириб келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан ўзаро алоқага кирмаган. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий аҳоли маданиятидан паст даражада бўлганлиги кузатилади;

учинчи, ҳолатда миграциялар илғор ривожланган цивилизациялар ҳудудидан бошланган, ушбу ҳолда маҳаллий аҳоли келгиндилар маданиятини қабул қилган ва ассимиляция-қоришиб кетиш жараёнлари бошланган[1].

Ўрта Осиёда қадимги цивилизацияларнинг шаклланишида миграция жараёнларининг ҳар учта кўриниши кенг археологик манбалар асосида кузатилади ва қуйида бу жараёнларни кўриб чиқамиз.

Умуман олганда, бронза даврига оид Қадимги Шарқ цивилизациялари минтақалари тарихи буюк миграция жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир[2]. Мил.авв. IV мингйилликда Мисрга янги қабилаларнинг миграцияси ва халқларнинг қоришуви натижасида этномаданий жараёнларнинг юз бериши, моддий маданиятда янги анъаналарнинг шаклланиши намоён бўлади ва тадқиқотчилар томонидан ҳақли равишда бу маданий қоришув Месопотамиядан келиб чиққан жамоалар билан юзага келганлиги таъкидланади.

Бронза даврида аккадликлар миграцияси ҳам кузатилади. Улар бевосита Шумер шаҳар-давлатлари, ибодатхоналаригача кириб борган ва натижада Месопотамия

---

[1] Кузьмина Е.Е. О некоторых археологических аспектах проблемы происхождения индоиранцев // Переднеазиатский сборник. Древняя и средневековая история и филология. – М., 1986. – С. 175; Титов В.С. К изучению миграций бронзового века. // Археология Старого и Нового Света. – М., 1982. – С. 99-100.

[2] Титов В.С. К изучению миграций бронзового века // Археология Старого и Нового Света. – М., 1982. – С. 89-145.

аҳолининг семитлашиш жараёнига асос солинган. Ундан сўнг гиксослар, касситлар, амморитлар, хурритлар, лувийлар ва албатта ҳиндевропаликлар ва ҳиндоарийларнинг миграцияси жараёнлари кузатилади[1]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, милоддан аввалги III мингйиллик охиридан бошлаб, Ўрта Осиёда ҳам ҳар хил маданият соҳибларининг, айниқса ҳиндоарийларнинг миграцияси кучаяди[2].

Ўрта Осиёда энг қадимги ўтроқ маданияти Жойтун деҳқончилик маданияти бўлиб, у Копетдоғ ёнбағирларида неолит давридан бошлаб, маҳаллий анъаналар асосида шаклланган. Ўтроқ деҳқончиликка асосланган маданият сифатида унинг тарқалиш географиясининг кенгайиши ва ривожланиши кузатилиб, у Жанубий Туркманистоннинг Сумбар ва Атрек дарёлари қуйи оқимидаги ҳудудларига тарқалади[3].

Окс-Амударё цивилизациясининг шаклланиши муаммоси археологлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда, ва шу нарса аёнки Бақтрия ва Марғиёнада бу цивилизациянинг тарихий илдизлари кузатилмайди. Шу нарса ҳам аниқки, тадқиқотчилар илдизи маҳаллий халқлар анъанаси билан боғланмайдиган маданиятларнинг асосини ташқаридан излайдилар. Кўпчиллик олимларнинг фикрига кўра, Окс цивилизацияси Қадимги Шарқ халқларининг миграцияси натижасидир[4].

---

[1] История древнего Востока. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации. Часть первая. Месопотамия / Под. ред. И.М.Дьяконова. – М., 1983; История древнего мира. Часть I. – М., 1983. – С. 148.

[2] Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. – М., - СПб. Летний сад, 2009. 557 с; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. –С. 224.

[3] Сарианиди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957гг // Тр. ЮТАКЭ, Т. Х. Ашхабат, 1960. – С. 34-48; Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989. – С. 291; 3.129. Массон В.М. Поселение Джейтун. – Л., 1971. – С . 324; Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.: – Л., 1962. – С. 423.

[4] У истоков цицилизации. Сборник статей к 75-летию В.И. Сарианиди. – М., 2004. – С. 466.

В.М. Массон Мурғоб воҳасида пайдо бўлган янги маданиятнинг илдизларини Копетдоғ ёнбағирларида неолит ва энеолит даврларида шаклланган маданият соҳибларининг миграцияси билан боғлайди ва Шимолий-шарқий Эрон ҳудудидан кўчиб келган аҳоли билан қоришуви натижасида Марғиёна археологик комплекси шаклланган деб ҳисоблайди[1]. А.А. Асқаров Марғиёнада шаклланган бу янги маданият Бақтрия бўйлаб тарқалган деган ғояни илгари суради[2].

В.И. Сарианиди Мурғоб воҳасининг Копетдоғ шимолий ёнбағирларида жойлашган Номозгоҳ ва Олтинтепа аҳолиси томонидан ўзлаштирилганлигини инкор этмаган ҳолда, БМАКнинг шаклланишини Эроннинг бронза даври ёдгорликлари билан боғлайди ва моддий маданиятдаги яқинликни ўз фикрига асос қилиб олади[3].

М.И. Филанович Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши тўғрисида шуғулланиб, миграция ғоясини қўллаб-қувватлайди[4]. Унинг фикрича, биринчи цивилизация ҳудудларида энг аввало иқтисодий таназзул, мумкинки табиатда юз берган ксеротермик ҳолат натижасида аҳолининг шимолга, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида миграция ҳаракатлари бошланган ва Марғиёна ҳамда Бақтриянинг деҳқончиликка қулай бўлган ҳудудларига келиб жойлашган. Окснинг биринчи цивилизациялар моддий маданиятига ўхшамаслигининг сабабини миграция давомида транзит

---

[1] Массон В.М. Адтындепе. – Л., 1981. – С. 91, 130–131.

[2] Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана – Ташкент, 1977. – С. 248.

[3] Сарианиди В.И. Первые индоиранцы в Центральной Азии. // Комплексные общества Центральной Азии в III-I тыс. до н.э. региональные особенности в свете универсальной модели // Материалы международной конференции. – Челябинск-Аркаим. 1999. – С. 276.

[4] Филанович М.И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – С. 22-32.

ҳудудлар моддий маданияти билан ассимиляциялашиш жараёнини бошидан кечирган деб ҳисоблайди.

Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши муаммоси археологик манбалар асосида ўрганилган. Олимларнинг фикрларига кўра, жамият тараққиёти, цивилизациялар бир гуруҳ "ижодкор гуруҳ"лар, даҳолар ва буюк инсонлар томонидан амалга оширилади[1]. Ўрганилаётган цивилизация энг қадимги, ёзувсиз даврларга оидлиги боис шахслар-даҳолар ҳақида гапириш ноўрин бўлса-да, таъкидлаш жоизки, бу цивилизация вакилларидан қолган меъморчилик бинолари, алоҳида сарой ёки ибодатхона сифатли, умумжамоа учун хизмат қилган бинолар "ижодкор гуруҳ"лар манфаати учун хизмат қилган бўлиши мумкин.

Урбанист олимлар томонидан ҳар бир цивилизациянинг вужудга келиш, ривожланиш, синиш, парчаланиш ва ҳалокати даври бўлиши таъкидланмоқда. Бизнинг фикримизча, ибтидоий жамиятдан цивилизация тараққиётга ўтиш даврида "ижодкор гуруҳ"лардан ташқари яна учта омил зарур бўлади. Биринчи ва энг асосийси табиий шароит бўлса, иккинчиси жамиятнинг ички тараққиёти ва сўнггиси жанговар қўшниларнинг ҳарбий хавфидир. Мана шу учта омил цивилизациянинг шаклланишини тезлатиши ва ёки секинлаштириши мумкин.

Бақтрия ва Марғиёнада илк бронза даврида аҳоли зич эмаслигини, деҳқончилик аҳолининг асосан Копетдоғ шимолий бағриларидаги текисликда яшаганлигини инобатга олиб, Окс-Амударё цивилизациясининг шаклланишида аҳоли миграциясини тан олиш лозим. Аммо, Қадимги Шарқнинг қайси ҳудудидан миграция бошланганлиги муаммоси баҳс-мунозараларга айланган.

Цивилизацияларнинг ривожланиш даври унинг "олтин даври" ҳисобланади. Шу даврда жамоанинг ягона мақсад сари бирлашуви жараёни кузатилади. Кам сонли йўлбошчилар жамиятни ривожлантириш ғояларини, йўлларини топади,

[1] Toynbee A.J. A Study of History. Vol.III. – P. 111.

жамоа эса уларга эргашади. Айнан ривожланиш даврида цивилизация намоён бўлади. Бизга маълумки, юнон цивилизациясига эстетика, ҳинд цивилизациясига диний ҳамоҳанглик, европа цивилизациясига илмий-техник хусусиятлар оид бўлса, Окс цивилизациясига яратувчанлик хусусиятлари хосдир.

Окс цивилизациясининг ўзига хос белгилари қуйидаги жиҳатларда кўринади:

– меъморий жиҳатдан симметрик услубда, юқори ривожланган мудофаа тизими анъанасида қалъа кўринишга эга бўлган ибодатхона ва саройларнинг бунёд этилиши (Жарқўтон саройи ва ибодатхонаси, Келели саройи ва ибодатхонаси, Даштли саройи ва қалъаси, Гонур ибодатхоналари ва саройи, Тўғолоқ ибодатхонаси ва бошқалар)[1];

Қадимги Шарқ меъморчилигида янгилик бўлган, фортификацияда уч қаторли мудофаа деворларининг лабиринт тизимда қурилиши фақат шу цивилизация вакилларига хосдир (Сополлитепа, Даштли)[2];

– гипс, тупроқ ва сомон қўшиб тайёрланган қоришмадан пол ясаш ва деворларини суваш анъанаси илк бор шу Бақтрия-Марғиёна меъморчилигида кузатилади[3];

– майитларни уй-жойларининг поллари, деворлари ва эшик жойлар тагига дафн этиш билан бирга алоҳида жойлашган катта қабристонларга ҳам кўмилган. Майитларни чақалоқ она қорнида ётгани сингари, ғужанак ҳолатда,

---

[1] Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. 1993. – 187 С; Сарианида В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – 184 С; Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 С.

[2] Аскаров А.А. Сапаллитепа..., ; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ...

[3] Huff D, Pidaev Ch, Chaydoullaev Ch. Uzbek-German arhaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l Asie centrale. – Paris, 2001. - Fig.10.

атрофига ҳар хил шаклли сопол идишлар, металл, тош, суяк, ёғочдан ясалган буюмлар, қурол-аслаҳа ва тақинчоқлар қўшиб кўмиш анъана бўлган[1];

– жинсий дифференция ниҳоятда кучли бўлган, аёллар чап, эркаклар ўнг биқини билан кўмилиши муқаррар белгилаб қўйилган[2];

– қабрларнинг 5–7 фоизини кенотафлар ташкил этган[3];

Окс цивилизациясида майитларга муносабат масаласида доимий инновацион ҳолатларнинг қабул қилиниши хосдир. Майитни хумга солиб кўмиш, бутун бўлмаган, таҳлаб қўйилган скелет суякларнинг учраши, скелет ўрнида ҳар хил ҳайвон суякларининг учраши (кўпроқ қўй), майит ўрнига лойдан ясалган ҳайкалларнинг қўйилиши, қабрда кул қолдиғининг кузатилиши, қабристонда марҳумларни куйдириш учун крематорияларнинг қурилиши каби белгилар инновацион жараёнлар жумласига киради[4];

– Бақтрия ва Марғиёна аҳолиси сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликни ҳар томонлама ривожлантирган ва Ўрта Осиёда ортиқча бойликнинг пайдо бўлишига олиб келган бир ер участкасидан бир неча маротаба ҳосил олиш усулини қўллашган[5];

---

[1] Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана – Ташкент, 1977. – С. 248.

[2] Алекшин В.А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М.: ИА АН СССР. 1977. – С. 21.

[3] Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Самарканд. ИА АН Уз.ССР. 1990. – С. 21.

[4] Avanesova N.A. Spatbronze zeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29,1997, – P.147-178.

[5] Массон В.М. Протобактрийский блок древневосточных цивилизаций (К выходу книгу: Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986) // Информационный бюллетень МАИКЦА Вып.14, М.: 1988. – С. 56-78.

– деҳқончиликда ерга ишлов беришда ҳайвон кучидан фойдаланишни бошлаб берган[1];

– кулолчилик ашёлари икки ярусли хумдонларда сифатли пиширилган ва бошқа маданиятларга хос бўлмаган бетакрор шаклларда ясалган. Узун қадаҳ, ваза, ҳар хил шакл бериб ишланган чумракли чойнаклар, конус шаклли идишлар шулар жумласига киради[2];

– гардишларига ҳар хил ҳайвонларнинг терракота ҳайкалчалари қўйиб ясалган сопол ва металлдан ясалган идишлар мажмуаси ҳам шу цивилизацияга хос бўлиб, у оксликларнинг зоолатрик мифологик дунёқарашларини ифода этади[3];

– кулолчилик буюмларининг стандарт шаклларда ясалиши ва оммавий ишлаб чиқарилиши ҳунармандлар уюшмасининг ва товар алмашиш муносабатларининг шаклланганлигини кўрсатади[4];

– металл, юмшоқ таркибли тошлар, сопол, суяк ва ёғочдан ясалган ҳар хил мифологик ва реал тасвирлар ифодаланган муҳр ва туморлар тасвирий санъатининг бетакрор жиҳатидир. Окс глиптикасида анъана ва инновацион жараёнлар ниҳоятда яхши кузатилади. Хараппа маданиятининг цилиндрик шаклли муҳрлари, қаҳрамон - паҳлавонларнинг ҳайвонот дунёси билан жанги ифодаланган Сурия тасвирлари анъанаси шулар жумласидандир[5];

– ҳар хил юмшоқ таркибли тошлардан ясалган, юнон меъморчилик маданиятига хос бўлган устунлар кўринишидаги буюмлар. Улар бошқа маданиятлар моддий

---

[1] Аскаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд. – 1993. – С. 187.

[2] Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, ИА АН РУз. ССР 1987. – С.19.

[3] Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. - Athens, 1998. – P. 241.

[4] Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 184.

[5] Сарианиди В.И. Змеи и драконы в глиптике Бактрии и Маргианы // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего Востока. – М., 1986. – С. 66-71.

маданиятида учрамайди ва бажарган вазифасига кўра, илоҳийликка дахлдор деган фикр тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади[1].

Бақтрия-Марғиёна жамоалари маданий алоқалар Евро-осиёнинг Андроново дашт қабилалари, Хараппа ва Элам маданиятлари билан иқтисодий-маданий алоқаларни ривожлантирган[2].

А.Ж. Тойнбининг кузатувларига кўра, цивилизацияларнинг ривожланиш, "олтин даври"дан сўнг унинг "брэкдавн", яъни синиш даври бошланади. Бу давр жамоани бошқарувчи ижодкор гуруҳларнинг азалий тақдирий хатолари даври бўлиб, сабабларини ташқаридан эмас, балки жамиятнинг ичкарисидан қидириш керак бўлади ва жамиятшунос олим буни кўпроқ психологик ҳолатлар билан боғлайди[3]. Эришган ютуқлардан эсанкираш, ўзларига ҳаддан ташқари ишонч, кўпроқ ўз манфаатларини қондириш истагининг устунлиги натижасида бошқарувда эпчиллик, уддабуронлик, тадбиркорлик ва мослашувчанлик хусусиятлари йўқолади.

Археологик жиҳатдан Жарқўтон жамоасида ҳам шу ҳолатни меъморчилик иншоотлари асосида кузатиш мумкин. Д. Хуфф томонидан очиб ўрганилган, пол ва деворлари оқ гипс билан сувалган, "оқ сарой"ни эслатувчи катта бинонинг кўп ишлатилмай бузиб ташланиши ва ўрнига янгисининг бунёд этилиши бошқарувчиларнинг ўз яшаш шароитларини яхшилаш учун ҳаракатлари деб баҳоланиши мумкин[4]. А. Тойнбининг тадқиқотларига қараганда тарихдаги барча цивилизацияларга синиш ҳолати характерлидир[5].

---

[1] Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. - Athens, 1998. – P. 241.

[2] Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. – М., – СПб. Летний сад, 2009. – 557 С. Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? – М., 1994. – С. 224.

[3] Toynbee A.J. A Study of History. Vol.III. – P. 120.

[4] Huff D, Pidaev Ch, Chaydoullaev Ch. Uzbek-German arhaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l Asie centrale. - Paris, 2001. - Fig.8.

[5] Toynbee A.J. A Study of History. Vol.III. – P. 128.

Цивилизациянинг "брэкдавн"дан кейинги ҳолати "дезинтеграция", яъни парчаланиш давридир[1]. Назариётчи, урбанист олимларнинг тадқиқотлари бўйича цивилизациянинг бу даврига келганда ижодкор камчиллар жамоанинг янада ривожланишига йўналиш бераолмай, жамоа олдидаги магик хусусиятларини йўқотиб боради ва ҳокимиятни куч билан бошқариш йўлига ўтади. "Ижодкор бошқарувчанлик" хусусиятидан "буйруқ асосида бошқарувчилик" ҳолатига ўтади. Бу ҳолатда цивилизацияда бирлик йўқолади, кўпчилик халқда ихтиёрий бўйсунувчанлик истаги сусаяди, омма бирлиги пасаяди, бўлинишлар, кризислар даври бошланади.

Дезинтеграция (парчаланиш) даврининг биринчи босқичида қоронғулик юз беради. Ички низолар, қўзғолонлар, ташқи ва фуқаролар урушлари, революциялар худди шу даврда юз беради. Динлар ўзининг илоҳийлик хусусиятларини йўқотиб боради, жамоада ҳар хил "касалликлар" ортиб, нафақат жамият балки санъат соҳаларида ҳам варварлашиш жараёни юз беради.

Буюк кишиларнинг, ижодкор шахсларнинг фаолиятлари бу вақтда тўхтаб қолмайди, аммо уларнинг ҳаракатлари жамиятни ривожлантиришдан кўра қутқариб қолиш муаммоларига қаратилган бўлади. Уларнинг бу ҳаракатлари вақтинчалик мувафаққиятларга олиб келиши мумкин, аммо тубанликка юз тутган цивилизацияни ҳалокатдан қутқариб қолаолмайди. Вақт ўтиши билан янги ижодий фикрловчилар, иккиламчи цивилициялар пайдо бўлади[2].

Давлатчилик сари дадил ривожланиш йўлидан борган цивилизацияларнинг ижтимоий ҳолатини К. Ренфрю, К. Кристенсен ва В.М. Массон аввал «chiefdom», кейинги асарларида эса "илк ривожланган жамоа" деб белгилашган[3].

---

[1] Toynbee A.J. A Study of History. Vol.III. – P. 134.

[2] Toynbee A.J. A Study of History. Vol.III. – P. 316.

[3] Renfrew C. Before civilization: radiocarbon revolution and prehistoric Europe. – New York. 1973; Kristens H. Chiefdoms, States and social evolution. // Earle T. (ed.) Chiefdoms: power, economy and ideology. Cambridge. 1991.

Окс цивилизаациясига ҳам "илк ривожланган жамоа" хослиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган[1]. Бу цивилизацияда ёдгорликлар иерархияси мавжуд. Ҳар бир деҳқончилик ўлкасида бир ёдгорликнинг шаҳар сифатида гегемонлик вазифасини бажарганлиги, ибодатхона ва саройларда фаолият кўрсатган диндорлар ва ҳукмдорларнинг, бой қабрларнинг мавжудлиги ривожланган бошқарувга эга эканлигини тасдиқлайди. Ибодатхоналар қадимги Месопотамия ва Мисрдаги сингари хўжаликни ташкиллаштирувчи вазифани бажарган.

Окс цивилизацияси иккита тарихий ўлкада Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларини бирлаштирган, биринчисининг маркази Гонур бўлса, иккинчисиники Жарқўтон илк шаҳарлари ҳисобланади. Иккита марказда ҳам бир хил ҳолат, ибодатхона ва саройларнинг ўрганилиши шаҳар бошқарув тизимида диний ишлар мутасаддилари – мубодлар (коҳинлар) ва ҳукмдорлар бошқарганлиги кузатилади. Илк давлатчилик муносабатларининг шаклланиши даврида ҳукмдорлар ва коҳинлар алоҳида ижтимоий гуруҳлар сифатида бўлинмаганлигини инобатга олсак бу ёдгорликларда сарой ва ибодатхоналарнинг ёнма-ён, гоҳида битта монументал бинода фаолият кўрсатиши табиий ҳолдир[2]. Ижтимоий тарихий жараёнлардан маълумки, коҳинларнинг ибодатхона хўжаликларини ўз хусусий ерларига айлантириши натижасида янги ҳукмдорлар – шоҳларнинг шаклланишига олиб келган. Кучайиб келаётган янги коҳин-шоҳлар ён атрофдаги ерларни эгаллаб, ўз ҳокимиятларини бутун дарё ҳавзаларига ёйган. Шу тариқа бир ёки бир неча кичик дарё

---

[1] Массон В.М. Феномен ранних комплексных обществ в древней истории. // Социогенез и культурогенез в исторической перспективе. – СПб., 1991.

[2] Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д.и.н. – Самарканд, 2009.

ўзанида илк давлатлар пайдо бўлган[1]. Гонур ва Жарқўтон ёдгорликларида мубодлар ва шоҳларнинг бир бутунлиги, жамиятни бошқариш ва ривожлантиришда ягона мақсад сари бирга хизмат қилганлиги кузатилади, аммо жамоани бошқаришда ҳарбийларнинг, ҳукмдорларнинг ҳарбий ҳолатда бўлганлиги сезилмайди.

Окс цивилизацияси иқтисодининг асосини деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари ҳунармандчилик ва савдо ташкил қилган. Маданий алоқа ва савдо муносабатларида яқин ҳамда узоқ халқлар билан ҳам маданий алоқалар ўрнатилган (Яқин Шарқ, Элам, Ҳиндистон). Жамиятдаги ижтимоий дифференция синфий характерда бўлмаган. Илк шаҳар-давлатларни бошқаришда бюрократик институтлар шаклланмаган.

Таҳлил қилиб ўтганимиздек, бу цивилизация ҳамма цивилизациялар сингари ўз бошидан туғилиш, тарқалиш, етилиш, кризис, емирилиш босқичларидан ўтган ва тарих саҳнасидан жамиятдаги ўз ички низолари ва ташқи таъсир натижасида ҳалокатга учраган. Бунинг сабабларини Евроосиё минтақасидан дашт чорвадор қабилаларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳолати ва этник диффузиясининг содир бўлганлигида деб биламиз.

Евроосиё чўл минтақаларида ҳам мил.авв. II мингйилликда "илк ривожланган жамоа" ўрнатилганлиги кузатилади. Аммо уларнинг ривожланиш йўли ва тақдири Ўрта Осиё илк цивилизацияларидан тубдан фарқ қилган. Евроосиёда "илк ривожланган жамоа"нинг туғилиши, тарқалиш нуқтаси Андроново маданияти асосида шаклланган Синташта-Аркаим минтақаларидан бошланган[2]. Кўчманчилар ижтимоий ҳаётида юз берган бу

---

[1] Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. 1963. № 1. – С. 34; Қудратов С. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // O'zbekiston tarixi. 1999, №4, – Б. 3.

[2] Зданович Г.Б. Южное Зауралье в эпоху средней бронзы. // Комплексные общества Центральной Азии. – С. 42-43; Генинг В.Ф. Могильник Синташта и пролблемы ранних индоарийских племен. // СА. 1974. № 4. – С. 55.

революцион жараёнлар асосида чорвачиликнинг, асосан йилқичиликнинг жадал тараққиёти, деҳқончилик, металл ишлаб чиқариш, аҳоли сонининг ошиши, ижтимоий тараққиёт, аристократиянинг шаклланиши, аравали ҳарбийлар гуруҳи намояндаларининг шаклланиши каби омиллар ётади. Бу тараққиётда аҳоли гуруҳлари орасида ўзаро алоқа йўлларининг қурилиши ҳам энг асосий факторлардан бири бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бу борада жанубий йўналиш энг асосий йўллардан ҳисобланган. Мил.авв. II мингйилликнинг бошларида Ўрта Осиёда пайдо бўлган, кўчманчи маданиятларга хос бўлган ёдгорликларнинг шаклланиши шундан далолат беради[1].

Юқорида эслаб ўтганимиздек, бронза даврида юз берган аҳоли миграцияларининг иккинчи кўринишида, яъни ташқаридан келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан алоқага кирмайди. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий халқлар маданиятидан паст даражада бўлиши кузатилади деб таъкидладик. Бу миграцияга Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келиши тўлиқ мисол бўлади[2]. Тошкент, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида айрим гуруҳларнинг келиб ўрнашиши кузатилган бўлса, Орол бўйларига келиб жойлашган Андроново маданияти аҳолисининг ўтроқ жануб аҳоли билан ўзаро маданий алоқалари натижасида маҳаллий, термачилик ва овчилик билан шуғулланиб келган Калтаминор маданиятининг емирилишига олиб келганлигини айтишимиз мумкин[3]. Худди шу жараён Хисор маданияти мисолида ҳам кузатилади.

Кўчманчи қабилалар ўтроқ, илк шаҳар маданияти ва цивилизацияга эришган халқлар билан ёнма-ён яшаб тўлиқ

---

[1] Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. – М., – СПб. Летний сад, 2009. – С. 557

[2] Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? – М., 1994. – С. 224.

[3] Филанович М.И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – С. 22-32.

ассимиляция жараёнини бошидан кечирган. Дашт қабилалар билан Окс цивилизацияси ўртасидаги моддий маданиятнинг яқинлашиши, ўзаро бир-бирига таъсири масаласи кулолчилик, металлсозлик соҳаларида кузатилган ва мутахассислар томонидан ўрганилган[1]. Кўчманчи Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга миграцияси босқинчилик ва уруш характерида бўлмай, ташкилий ва бир неча йўналиш ва тўлқинлар жараёнида кечганлиги ойдинлашмоқда. Улар нафақат бу минтақага келиб жойлашган, балки маҳаллий маданият вакиллари билан ўзаро маданий алоқалар ўрнатган ва икки халқ ўртасида этник аралашув жараёнлари юз берган. Натижада, икки илдизли қоришган (синкретик) маданиятлар юзага келган. Бу жараён Жанубий Тожикистон ҳудудида жойлашган Тулхар, Бабашов қўрғони, Бишкент ва Вахш маданиятлари мисолида жуда яхши ўрганилган[2]. Бу маданиятларнинг қабрларида дашт қабилаларига хос бўлган кремация, ўтроқ аҳолига хос бўлган ингумация бир хил қўлланган. Ўтроқ ва кўчманчи қабилалар бир ҳудудда яшаган, ўзаро бир-бирига таъсири натижасида аралаш жамоа ҳосил бўлган. Бу Ўрта Осиё маданиятлари генезисида юз берган энг биринчи йирик ассимиляция – қоришиб кетиш жараёни бўлиб, бу жараёнда миграция бош ролни ўтаган. Ўрта Осиё қадимги халқларининг кейинги иқтисодий, маданий, этник шаклланиши тарихида йўналиш бўлиб хизмат қилган.

Окс цивилизациясининг маҳаллий илдизлари. Иқтисодий базаси деҳқончиликка ва шу асосда урбанистик йўл билан ривожланиб, илк шаҳар маданиятига кўтарил-

---

[1] Рахманов У., Шайдуллаев Ш. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры. // Общественные науки в Узбекистане. 1985. № 11. – С. 62.

[2] Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. – Л., 1968. – С. 135; Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры. // Археологические вести. СПб., 1995. № 4. – С. 63; Lyonnet B. Prospections archeolgiques en Bactriane Orientale. Vol. 2. Ceramique et peuplement du Chlcolitihique a la cjnquetarabe. – Paris 1997. – P. 74.

ган цивилизацияларнинг илдизларини аниқлашда жамоаларнинг ривожланишини кузатиш аниқ маълумотлар беради. Бу соҳада ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб тарих ва археология фанларида француз тадқиқотчиси Ж. Дюмезилнинг бронза даври деҳқончилик жамоалари аҳолисининг ижтимоий таркиби тўғрисидаги тадқиқотлари чоп этилди[1]. У ҳиндоарий ва ҳиндоэранларни учта қатламга бўлади – диндорлар, ҳарбийлар ва меҳнаткаш аҳоли. Аммо, археологик тадқиқотлар натижасида француз социологи фикрларининг кўп жиҳатлари тасдиқланмади ва деҳқон жамоалари аҳолисининг вертикал ва горизонтал қатламлари мавжуд эканлиги, кўп қатламли эканлиги ойдинлашмоқда[2].

Тарихий антропология ва этнография фанлари соҳаларида ибтидоий жамиятдан синфий жамиятга, давлатчиликка ўтиш даври аҳолисининг таркиби тўғрисидаги тадқиқотлар олиб борилиб жуда кўплаб ғоялар айтилди. Ҳозирги кунда уларнинг қайси бири тўғри, жамият тараққиёти учун қайси бирини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳам қийин масалага айланиб бормоқда. Жумладан, "умумлашган жамоа", "илк синфий жамоа", сардорлик – "вождество", "илк давлатлар" каби ижтимоий атамалар пайдо бўлди[3]. Эслаб ўтилган иборалар билан бирга деҳқончилик жамоалари учун

---

[1] Dumezil G. L' Ideologictripartie des indo-europeens. – Bruxelles, 1958.

[2] Медведев А. П. В поисках древнейших социальных структур индоевропейцев // Вестник ВГУ. Сер. 1, Гуманитарные науки. – Воронеж,1997. С. 99-113; Медведев А. П. Об атрибуции "жреческих" погребений у ираноязычных номадов II-I тысячелетия до н. э. // Ист. записки. – Воронеж,1997. Вып. 2. – С. 165-171.

[3] Куббель Л. Е. Очерки потестарной и политической этнографии. – М., 1988; Павленко Ю. В. Раннеклассовые общества (генезис и пути развития). – Киев, 1989; Павленко Ю. В. Архаическое общество: узловые проблемы социологии. – М., 1991. Вып.1-2; Павленко Ю. В. Ранние формы социальной стратификации. – М., 1993; Крадин Н.Н. Вождество: современное состояние проблемы изучения // Ранние формы политической организации. – М., 1995. – С. 1-61; Крадин Н. Н.Альтернативные пути к ранней государственности. – Владивосток, 1995; Крадин Н Н. Потестарность: генезис и эволюция. – СПб. 1997.

“цивилизация” тушунчаси ҳам қўлланила бошландики, бу қараш жамиятнинг формацияли ривожланиш қонуниятига қарама-қарши қўйилмоқда.

Цивилизация ибораси ўтроқ жамоалар билан бир қаторда кўчманчи жамоалар учун ҳам кенг қўлланила бошланди[1]. Натижада фанда уларга нисбатан “кўчманчи чорвадорлар цивилизацияси”, “кўчманчи мегацивилизация”, “протоцивилизация”, “протошаҳар цивилизацияси” “цивилизациянинг қадимги ўчоқлари”, “цивилизацион жараёнлар”, “аравалашган цивилизация”, “шаклланмаган цивилизация” каби тушунчалар ҳам пайдо бўлди[2]. Натижада, жамиятга оид цивилизация иборасининг ҳақиқий луғавий маъноси унутилиб, бу сўзнинг эвристик, жозибадорлик хусусиятлари ҳам йўқолиб бормоқда.

Цивилизацион тараққиёт борасида илмий тадқиқот олиб борган тадқиқотчиларнинг асарлари таҳлили бўйича унинг қуйидаги тушунчалари, кўринишлари мавжуд эканлиги тўғрисида мулоҳаза қилиш мумкин:

Тарихий-даврий – илк синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг шаклланиши жамият тараққиётининг сифат ўзгаришлари давридан бошланади ва цивилизацияга инсоният тарихининг энг ривожланган босқичи сифатида

---

[1] Мартынов А. И. Степи Евразии в истории человечества // Проблемы археологии Степной Евразии. Кемерово, 1987. Ч. 1. – С. 3-8; Мартынов А. И.О степной скотоводческой цивилизации I тыс. до н.э. // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата, 1989. – С. 284-291; Башилов В. А. Можно ли считать скифо-сибирский мир “цивилизацией кочевников”? // КСИА АН СССР. 1993. № 207. – С. 36-37; Зуев В. Ю. К вопросу о “скифской цивилизации” // Древние культуры и их археологическое изучение: Материалы к пленуму ИИМК 26-28.11.1991. – СПб., 1991. – С. 58-63.

[2] Зданович Г. Б. Феномен протоцивилизации бронзового века Урало-Казахстанских степей. Культурная и социально-экономическая обусловленность // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. – С. 179-189; Буровский А. М. Степная скотоводческая цивилизация: критерии описания, анализа и сопоставления // Цивилизации. – М., 1997. Вып. 3. – С. 151-164.

қаралади. Бу тушунча ўз илдизларига кўра А. Фергюсон, Л. Морган, Ф. Энгельсларнинг жамият тараққиёти ҳақидаги уч босқичли, "ёввойилик–варварлик–цивилизация" тушунчасига бориб тақалади[1].

Культурологик тушунчаси – О. Шпенглер ва А. Тойнбиларнинг қарашлари бўйича дин маданиятнинг энг олий категорияси бўлиб, цивилизация ҳам бетакрор ва ўзига хос жиҳатлари билан маданиятнинг жамиятдаги кўринишидир[2].

Аксиологик тушунчада – цивилизацияга бутун жаҳонда кечаётган, инсонларнинг кунлик ҳаёт ташвишлари, моддият тарзида маданият категориясига қарши қўйилади ва илоҳий сифатлар берилади (И. Кант)[3].

Французча тушунчаси – француз тилида "civilisation" ибораси жамият тараққиётидан қатъий назар унинг ҳар қандай даври учун ишлатилади[4]. Шу маънода француз олимлари томонидан Африка тропик минтақалари учун қўлланилган "ўрмон цивилизацияси", "ёй цивилизацияси", "омбор цивилизацияси" каби ибораларнинг қўлланилиши табиий ҳолдир[5].

Ўрта Осиё археологияси, Ўзбекистон тарихи фанида ҳам цивилизация ибораси кенг қўлланилмоқда, жуда кўплаб археологлар ўзлари ўрганаётган бронза даврига оид маданиятлардан цивилизацияга оид белгиларни топишга харакат қилишмоқда. В.М. Массоннинг асарларида бу масала кенг, илмий, назарий ва археологик манбалар асосида ёритилган[6].

---

[1] Энгельс Ф. Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши // Маркс К., Энгельс Ф. Асарлар тўплами. Том 21. - Б. 169-218.

[2] Toynbee A.J. A Study of History. Vol.III. – P. 111.

[3] Энгельс Ф. Оила, хусусий мулк ва давлатларнинг пайдо бўлиши ... Б. 169-218.

[4] Французча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 1979. – 127 бет; Starobinski J. Lemot civilisation // Le temps de la riflexion. – Paris, 1983.T. 4. – P. 30.

[5] Маке Ш. Цивилизации Африки южнее Сахары. – М., 1974.

[6] Массон В. М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ // Вестник РГНФ. 1998. № 3. – С. 41-47; Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.

Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиё археологиясида, яъни бронза даврига оид деҳқончиликка асосланган маданиятларни, жумладан "Окс-Амударё цивилизация"-сининг илдизларини аниқлашда унинг учта жиҳатига эътиборни қаратишимиз керак:

биринчиси, шу ҳудудда ўрганилган, олдинги даврларга оид маданиятларнинг моддий маданияти билан солиштириш;

иккинчи йўли Қадимги Шарқ цивилизациялари моддий маданияти билан таққослаш;

учинчиси шу ҳудудда ўрганилган, кейинги даврларга оид, ёзма манбалар ёрдамида асосланган цивилизациялар билан қиёслаш.

Биринчи йўналиш борасида бизга Жанубий Туркманистон ҳудудида жойлашган, энеолит ва илк бронза даврларига оид Олтинтепа ёдгорлиги моддий маданияти билан Окс цивилизацияси моддий маданиятининг асосий жиҳатларини таққослаш ва хулосалар олиш услубидир.

Олтинтепада ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, бу ёдгорликда мил.авв. III мингйилликнинг иккинчи ярмида, ўрта бронза даврида протоцивилизацияга асос солинганлиги исботланган[1]. Умумий майдони 25 гектар бўлган бу ёдгорликда монументал меъморчиликка эга бўлган ибодат маркази, табақалашган жамиятни кўрсатувчи, уй қурилиши услублари, юқори ривожланган коммуникация, кенг кўчалар, аравалар ҳаракатига мўлжалланган ва юқори фортификация – мудофаа услуби асосида қурилган шаҳар дарвозаси каби меъморий мажмуалар ўрганилган. Ёдгорлик аҳолисининг иқтисодий асосини деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари ҳунармандчилик (кулолчилик, металлсозлик, тошга ишлов бериш) ташкил этган. Ривожланган, дифференциялашган ижтимоий жамиятга, мураккаб мафкуравий тасаввурларга эга бўлган, ёзув соҳасида белгили тизимнинг шаклланишига асос солган

[1] Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. – Л.: 1981. – С. 324.

аҳоли истиқомат қилган. В.М. Массоннинг фикрига кўра, Олтинтепа Қадимги Шарқ тизимидаги, Месопотамия, Элам ва Ҳинд водийсига нисбатан иккиламчи, чеккада жойлашган ёдгорлик.

Бу ёдгорликда Л.Б. Кирчо тадқиқот ишларини давом эттириб энг янги фан янгиликларини қўлга киритди[1]. Унинг маълумотларига қараганда, Олтинтепа ёдгорлигига энеолит даврининг бошларида асос солинган. Шу даврда Жанубий Туркманистон ҳудудида Номозгоҳ, Даштлижи, Яланғоч, Қоратепа каби бир қатор ёдгорликларда ҳам деҳқон қабилалар истиқомат қилишган. Олтинтепада мил. авв. IV-III мингйилликларда ҳаёт узлуксиз давом этган. Маданий қатламнинг умумий қалинлиги 12 метрни ташкил этади, шаҳар ҳудудида 17 марта қайта қурилиш бўлганлиги кузатилган ва унинг ҳудуди доимий кенгайиб борган[2].

Ёдгорликни ўрганиш давомида унинг илк даврларида кичик оилаларнинг мавзе бўйлаб жойлашганлиги кузатилган. Бу ҳолат кичик оилалар бирлашиб ягона хўжалик юритганлигидан далолат беради. Илк бронза даврига келиб оилалар яшайдиган уйларнинг кўлами ошган, ҳовлилар пайдо бўлган. Бу оила хўжалигининг шаклланганлигини тасдиқлайди. Ҳар бир мавзеда ибодат марказлари барпо этилган. Ҳукмдор аёллар ҳам бўлганлигини тасдиқловчи манбалар, яъни бой қабрлар ҳам учрайди[3].

Аҳоли асосан чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Қурилиш ягона режа асосида олиб борилган, қурилиш услубларининг топилиши ва режалаштирилган қурилиш усули бундан далолат беради.

---

[1] Кирчо Л.Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации бронзового века Средней Азии (по материалам Алтын-депе) // У истоков цивилизации. – М., 2004. – С. 142-160.

[2] Кирчо Л.Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации ... – С.153.

[3] Кирчо Л.Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации ... – С. 154.

Албатта, мудофаа девори ва йирик ибодатхона жамоа меҳнат маҳсулидир.

Хунармандчиликнинг энг оғир ва нозик турларидан бири металсозлик ривожланган. Ҳар хил меҳнат ва жанг қуроллари, тақинчоқлар, муҳрлар шундан далолат беради. Муҳрлардаги тасвирлар, ойналардаги безаклар қолипли, қуйма металлсозликнинг шаклланганлигини тасдиқлайди.

Тошторошликда Копетдоғ тоғ жинсларига хос бўлган гипс, диорит, гранитлардан ҳар хил меҳнат ва жанг қуроллари ясалган. Мармар, доломит каби тошлардан мунчоқ, урчуқ бош, митти идишлар, муҳрлар, шамдонлар, антропоморф шаклли ҳайкаллар ясалган. Стеотит, агат, халцедон, сердолик, ложувард каби қимматбаҳо тошлар маданий алоқалар натижасида олиб келинган ва улардан тақинчоқлар ясалган. Тошларнинг хилма-хиллигига монанд унга ишлов бериш технологияси ҳам ривожланиб борганлиги кузатилади[1].

Кулолчилик энеолит давридан токи ёдгорликнинг сўнгги давригача маҳаллий ҳунармандчилик анъаналари асосида ривожланиб борган. Илк бронза даврида сопол чархи ва икки ярусли хумдонлар кашф этилади. Техник ва технологик жиҳатдан амалга оширилган бу янгиликлар кулолчилик ашёларининг сифат ва сон ўзгаришларига олиб келган. Энеолит даврига хос бўлган қўлда ясалган ва ташқи тарафдан бўёқлар билан безалган сопол идишлар ўрнига чархда ясалган, бежирим шаклли қадаҳ ва ваза сингари идишлар ясала бошлайди.

Олтинтепа ёдгорлигида В.М. Массон ва Л.Б. Кирчо томонидан олиб борилган тадқиқотларга шундай хулоса қилса бўладики, бу ерда энеолит даври давомида маҳаллий маданият шаклланган, бронза даврига келиб "протошаҳар" даражасигача ривожланган, илк цивилизациясига асос солинган ва мил.авв. III мингйиллик охиригача давом этган.

---

[1] Кирчо Л.Б. Формирование древнейшей протогородской цивилизации ... – С. 156.

Демак, Олтинтепа ёдгорлигида Окс цивилизациясига хос бўлган жуда кўплаб анъаналарга асос солинган. Булар шаҳарсозлик (қурилиш услублари, монументал меъморчилик, мудофаа иншоотлари), ҳунармандчиликнинг энг асосий йўналиши бўлган кулолчиликда икки ярусли хумдоннинг, сопол чархининг кашф этилиши ўз илдизларига кўра маҳаллий аҳолига хос, тошторошлик ҳунарини санъат даражасига кўтарган қабилалар ҳисобланади, Олтинтепада шаклланган муҳр ясаш техникаси ва технологияси, уларда ифодаланган тасвирлар Окс цивилизацияси глиптикасида тўлиқ қайтарилади.

Аммо, Окс цивилизациясининг тадқиқотчилари унинг илдизларини ташқаридан излайдилар. Бунинг асосий сабаблари, мазкур цивилизацияси фортификациясидаги лабиринт тизим, сопол буюмлар гардишидаги зооморф терракоталар, кичик шаклли устун тагкурсиси, муҳрлардаги ўзгаришлар, хуллас Олтинтепа ва Окс цивилизацияси ёдгорликлари моддий маданиятидаги "номутаносибликлар" тадқиқотчиларга янги цивилизациянинг илдизларини Қадимги Шарқ халқларининг миграциясидан излашларига асос бўлган.

Археология фани далиллар асосида хулосалар чиқаради. Шу жиҳатдан археолог тадқиқотчиларнинг фикрлари тўғридир. Олтинтепа сополлари билан Окс цивилизацияси сополлари шакл жиҳатидан бир-бирига тўлиқ мос келмайди, шунингдек, Окс-Амударё цивилизацияси меъморчилиги, саройлар ва ибодатхоналарнинг қурилишида ҳамда тасвирий санъат намуналарида ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

7. ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ МИГРАЦИЯЛАР ТИЗИМИДА

Мазкур китобнинг олдинги бандларида Марказий Осиёнинг жанубий вилоятлари мисолида миграцияларнинг асосий сабаблари ва йўналишлари масаласи кўриб чиқилган. Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, аҳолининг бир географик жой, ҳудуддан иккинчисига кўчиши инсоният тарихида кенг ривожланган бўлиб, кўп ҳолларда маданият ва иқтисодий юксалишга хизмат қилган[1]. Миграция жараёнлари неолит, энеолит ва бронза даврларида босқичма-босқич кучайиб, кенг ҳудудларда юз берган[2].

Тарихий жараёнлар шундан далолат берадики, туб жойли – автохтон маданиятлари миграциялар таъсирида янги анъаналар билан бойитилган, шу боис хўжалик ва ҳунармандчилик соҳалари ҳамда моддий ва маънавий маданият ўзгариб турган[3].

Қадимдан Хоразм воҳаси миграциялар чорраҳасида жойлашган. Воҳа ҳудудлари сўнгги палеолит, мезолит ва неолит даврлари термачилари ва овчиларининг кўчиб юриши натижасида ўзлаштирилади. Калтаминор маданиятига оид неолит даври маконлари Юқори Узбой, Жанубий Оқчадарё ҳавзалари, Қизилқум ва Қуйи Зарафшон ерларида тарқалади. Қизилқумнинг жануби-

---

[1] Покшишевский В.В. Картографирование миграций и его этнические аспекты // Проблемы этнической географии и картографии. – М.: Наука, 1978. – С. 86-87.

[2] Мерперт Н.Я. Миграции в эпоху неолита и энеолита // СА. – М., 1978. № 3. – С. 9-27.

[3] Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005. – С. 32-33.

ғарбий қисмида топилган ёдгорликлар анча қадимги бўлиб, мил.авв. VI–V мингйилликларга оиддир[1].

Нисбатан кенг ҳудудда ёйилган Калтаминор маданияти жамоаларининг гуруҳлари умумий турмуш тарзи ва хўжаликларга эга бўлганлар. Уларнинг турмуш тарзи мавсумий кўчиб юриш билан изоҳланади. Бундай одат овчилик, балиқчилик ва термачилик шароитидан келиб чиққан. Неолит даври уруғ жамоалари истиқомат қилган жойларнинг оралиғида ўзлаштирилмаган ҳудудлар мавжуд бўлган. Табиий манбалардан фойдаланиш ҳудудларининг кенгайиб бориши натижасида, хўжалик заруриятлари мақсадларида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган балиқчи ва овчиларнинг турли гуруҳларининг ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ривожланган.

Калтаминорликларнинг Шарқий Каспийбўйи, Қуйи Зарафшон, Зарафшон тоғининг шимолий ёнбағирларида неолит даврига мансуб Сазағон маданияти аҳолиси билан алоқалари мавжуд бўлган[2]. Неолит даврида турли қабилаларнинг ўзаро маданий-иқтисодий муносабатлари алоқа йўллари орқали амалга оширилган[3].

Бундан кўриниб турибдики, Жанубий Оролбўйи ҳудудлари аҳоли миграциялари туфайли ўзлаштирилган. Вақт ўтиши билан, кўчиб юриш турмуш тарзи ва иқтисодий алоқалар натижасида, дастлаб ўзлаштирилган ҳудудларнинг чегаралари кенгайиб борган.

Тарихий-этнографик маълумотларда ўз аксини топган миграцияларнинг шакллари турлича бўлиб, қуйидаги мазмуни билан изоҳланади:

---

[1] Виноградов А.В. О распространении ранненеолитических комплексов дарьясайского типа (по материалам работ 1970 г.) // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1972. Вып. 1. – С. 32-34.

[2] Холматов Н.У. Маданий алоқадорлик. Сазағон ва Калтаминор // Жаҳон маданияти тарихи тизимида Хоразм цивилизациясининг ўрни: Халқаро симпозиум материаллари. – Нукус: Бўстон, 2000. – Б. 24-27.

[3] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 22-24.

1. Муайян маданий-хўжалик доирасида келгинди қабилалар туб жой аҳоли гуруҳларини сиқиб чиқарадилар ва ўз моддий маданият анъаналарини сақлаб қоладилар.

2. Умумий маданий-хўжалик доирасида келгинди гуруҳлар туб жой аҳоли вакиллари билан қоришиб кетиши сабабли янги маданият шаклланади.

3. Юқори даражада ривожланган тарихий-маданий вилоятдан маданий-хўжалик жиҳатдан қолоқ ўлкага миграция натижасида, келгинди ва маҳаллий аҳолининг қоришиши ҳамда илғор маданий анъаналарнинг ёйилиши.

4. Қолоқ маданий-хўжалик доирасидан маданий жиҳатдан жадал ривожланган вилоятларга миграциялар туфайли келгинди қабилалар маҳаллий маданият анъаналарини ўзлаштиради, маънавий маданият, дафн маросимлари ва эътиқодлар ўзгаради[1].

Бронза даврида Жанубий Оролбўйи ҳудудларини ўзлаштириш жараёнлари тинч шароитда амалга оширилган. Антропологик тадқиқотларга кўра, бронза даври Оқчадарё ҳавзасида Андроново маданияти европеоид ирқига мансуб ва Шарқий Ўртаер денгизи ирқига оид одамлар истиқомат қилганлар[2].

Андроново антропологик қиёфали аҳоли гуруҳлари дастлаб Волгабўйи, Жанубий Урал ва Марказий Қозоғистон дашт ҳудудларидаги Срубная (Ёғочбанд) – Андроново маданиятлари доирасида тарқалганлиги маълум. Мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида Андроново маданияти қабилаларнинг миграциялари натижасида, мазкур ирққа мансуб аҳоли вакиллари Жанубий Оролбўйи ҳудудларида ёйилган.

Шарқий Ўртаер денгизи ирқига мансуб қабилалар Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида тарқалган. Шу сабабли

---

[1] Кузьмина Е.Е. Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических данных // Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. – М.: Наука, 1981. – С. 103.

[2] Трофимова Т.А. Черепа из могильника Тазабагябской культуры Кокча 3 // МХЭ. – М., 1961. Вып. 5. – С. 97-146.

М.А.Итина уларнинг Қуйи Амударё ҳавзасига кўчиб келишини фараз қилиб, бу жараён неолит ва илк бронза даврида содир бўлган, деб ёзади[1].

С.П.Толстовнинг Сувёрган маданияти вакилларининг Хоразм воҳасига Ўрта Осиё жанубидан ва Эрондан кўчиб келиши ҳақидаги хулосалари бизга маълум. Олим ўз фикрларини ривожлантириб, Шарқий Каспийбўйи, Балхон тоғи, Узбой ўзани қирғоқлари орқали Жанубий Оролбўйи ҳудудларига олиб борувчи алоқа йўллари жуда эрта шаклланган, деб қайд этиб ўтган[2].

М.А.Итина Қамишли босқичидаги илк Сувёрган маданияти сопол идишлари шакллари ва нақшларини Ўрта Осиё жанубий вилоятлари сопол идишлари билан қиёслаб, улардаги айрим ўхшашликларни топади[3]. Бироқ бундай қиёслаш жараёнида тадқиқотчи томонидан муҳим далилларга эътибор қаратилмаганлиги ғалати туюлади. Маълумки, тасма услубида қўлда ясалган Сувёрган идишларига нисбатан бронза даврига оид Номозгоҳ туридаги жанубий ёдгорликлар идишлари кулолчилик чархида ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, аниқланган маконлар миқдорига кўра, мил. авв. II мингйилликнинг биринчи ярмида Оқчадарё ҳавзаси аҳоли сон жиҳатидан нисбатан кам бўлган. Аксинча, жанубдан қабилалар кўчиб келиши натижасида маҳаллий аҳоли миқдори кескин ўзгарарди. Хоразмда Шарқий Ўртаер денгизи ирқига мансуб аҳоли гуруҳларининг тарқалишини Калтаминор даврида Шарқий Каспийбўйидан балиқчилар ва овчиларнинг кўчиб келиши билан боғлаш мумкин. Келгиндилар ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган ўз моддий маданият анъаналарини сақлаб қоладилар.

---

[1] Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Труды ХАЭЭ. – М., 1977. Т. X. – С. 40.

[2] Толстов С.П. Древний Хорезм // По следам древних культур. – М., 1951. – С. 169-208.

[3] Итина М.А. История степных племен ... – С. 40-41.

Сувёрган маданияти вакиллари деҳқончиликни билишмаганга ўхшайди, улар чорвачилик тажрибаларидан хабардор бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Аммо асосий маданий белгиларига кўра (кулбалар, қўлда ясалган ва гулханда пиширилган сопол идишлар, чақмоқтош найза ва ўқ учлари), сувёрганликлар Калтаминор моддий маданияти, хўжалиги ва турмуш тарзи анъаналарини давом эттирганлар. Шунинг учун Сувёрган маданиятининг Хоразм воҳасида ташқи миграциялар асосида пайдо бўлиши ҳақида сўз юритиш бироз мушкулдир, чунки уларнинг оқибатлари туфайли вужудга келиши мумкин бўлган маданий янгиликларнинг намоён бўлиши археологик материалларда ўз аксини топмаган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар маҳаллий анъаналар ва ташқи миграцияларнинг этномаданий жараёнлар ўзгаришига таъсири муаммоси билан боғлиқдир. Тозабоғёб маданиятида бундай ўзгаришлар қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

– чорвачилик ва зироатчиликнинг ривожланиши;

– майда чорва ва қорамоллар боқиш билан бирга, туячилик ва йилқичиликнинг пайдо бўлиши;

– улов ва транспорт (арава) воситаларидан фойдаланиш;

– мис ва бронзадан буюмлар ясаш, ҳунармандчилик соҳасининг ривожланиши;

– сопол идишларнинг шакл ва нақшлар жиҳати билан дашт чорвадорлар маданияти кулолчилигига мансублиги.

Андроново маданияти қабилаларининг Жанубий Оролбўйи ерларига келиб ёйилиши ва туб жой аҳолиси билан бирга қоришиб кетиши натижасида янги маданият шаклланади. Андроноволиклар ҳаётида чорвачилик устунлик қилган бўлса ҳам, улар лалмикор ва дарё ўзанларига яқин зах ерларда деҳқончилик билан шуғулланганлар[1]. Айниқса, уларда бронзадан меҳнат қуроллари, рўзғор буюмлари, зеб-

[1] Грязнов М.П. Пастушеские племена Средней Азии в эпоху развитой и поздней бронзы // КСИА. 1970. – № 122. – С. 40-41.

зийнатлар ва яроғ-аслаҳаларни ясаш юқори даражада ривож топган.

Тозабоғёбликлар маданий ўсимликларни парваришлаш кўникмаларини жанубий зироатчилардан олиб ўзлаштиришлари мумкин эди. Шунингдек, Тозабоғёб маданияти уй-жойларида дон қолдиқларининг топилмаганлиги туфайли, улар чорва учун ем-хашак бўладиган ўсимликлар турларини кўпроқ етиштирганлар, деб тахмин қилиш мумкин.

Мил.авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудларидаги кенг миграциялар жараёнларида жанубий зироатчи ва шимолий дашт чорвадор қабилалари фаол иштирок этган. Жанубий аҳоли гуруҳларининг (Даштли-Сополли маданияти) турли ҳудудларда ёйилишининг сабаблари бўз ерлар, янги сув манбалари ва хом ашё конларини ўзлаштириш заруриятидан келиб чиққан.

Андроново-Тозабоғёб қабилаларининг миграцияларини яйловларда боқиладиган чорвачиликнинг ажралиб, махсус хўжалик шаклига айланиши, чорва подаларининг кўпайиши, янги яйловларни ўзлаштириш зарурияти, йилқичилик ва улов-транспорт воситаларининг ривожланиши, қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши ва айирбошлашга интилиш каби омиллар белгилаб берган[1].

Ўрта Осиё дарёлари бўйлаб бронза даврида янги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлади. Хоразмдан Узбой ўзани қирғоқлари ва Шарқий Каспийбўйи орқали йўл Туркманистоннинг жануби-ғарбига олиб келган. Иккинчи муҳим алоқа йўли Жанубий Хоразмда бошланиб, ҳозирги Ҳазорасп, Садвар, Дарғонотадан Амударёнинг сўл қирғоқлари бўйлаб, Қуйи Мурғоб воҳаси (Марғиёна) ҳамда Бақтриянинг ғарбий ва жанубий ерларига ўтган. Ушбу йўл (Марвдан Қуйи Зарафшон ва Хоразмга йўналишида) археологик жиҳатдан

[1] Итина М.А. Взаимодействие земледельческих цивилизаций Средней Азии с их «варварской» периферией в эпоху бронзы // Древние цивилизации Востока. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 132-133.

М.Е.Массон томонидан батафсил ўрганилган[1]. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Хоразм-Мурғоб воҳаси йўлидан бронза даврида кенг фойдаланилган[2].

Жанубий зироатчи ва дашт чорвадор қабилалари томонидан янги ерларнинг ўзлаштирилиши жараёнида улар ўртасида ҳамда туб жой аҳолиси вакиллари билан ўзаро рақобатчилик мавжуд бўлмаганига ўхшайди. Турли вилоятларда жойлашган ёдгорликларнинг ўрганилиши пайтида манзилгоҳларнинг забт этилиши, вайрон қилиниши ва ёнғинга дучор этилиши, яъни ҳарбий ҳужум, босқинчилик излари аниқланмаган.

Даштли-Сополли маданияти вакиллари нисбатан узоқ Шарқий Фарғона водийсигача етиб борганлар. Ҳозирги Ўзган шаҳридан 14,5 км жануби-ғарбда бронза даврига оид Шағим қабристонида Даштли-Сополли маданиятнинг илк босқичига оид кулолчилик чархида ишланган сопол идишлар, бронзадан ясалган қуроллар, уй-рўзғор буюмлари ва зеб-зийнатлар топилган[3].

Жанубий Тожикистонда бронза даврига мансуб Вахш маданиятининг шаклланиши Бақтрия зироатчи аҳолиси айрим гуруҳларининг чорвачиликка ўтиши сабаби билан боғланади[4]. Шунингдек, Жанубий Тожикистонда дашт чорвадор қабилаларига оид ёдгорликлар аниқланган. Уларнинг уй-жойлари чайлалардан иборат бўлиб, турар жойларда тошдан терилган ўчоқлар ва дашт маданиятларига мансуб қўлда ясалган сопол идишлар топилган[5].

---

[1] Массон М.Е. Средневековье торговые пути из Мерва в Хорезм и Мавераннахр // Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад, 1966. Т. XIII. – С. 9, рис. 2.

[2] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари ... – Б. 48.

[3] Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д. Могильник Шагим – новый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы (Кыргызстан) // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. – Ташкент: Фан, 2006. – С. 256-265.

[4] Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Южного Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1989. – С. 99-100.

[5] Литвинский Б.А., Соловьев В.С. Стоянка степной бронзы... – С. 42-44.

Қуйи Зарафшондаги Замонбобо топилмаларида Андроново-Тозабоғёб маданиятига ва жанубий ўтроқ зироатчилик маданиятларига оид хусусиятлар аниқланган. Ушбу маданий анъаналар Қуйи Зарафшонда нафақат иқтисодий-маданий алоқалар асосида, балки Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ ва шимоли-шарқий чорвадор қабилаларининг ёйилиши билан ҳам боғлиқ бўлган.

В.И.Сарианиди Замонбобо ва Бақтриянинг бронза даври археологик материалларини солиштириб, кўп ҳолларда уларнинг алоқадорлигини қайд этиб ўтади. Бундай алоқадорлик белгилари дафн маросимларида, қабрларнинг ички тузилиши, дафн жиҳозлари (жез ойналар, маржонлар, бронза тўғнағичлар) ва бошқа буюмларда кузатилади. Археологик маълумотларга асосланиб, В.И.Сарианиди Бақтриядан чиқиб келган аҳоли гуруҳларининг Қуйи Зарафшон ерларида ёйилишини тахмин қилади[1].

А.А.Асқаров Жанубий Ўзбекистондаги Сополли ва Бухоро воҳасидаги Замонбобо маданиятларнинг моддий топилмаларини қиёслаб, Сополли аҳолисининг Қуйи Зарафшон ҳудудларига миграцияси ҳақида ёзади[2].

Мазкур даврда ўзлаштирилган ҳудудлар чегараларининг тобора кенгайиб бориши бронза металлургиясининг шиддатли ривожланиши, мис, қалай ва қўрғошин конлари қадимги қабилаларга зарур бўлиб туриши, металл буюмларга бўлган эҳтиёж билан ҳам белгиланган.

Мил.авв. II мингйилликнинг сўнгги босқичларига келиб, чорвадорлар аста-секинлик билан зироатчи аҳоли воҳаларига кириб ўрнашадилар. Бу жараён оқибатида маҳаллий аҳоли моддий маданиятининг айрим жиҳатлари, дафн маросимлари ва эътиқодларида ўзгаришлар вужудга келади. Жанубий Ўзбекистондаги Жарқўтонда кулолчилик

---

[1] Сарианиди В.И. К вопросу о культуре Заманбаба // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 23-28.

[2] Аскаров А.А. К передатировке культуры Заманбаба // Культура и искусство древнего Хорезма. – М., 1981. – С. 107-108.

чархида ясалган сопол идишларнинг сиртини дашт бронза кулолчилигига хос нақшлар билан безатиш[1], Бўстон VI қабристонида аниқланган жасадларни куйдириш одатларининг ёйилиши[2], аввал маҳаллий зироатчиларнинг урф-одатларига мансуб бўлмаган янги моддий маданият анъаналари ва дафн маросимларининг пайдо бўлиши шундан далолат беради.

Мил.авв. II мингйилликнинг охири – I мингйилликнинг бошларида Парфия, Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида маҳаллий ва четдан кириб келган маданий анъаналарнинг қоришиб кетиши жараёни давом этиб, зироатчи ва чорвадор қабилаларнинг узлуксиз силжишлари кузатилади. Бу даврда Тозабоғёб қабилалари гуруҳларининг Ўрта Осиёнинг жанубий зироаткор воҳаларига келиб ўрнашуви тадқиқотчилар томонидан тахмин қилинган[3].

Умуман олганда, Срубная (Ёғочбанд)-Андроново маданиятлари вакилларининг мил.авв. II мингйилликнинг ўрталаридан бошлаб узлуксиз миграциялари ҳақидаги илмий фаразлар ҳақиқатга тўғри келади[4]. Хоразм воҳаси бу даврда миграцияларнинг оралиқ ҳудудий марказларидан бирига айланади. Оқчадарё ҳавзасида ва Жанубий Хоразмда

---

[1] Рахманов У. Об орнаментации керамики с поселения Джаркутан // ИМКУ. – Ташкент, 1982. Вып. 17. – С. 15-19; Рахманов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУ. – Ташкент, 1985. – № 11. – С. 58-63.

[2] Авенесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике Сапаллинской культуры (по материалам исследования могильника Бустан VI) // ИМКУ. – Самарканд, 1999. Вып. 30. – С. 27-36.

[3] Толстов С.П., Итина М.А. Проблема Суярганской культуры // СА. – М., 1960. № 1. – С. 32; Итина М.А. Степные племена среднеазиатского междуречья во второй половине II – началае I тысячелетия до н.э. // СЭ. – М., 1962. № 3. – С. 109-120.

[4] Кузьмина Е.Е. О южных пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового века Евразии. – М.: Наука, 1964. – С. 148-154.

топиб текширилган Андроново маданиятига оид айрим мавсумий маконлар мазкур фикрга ёрқин мисол бўлади[1].

Мил.авв. VIII–VII асрлардан бошлаб, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг дашт ва тоғ олди вилоятларида кўчманчилар – илк сакларининг ёдгорликлари тарқалади[2]. Хоразм воҳаси Довдон ўзани ҳавзасига сакларнинг кўчиб келиши мил.авв. VII аср билан белгиланади.

Қуйи Сирдарёдан кўчиб келган саклар, Сариқамишбўйи ерларида ўзларига таниш бўлган географик шароит, табиий муҳитга дуч келадилар. Илк саклар сингари туб жой аҳоли вакиллари (қуйисойликлар) чорвачилик билан шуғулланганлар. Сув манбалари ва дашт яйловлари сероб бўлганлиги туфайли маҳаллий ва келгинди қабилалар ўртасида рақобат бўлмаган. Бундай шароитда иқтисодий манфаатлар устунлик қилган. Илк саклар умумий маданий-хўжалик доирасида ўз моддий маданияти, эътиқодларини сақлаб қолганлар.

Мил.авв. VII асрда Жанубий Урал ҳудудларида истиқомат қилган чорвадор қабилалардан дахлар (дайлар) ва массагетлар ажралиб чиқадилар[3]. Мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмида массагетлар Каспий ва Орол денгизлари оралиғидаги кенг ҳудудларда жойлашадилар. Уларнинг турмуш тарзи мавсумий миграциялар билан боғланган бўлиб, массагетларнинг қишлиқлари Устюрт ва Манғишлоқда жойлашган, ёз мавсумида эса улар Ёйиқ, Тобол ва Ирғиз дарёлари атрофларидаги ўтлоқларга кўчганлар[4].

Мил.авв. VII асрнинг охирида жанубий аҳоли гуруҳларининг Хоразм воҳасига кириб келиши туфайли,

---

[1] Итина М.А. История степных племен ... – С. 104-105.

[2] Грязнов М.П. К хронологии древнейших памятников эпохи ранных кочевников // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. Вып. 3. – С. 9-12.

[3] Смирнов К.Ф. Кочевники Северного Прикаспия и Южного Приуралья скифского времени // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 75-76.

[4] Пьянков И.В. Массагеты Геродота // ВДИ. – М., 1975. № 2. – С. 67-68.

юқори даражада ривожланган тарихий-маданий доирадан, маданий-хўжалик жиҳатидан чорвадорларга хос ўлкага миграциялар натижасида, келгинди ва туб жой аҳолисининг қоришиши ҳамда илғор маданий анъаналарнинг ёйилиши жараёни юз берган.

Ю.А.Рапопорт томонидан Кўзалиқир маданиятининг вужудга келишига «саклар-хоразмликлар»нинг жанубий юқори маданий анъаналар (меъморчилик ва шаҳарсозлик шулар жумласидан) билан бевосита «танишиб чиқиш» ва цивилизация ютуқларидан фойдаланишга табиий интилиши пойдевор бўлган, деб тушунтирилиши[1] мунозарали бўлиб, ҳақиқатга жавоб бермайди.

Кўзалиқир маданиятининг пайдо бўлиши Марғиёна-Бақтрия меъморчилиги, ҳунармандчилиги ва моддий маданияти анъаналарининг Хоразм воҳасида татбиқ этилиши билан боғланган.

Хулоса қилиб, кўриб чиқилган мавзу юзасидан қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

– неолит давридан бошлаб, Жанубий Оролбўйи маданий-хўжалик доирасида умумий белгиларга эга турмуш тарзи ва моддий маданият ривожланади. Калтаминор ва илк Сувёрган маданиятлари соҳиблари чорвачиликдан хабардор бўлганлар, деган фикрлар мавжуд, аммо ўрганилган археологик материаллар уларнинг, асосан, ўзлаштирувчи хўжалик шакллари тўғрисида далолат беради;

– Тозабоғёб маданиятининг шаклланиши Хоразм воҳасига келгинди аҳоли гуруҳларининг ёйилиши натижасида янги иқтисодий ва маданий анъаналарнинг татбиқ қилиниши билан изоҳланади;

– дашт қабилаларининг миграциялари асосида Жанубий Оролбўйи ҳудудлари чорвачилик ва зироатчилик хўжаликларига асосланган Евроосиёнинг бронза даври дашт маданиятлари ёйилган жанубий чегараларини белгилаб,

---

[1] Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ РАН, 1998. – С. 29-30.

чорвадорлар ташқи миграцияларининг оралиқ ҳудудий таянч масканларидан бирига айланади;

– тозабоғёбликлар Андроново маданияти гуруҳлари сингари ташқи миграциялар жараёнларида иштирок этадилар. Уларнинг мавсумий маконлари Қуйи Зарафшон, Калиф Узбойи соҳиллари ва Қуйи Мургоб воҳаси чегараларида пайдо бўлган. Бундай миграциялар янги яйловларни ўзлаштириш ва жанубий зироатчилар билан маҳсулот айирбошлаш заруриятидан келиб чиққан;

– ижтимоий-иқтисодий сабаблар туфайли бронза даврида жанубий аҳоли вакилларининг Ўрта Осиё шимолишарқий ҳудудларига миграциялари амалга оширилган. Ушбу миграциялар сўнгги бронза даври ва илк темир асри бошларига қадар давом этган. Натижада, жанубий жамоаларнинг аъзолари Хоразм ҳудудларига жойлашганлар. Кўзалиқир маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни юқори маданий-хўжалик доирасидан (Марғиёна-Бақтрия) аҳоли гуруҳларининг миграцияси натижасида, келгинди ва маҳаллий аҳолининг қоришиши, илғор маданий анъаналарнинг ёйилиши оқибати бўлган.

ХУЛОСА

Тош давридан бошлаб, инсон томонидан Марказий Осиё ҳудудларини ўзлаштирилиши унинг машғулотлари ва хўжалик шакллари билан бевосита боғлиқ бўлган. Одамлар яшаш учун қулай табиий шароит, истеъмолга яроқли ўсимликлар ва ов қилинадиган ҳайвонларга бой жойларни эгаллаб олишга ҳаракат қилганлар.

Мезолит ва неолит даври археологик ёдгорликларининг географияси, овчилик, термачилик, балиқчилик ҳамда жанубда илк деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланган уруғдош жамоаларнинг турли географик ҳудудларда ёйилишидан гувоҳлик беради. Энг қадимги ҳудудий жойлашиш жараёнларига доир муҳим масалаларни ўрганишда археологик маълумотлар катта аҳамият касб этади. Бу ҳол бронза ва илк темир даврида ҳудудий жойлашув қонуниятлари, ҳудудларни ўзлаштириш даражаси ва ҳудудий ўрнашиш хусусиятларини аниқлашга тегишлидир.

Бронза даврида ўтроқ аҳоли томонидан қуйидаги табиий-географик ҳудудлар ўзлаштирилган:

1. Дашт ва чўллар билан ўраб олинган дарёларнинг қуйи қисмлари – дельталари (қуйи Амударё, Тажан, Мурғоб, Зарафшон, Балхоб).

2. Тоғ ёнбағирларидаги дарёлар воҳалари (Копетдоғ, Куҳитанг, Бойсун, Панж ҳавзаси).

Шунингдек, дашт чорвадор қабилаларининг маконлари ва мозор қўрғонлари кенг ҳудудларда ёйилган (Жанубий Тожикистон, Фарғона водийси, Тошкент ва Зарафшон воҳалари, Жанубий Қизилқум ва Бухоро воҳаси, Жанубий Оролбўйи).

Бу давр аҳолининг географик жойлашуви хусусиятлари шундаки, улар сув манбалари, бўз ҳосилдор ерлар ва яйловлар мавжудлиги билан белгиланган. Шунингдек, ёдгорликларнинг картографиясига кўра, айрим деҳқончилик воҳа-туманлар бир-биридан анча катта масофада жойлашган. Масалан, Жанубий Бақтриядаги бронза даври

Давлатобод туманидан Оқча воҳасигача тўғри йўналишда масофа 140 километрни ташкил этади ёки Оқчадан Жанубий Ўзбекистондаги Улонбулоқсой деҳқончилик воҳасигача масофанинг кўрсаткичи 60 км дан ортиқ. Бундан кўриниб турибдики, ўтроқ деҳқончилик воҳа-туманлар ўртасида кенг ўзлаштирилмаган ҳудудлар – бўз ерлар, даштлар ва адирлар мавжуд бўлган.

Тадқиқотчиларнинг кузатишларига кўра, бронза даврида яйловларда чорва боқиш хўжалигининг шаклланиши ва подалар сонининг ортиб бориши натижасида, чорвадорлар томонидан Марказий Осиёнинг чўл, тоғ олди адирлари ва зироатчилар ўзлаштирмаган дарё ҳавзалари эгалланди. Бу жараённинг иккинчи сабаби металл ишлаб чиқариш иқтисоди билан узвий боғланган. Мисол тариқасида, Марказий Қизилқум, Зарафшон воҳаси табиий ресурслар – минерал хом ашёларга бой бўлган (мис, қалай, олтин ва бошқ.). Шу тариқа тоғ кончилик билан боғлиқ металл ишлаб чиқариш марказлари ривожланган ҳамда деҳқончилик вилоятлари ва чорвадор қабилалар эгаллаган ҳудудлар ўртасида ўзаро айирбошлаш, савдо-сотиқ алоқалари йўлга қўйилган.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

АН – Академия наук.

АО – Археологические открытия. Москва.

ВДИ – Вестник древней истории.

ИВЛ – Издательство восточной литературы. Москва

ИМКУ – История материальной культуры Узбекистана. Ташкент.

ИТН – История таджикского народа.

КСИА – Краткие сообщения Института археологии. Москва.

Л – Ленинград.

М – Москва.

МГУ – Московский государственный университет.

МИА – Материалы и исследования по археологии СССР. Москва; Ленинград.

МХЭ – Материалы Хорезмской экспедиции. Москва.

РАН – Российская Академия наук.

СА – Советская археология. Москва.

СЭ – Советская этнография. Москва.

ХАЭЭ – Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция.

ЮТАКЭ – Южно-Туркменистанская археологическая комплексная экспедиция.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Тош даврида ҳудудларни ўзлаштириш жараёни ва хўжалик-маданий типлар 12
Илк зироатчи-чорвадорларнинг ҳудудий жойлашуви ва маданий-иқтисодий тараққиёти даражаси 25
Археологик ёдгорликларнинг географияси ва картографияси 35
Бақтрия ва "Харали" тарихий географиясига доир 52
Марказий Осиёда бронза даври миргациялари 63
Окс-Амударё цивилизациясининг пайдо бўлишида миграцияларнинг ўрни 71
Хоразм воҳаси қадимги миграциялар тизимида 95
Хулоса 107
Шартли қисқартмалар 109

ИЖОДИЙ ГУРУҲ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич – академик, тарих фанлари доктори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Археология" кафедраси профессори

Абдуллаев Ўткир Исмоилович –тарих фанлари номзоди, Урганч давлат университети "Тарих" кафедраси доценти

Матяқубов Хамдам Хамиджанович – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Урганч давлат университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси

Шайдуллаев Алишер Шапулатович – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Археология" кафедраси катта ўқитувчиси

Тоғаев Жасур Эркинович – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси

БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ ВА КАРТОГРАФИЯСИ

Муҳаррир Ҳ. Закирова
Техник муҳаррир Т. Смирнова
Мусаҳҳиҳ С. Алимбаева
Саҳифаловчи А. Муҳаммадиев

Нашриёт лицензияси AI №223, 16.11.12
Босишга 31.05.2019 й. рухсат этилди. Бичими 60×84 $^{1}/_{16}$
"Times New Roman" гарнитураси. Офсет босма усулда босилди.
Шартли босма табоғи 5,51. Нашр табоғи 6,50.
Адади 100 нусха. 40-сонли буюртма.

«TURON-MATBAA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.

ISBN 978-9943-14-627-3